

88
595

Миңал Күмәр Гүлтә

БАХТЛИ БҮЛІШ СИРЛАРИ



Мұалымалар шағындағы миссиз, үңүтманн,
хәр бүгін синап өміндегі хайр дөр

88
Г95


Минал Кумар Гулта
**БАХТЛИ
БҮЛІЙШ
СИРЛАРИ**



4

Nizomiу поемі
Т Д Р У
kutubxonasi

У-8920/7



УЎК: 159.9

КБК: 88

Г – 95

Гупта, Кумар

Бахтли бўлиш сирлари / К.Гупта Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 176 б.

ISBN 978-9943-20-858-2

Инсон борки, ҳаётда турли муаммолар билан юзлашади, баъзан улар қаршисида ожиз қолади. Шундай пайтда дардлашадиган, борингни тўкиб-соладиган, йўл-йўрик кўрсатадиган ҳамдардга эҳтиёж сезасан. Бироқ дардингни жон-кулоғи билан тинглаб, сирларингни саклайдиган, айниқса, тўғри маслаҳат бериб, йўл-йўрик кўрсатадиган дўстни топиш амримаҳол.

Дунёдаги энг кўп сотилган психологияк китобларнинг машҳур муаллифи Мринал Кумар Куптанинг ilk маротаба ўзбек тилига таржима қилинган «Бахтли бўлиш сирлари» китоби сиз учун сирдош ва яхши маслаҳатчи бўла олади.

Осон ва тушунарли тилда ёзилган, ҳаёт синовларидан ўтган ушбу маслаҳатлар тўпламини ўқишингизни тавсия киласиз.

УЎК: 159.9

КБК: 88

Таржимон:
Дилафрўз АҲМАДАЛИЕВА

ISBN 978-9943-20-858-2

© Кумар Гупта, «Бахтли бўлиш сирлари». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ.....	10
БАХТ НИМА?.....	12
1. Концентрация	13
2. Ҳолатдан чиқиб кетиши ва унтишига тайёр бўлинг.....	14
3. Фикрларни режалаштиринг	15
4. Ижобий фикрлашини ўрганинг.....	16
5. Ҳиссий тобеликдан қутулиб, ҳаётга енгилроқ қарашни ўрганинг.....	17
6. Қийинчиликларга нисбатан хотиржам муносабат фойдамизга ишлайди	18
7. Ҳар бир нарсанинг сабаби бор, ҳеч нарса тасодиф эмас.....	20
8. Сукунат, ёлғизлик ва ўз-ўзини таҳлил қилиши – муваффақият қалити.....	20
9. Қўрқувни бартараф қилинг.....	21
10. Ўзингиздан камчилик қидирманг: бошқалар қила олган ишини сиз ҳам уддасидан чиқасиз.....	23
11. Вақтингизни беҳуда сарфламанг.....	24
12. Импульсларингизни назорат қилинг, ўзингизни қўлга олинг, сабрли бўлишга одатланинг.....	26
13. Фитналарга таслим бўлманг	27
14. Ўтмишини эсламанг, келажак ҳақида ташвишланманг..	28
15. Сиз ўз тақдирингиз эгасисиз.....	29
16. Энг муҳими, ўзингиздан қониқишингиз бошқаларга илтифот кўрсатишдан юқори турсин.....	32
17. Заиф тарафларингизга кўникинг ва буни фақат ўзингиз билинг.	33
18. Онгингизни ортиқча кераксиз фикрлар билан банд қилманг	34
19. Сиздан сўрамагунларича танбеҳ ва маслаҳат берманг...36	36

20. Худбинлик ва ғурурдан халос бўлинг.....	37
21. Ижобий фикрланг.....	38
22. Бугунги шини эртага қўйманг.....	41
23. Парвардигор билан доим алоқада бўлинг.....	42
24. Дунёда шошилинч ва тенги йўқ нарсанинг ўзи йўқ.....	43
25. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор.....	44
26. Иш жараёнидан завқ олинг, разбатлантиришиларини кутманг.....	45
27. Ўзгаришиларни қабул қила олиши учун кўникувчан бўлинг.....	46
28. Очкўзлик қилманг: Ер юзидаги ҳамма нарса Парвардигорга тегишили.....	47
29. Оз нарса ҳам кўпдек кўриниши мумкин.....	48
30. Танлаш ва қарор қабул қилишида икир-чикирларга эътибор берманг.....	49
31. Қанчалик очиқкўл бўлсангиз, шунча кўп қўлга киритасиз.....	51
32. Худбин бўлманг, тафаккур доирангизни кенгайтиринг.....	52
33. Тартибсизликлардан холи бўлинг.....	53
34. Яхши инсонлар даврасида бўлинг.....	54
35. Доим табассум қилинг.....	55
36. Ўзгалардан кўп нарса кутманг.....	56
37. Молпарастга айланманг.....	57
38. Муаммолар – ҳаётимизнинг ажралмас қисми.....	59
39. Атрофингиздаги олам ва жамиятни янада яхшилашига интилинг.....	61
40. Маший чекловлардан устун бўлинг.....	62
41. Руҳий хотиржамлигинги учун тўғри овқатланишига риоя қилинг.....	62
42. Кундалик жисмоний машқларни бажаринг.....	64
43. Кун тартибингиздан дам олиши ҳам жой олиши керак.....	65
44. Уйқунгизга эътибор беринг.....	66
45. Жисмоний касалликлардан устун туринг.....	67

46. Ўлим қўрқувидан халос бўлинг.....	68
47. Вазиятни тузатиши учун ташаббусни қўлга олинг	69
48. Дунёни ўзгартириши учун, аввало, ўзингизни ўзгартиринг.....	70
49. Унутувчан ва кечиримли бўлинг.....	71
50. Шубҳа ва гумонлардан халос бўлинг, иймонингизни йўқотманг.....	72
51. Ҳалол ва солиҳ бўлинг.....	73
52. Бу дунёда ҳар нарсанинг афзаллиги ва камчилиги бор.	74
53. Ёрдамни ёлгиз Парвардигордан кутинг.....	76
54. Фарзандларингизни Парвардигорнинг сизга берган буюк неъмати деб ҳисобланг.	77
55. Рангларни тўғри танланг.....	78
56. Қаддингизни тик тутинг.....	79
57. Сокин ва тинчлантирувчи мусиқа тингланг.....	80
58. Табиатга яқинроқ бўлишга интилинг.	82
59. Тозалик ва тартибга риоя қилинг.	83
60. Юқори ҳарорат ёки намлик, ифлосланган ҳаво ва шовқин онгимизга таъсир кўрсатади.....	84
61. Кайфиятни кўтарувчи суратларни томоша қилинг.....	85
62. Кераксиз буюмлардан халос бўлинг.....	86
63. Ҳазил ва кулгини ёддан чиқарманг.....	87
64. Келажак учун ташвишлиланманг.....	88
65. Хоҳии ва истакларингизни назорат қилинг.....	89
66. Пулнинг ортидан қувманг.	91
67. Ҳеч қачон ўзингизни вақт танқислиги билан оқламанг. ..	92
68. Доимий ўсиш, ривожланиши мақсади билан яшанг ва мехнат қилинг.	93
69. Ҳеч нарсани зое кетказманг.....	94
70. Аҳамиятсиз нарсаларга вақт сарфламанг.....	95
71. Газаб – заифлик белгиси.	96

72. Ўзингизни дунёда тақрорланмас деб ҳисобламанг.....	97
73. Ўзгаларга қийинчиликларингиз ҳақида гапирманг.....	98
74. Ўзингизда сабрни тарбияланг.	99
75. Диний бағрикенг бўлинг.	100
76. Ҳамма нарсани назорат қилишга урунманг.	100
77. Ёрдамни бемалол тақлиф этинг ва қабул қилинг.	101
78. Ҳаёттинг ҳар лаҳзасидан баҳра олинг.	102
79. Ҳар бир кишидан нимадир ўрганинг.....	103
80. Ҳеч қачон яхшиликдан ўзгасига кўнманг.....	104
81. Мулоим бўлинг, яхши хулқ-авторни ўзингизга сингдиринг.....	105
82. Бирор инсон ҳақида ёмон хаёлга бориш ёки гапириш ярамайди.	108
83. Биз, барчамиз, бир-биримизга боғлиқмиз.	109
84. Ҳар қандай вазиятдан сабоқ олишини ўрганинг.	110
85. Қиёсламанг.	111
86. Мустақил бўлинг, шахсий қарорларингизни ўзингиз қабул қилинг.	112
87. Ўзгаларни қадрлашни ўрганинг.....	113
88. Юқорига ўса туриб, оёғингиз ердан узилмасин.	114
89. Ҳар бир ҳаёт қувончи учун Парвардигордан миннатдор бўлинг.	115
90. Ўзганинг гап-сўзлари ва қилмишларини изоҳлашга ҳожат йўқ.....	116
91. Куч ўз-ўзидан келсин.	117
92. Ташиқи вазият тушикунлигинги сабаби бўлолмайди.	117
93. Кўнгилсизликлардан фалокат ясаманг.	118
94. Кўйиб юборишни ўрганинг.....	119
95. Ўзингизни ёлгиз сезмаяпсизми? Зерикмаяпсизми?.....	121
96. Сизни рад этишиса ёки маъқуллашмаса, хафа бўлманг.	123
97. Сўзларингиз ва ҳаракатларингизда худбинликдан йироқ бўлинг.....	124

<i>98. Сиз билан можарога борган инсон даражасига тушиманг.....</i>	126
<i>99. Мукаммаллик ва идеализмга ружу қўйманг.....</i>	128
<i>100. Муроса қилишини ўрганинг.....</i>	129
<i>101. Ўзгалар фикрини ўзингиздан устун қўйманг.....</i>	130
<i>102. Хаёлларингизни тез ва онгли равишда ўзгартиришига ўрганинг.....</i>	132
<i>103. Бахтсизликларда ҳам ўсинг, ривожланинг.....</i>	133
<i>104. Умр ўйлдошингиздан кўп нарса кутманг.....</i>	134
<i>105. Бир кун билан яшанг, шошилманг.....</i>	136
<i>106. Хаёлларингизга дам беринг.....</i>	137
<i>107. Суҳбатларингиз асабийлик ва юракда оғриқ билан якунланмайдими?.....</i>	139
<i>108. Муаммоларингизни галма-гал ҳал қилинг.....</i>	140
<i>109. Онгингиз бўшаб қолишига ийл қўйманг.....</i>	141
<i>110. Ўзингизни муаммо ва кўнгилсизликлар ичida масаввур қилманг.....</i>	142
<i>111. Хавотир вактида анатияга тушиб қолманг.....</i>	144
<i>112. Шикоят ва ҳақорат қилманг.....</i>	145
<i>113. Бировга ёқии учун жон куйдирманг.....</i>	147
<i>114. Режалар тузиши билан овора бўлиб қолманг.....</i>	149
<i>115. Ўзгаларни ўзгартиришига уринманг.....</i>	150
<i>116. Мақтovларга сахий, танқидларга ҳушёр бўлинг.....</i>	152
<i>117. Ўзингизда сатогуна хислатини ривожлантиринг.....</i>	154
<i>118. Ўзгаларга ёрдам қила туриб, шахсий қизиқишиларингизни қурбон қилманг.....</i>	156
<i>119. Ҳаётда ҳамма нарсани қабул қилишини ўрганинг.....</i>	159
<i>120. Ўзингизда нафрат туйгусини шакллантирманг.....</i>	161
<i>121. Бошқаларни ўзингизга тобеъ қилманг.....</i>	163
<i>122. Ҳолоса қилишига шошилманг.....</i>	165
<i>123. Заиф ва ёрдамга муҳтожлардан манфаатингиз учун фойдаланманг.....</i>	168

124. Маросимларға берилманг	169
125. Ҳақиқаттаға қарши чиқманг	169
ХУЛОСА	173
БАХТ ҲАҚИДА БИР ҚАНЧА ИҚТИБОСЛАР	174



Бахтнинг шартлари қандай? Ҳаётнинг қувончли ва мазмунли бўлишини қаердан бошлаш керак? Кундалик стресс ҳужумларини бартараф этишимизга нима тўсқинлик қиласди? Ушбу қимматли амалий маслаҳатлар тўпламида сиз ҳаётингизни яхши томонга ўзгартиришга ёрдам берса оладиган саволларингизга жавоб оласиз.

Китобнинг эътиборли жиҳати шундаки, у исталган саҳифадан бошлаб ўқилиши мумкин. Айнан ҳозир сизни нима баҳтли ва кучлироқ қиласди? Ёлғизлик, хотиржамлик, оптимизм, ўзга инсонга ёрдам бериш — танлов сизники. Ҳар бир маслаҳат қисқа, лўнда ва қизиқарли иллюстрациялар билан бирга берилади, шунинг учун уларни эслаб қолиш жуда осон.

М.К.Гупта дунё миқёсида энг кўп сотилган психологияк китобларнинг муаллифи. Турли фалсафий оқимларни, тиббий ва маънавий адабиётларни ўрганиб чиққач, у муҳим холосага келди ва абадий баҳтга йўл очди, ҳар қандай инсон муқаррар равишда ўтадиган баҳтсизлик ва азоб-уқубатлардан ҳалос бўлди. Эндиликда «Баҳт сари маслаҳат» қамровида тузилган маслаҳатлар йиғиндиси ушбу китобни ўқиган ҳар бир киши учун хизмат қиласди.



СҮЗБОШИ

Аслида мен бу китобни ёзмоқчи эмасдим, негаки, ёзишдан кўра кўпроқ ўқишини ёқтираман.

Мен ҳаёт сирлари ва ҳақиқатлари ҳақида кўп маълумотларни ўқиб чиқдим ва абадий баҳтга, ҳар қандай инсон муқаррар равишда бошидан ўтказадиган баҳтсизлик ва азоб-уқубатлардан халос бўлишига йўл топдим. Ва бу борада тўплаган билимларими Сиз, азиз китобхонлар билан бўлишгим келди. Мен йога, маънавият, инсон тафаккури ва тиббиётга бағищланган минглаб китоблар билан танишдим ва бу ерда ҳеч қандай ғайритабиий нарса йўқ эканига ишонч ҳосил қилдим.

Кутилмаганда, нима учун инсон ўз фикрларини ифода эта олмасин, нега қимматли маслаҳатлари ва тажрибаларини бошқаларга татбиқ этмасин, деб ўйлаб қолдим.

Шундай саволлар остида қўлимга қалам олдим... Натижа эса аъло даражада: мен эккан дарахтнинг меваси – тажрибаларим асосида ёзилган китоб қўлингизда турибди. Агар бу китоб сиз учун фойдали бўлса, демак, мен бесамар тер тўкмабман.

Китобни вараклар экансиз, муаллиф фақат бошқа китоблардан ўқиганларини айтиб беряпти, деган ҳаёлга борманг, негаки, мен жуда кўп нарсани шахсий ҳаётий тажрибаларимдан сабоқ сифатида топганман.

Мен сизга ушбу китобни аста-секинлик билан, етарлича холи вақтингиз бўлганда, ҳеч нарсага

чалғимай ўқишиңгизни тавсия қилған бўлардим. Уни қайта-қайта ўқиб чиқинг, ўқиганларингиз ҳақида ўйланг, ушбу китобдан юқори даражада фойда олинг, шундагина тавсияларим онгу тафаккурингиз доирасида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сизга қулайроқ бўлиши учун мен бошқа китобларимдан ҳаволалар келтирганман. Мазкур китоб турли тилларга таржима қилинган. Бу нашрлар ҳақида камина ёки ноширдан маълумот олишингиз мумкин.

Дарвоқе, «Абадий эркин бўлиш сирлари» деб номланган китобим ҳам нашрдан чиққанлигини мамнуният билан Сизга етказмоқчиман. Эҳтимол, уни ҳам ўқиши истагингиз пайдо бўлар.

Сизнинг фикр ва таклифларингизни қабул қилишдан беҳад баҳтиёрман. Агар сизда бирор тушунмовчилик ёки фикрлар туғилса, саволларингизга бажонидил жавоб қайтаришга тайёрман.

*М.К.ГУПТА,
Янги Дехли*

БАХТ НИМА?

Бахт ёки баҳтсизлик – бу ақлнинг ҳолати ёхуд ташқи шароитга боғлиқ эмас. Бошқача айтганда, улар ташқаридан эмас, балки ички ҳис-туйғуларимиз орқали келиб чиқади. Икки киши бир хил вазиятга бутунлай бошқача муносабатда бўлиши мумкин. Масалан, улардан бири бу вазиятда зўриқиши ёки безовталаниши, иккинчиси эса тинч ва бамайлихотир бўлиши мумкин.

Бахт ва баҳтсизлик уларга нисбатан муносабатимиз билан белгиланади. Шубҳасиз, ҳаётимиздаги асосий нарса ақлий муносабатdir. Эътиқодимиз бизга қувонч, баҳт, севги, тинчлик, куч ва донолик манбаи ўз ичимида яшаётганини ўргатади. Бу манба турлича номланади: «илоҳий Мен», «ички Мен», «ҳақиқий Мен», «руҳ»», «илоҳий учқун» ва бошқалар. Руҳий муносабатни ижобий тарафга ўзгартиринг, шунда ушбу манбага яқинлашасиз.

Мен айнан баҳтли бўлиш борасидаги фикрларим ва тажрибаларимни тушунтиришнинг энг содда ва қулай усулини танладим. Сизни техник ва фалсафий атамалар билан ортиқча қийнаш ниятим ҳам йўқ. Шу боис ҳар бир жумлани содда ва тушунарли тилда баён қилишга ҳаракат қилдим. Фақат чалғимай, безовта бўлмасдан кузатиб борсангиз бўлгани. Мухими, қуидаги маслаҳатлар назарий уйдирмалар эмаслигини унутманг! Зоро, бу маслаҳатлар ўтмишда кўплаб одамлар томонидан амалда синовдан ўтказилган ва улар ёрдамида абадий баҳтга эришганлар.

*Агар баҳтни кутсам мен,
Албат абадий кутарман.
Агар ҳозир баҳтли бўлсам мен,
Кейин абадий баҳтли бўларман.*

1. Концентрация

Жисмоний машқлар танани мустаҳкамлайди, концентрация онгни ривожлантиради.

Кучли онг ортиқча ташвишланмайди, ҳаёт мұммалари ва синовлари туфайли безовталанмайди. Машғулотингиздаги концентрацияни кучайтириш учун қанчалик оддий бўлмасин, уни бутун вужудингиз билан бажаришингиз керак. Бундай пайтларда онгингизда сиз учун бу машғулотдан ва у билан боғлиқ бўлган нарсалардан бошқа ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Мисол учун, агар сиз мева истеъмол қилаётган бўлсангиз, унда ҳар бир бўлакка алоҳида эътибор қаратишингиз керак. Агар сузаётган бўлсангиз, фақат сузиш ҳақида ўйлашингиз лозим – шундагина бу жараён сиз учун жуда фойдали бўла олади. Агар китоб ўқиётган бўлсангиз, унга бутун фикрингиз билан шўнғиб, қолган барча нарсаларни унутинг. Ўз навбатида, қизиқишингиз бўлмаган концентрацияни ҳам ўрганинг, шундагина онгни ҳақиқий назорат қила олиш имкониятига эга бўласиз.



Бошқача қилиб айтганда, концентрация – бугун билан яшаш қобилиятидир. Бу муваффақиятли ва баҳтли ҳаёт кечириш учун энг қимматли хусусият ҳисобланади.

2. Ҳолатдан чиқиб кетиш ва унутишга тайёр бўлинг

Концентрациядан ташқари, ҳар қандай объектдан ёки машғулотдан дарҳол чиқиб кетиш қобилиятини ривожлантириш керак. Баъзи одамлар ўзига юклатилган вазифани астойдил бажаришади, лекин кейинги вазифага ўтгач, аввалгисини бутунлай унутишга қийналишади. Уларда «қайта уйғониш» даври кузатилади. Биз ҳар қандай шароитда янги вазифаларимизга кўнишишимиз ва унга жиддий эътибор қаратишимиз керак.

Руҳий барқарорликка ҳолатдан чиқиб кетиш йўли орқали эришилади. Руҳий кескинлик эса ҳаддан ташқари концентрациядан келиб чиқади.

Ёдингизда бўлсин: дунё – улкан мактаб. **Воқеа ва ҳодисаларнинг вазифаси бизга сабоқ беришдан иборат.** Барча моддий материаллар аслида муҳим эмас. Биз уларга дикқатимизни



Руҳий барқарорликка ҳолатдан чиқиб кетиш йўли орқали эришилади.



Руҳий зўрикиш керагидан ортиқ бирор нарсага диккатини қаратишдан келиб чиқади.

қаратмасдан, фақат улардан сабоқ олиш учун фойдаланишимиз лозим. Сабоқни ўзлаштиргач, нарсалар ва воқеаларни унтишимиз ва ҳаракат қилишда давом этишимиз керак. **Концентрациялар ва ҳолатдан чиқиш бир вақтнинг ўзида ўрганилиши лозим.** Буни Вивекананда Свами доимо таъкидлаб келган. Ўтмишни унтиш ва узоклашиш қобилияти муваффақиятга эришиш учун жуда муҳим. **Таъкидланганидек, «Баъзан эслаб туриш аҳамиятли бўлса-да, бироқ вазиятни тезроқ унтиб юбориш оқилона ечимдир».**

3. Фикрларни режалаштиринг

Вақти-вақти билан фикрларингиз тасодифий ёки тартибсиз эмас, балки режалаштирилган ва давомий эканинга ишонч ҳосил қилинг. Тасодифий ва тартибсиз фикрлашлар, хомхаёллар заиф тафаккурнинг белгисидир. Бу сизнинг онгли равишда вазиятни назорат қилмаётганингиз (яъни, барча истакларингиз ва мойилликларингизни сақлайдиган ақлнинг бир қисми) ва аксинча, онгингиз сизни назорат қилаётганидан далолатдир. Онгингиз жуда фаол ишлаши керак. Онг тафаккурни гўёки ҳукмдор ўз хизматкорини назорат қилаётгани каби назорат қилиши лозим. Баъзан руҳий ҳолатда тафаккурни онгдан устун бўлишига имкон берасиз. Тафаккурингизда сиз учун муҳим бўлган фикрлар борлигига ишонинг. Таҳлилларга кўра, инсон ҳаётининг кўп қисмини самарасиз ва фойдасиз фикрларга сарфлайди. Шундай экан, сиз бундан тўғри хулоса чиқариб, фикрларингизни самарали томонга йўналтириш ва фойдали иш билан шуғулланиш ҳақида бош қотиринг.



4. Ижобий фикрлашни ўрганинг

Хаётимизнинг энг муҳим томони – фикрлашга жуда кам эътибор берамиз. Ваҳоланки, айнан фикрлашимиз бизнинг шахсиятимиз ва характеримизни белгилайди. Ижобий фикрлаш одатини ўзингизда ривожлантириинг, ҳатто энг қийин вазиятларда ҳам ижобий фикрланг. Салбий фикрлаш ақлни заифлаштиради, уни қўзғатади ва заҳарлайди. Руҳий муносабатни ўзгартирган ҳолда, ҳар бир салбий фикрни ижобий томонга айлантириинг. Савол туғилади: буни қандай амалга ошириш керак? Тасаввур қилинг, бир киши сизни ранжитди. Аммо сиз унга ёмон муносабатда бўлмасликка ҳаракат қилинг. Унинг ўзи салбий характерга эга эканлиги ва ҳали етук инсон бўлиб шаклланмагани ҳақида ўйланг. Шунинг учун ҳам у нохуш сўзлар билан сизни ранжитди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ундан ғазабланманг. Айнан шу сизнинг унга нисбатан ижобий муносабатда эканингизни англатади.

Ижобий фикрлашга одатлансангиз, ўзингизга ижобий вазиятлар ва ҳодисаларни яратада оласиз, чунки руҳий тортишув қонунига кўра, сиз хаёлингиздаги ўй-фикрларга муносаб бўлиб борасиз. Масалан, доим бирор касалликдан қўрқиб, сизда ҳам шу касаллик шаклланиб боришини ўйласангиз, онгли равишда касаллик механизмига йўл очиб берасиз. **Ўй-хаёлларимиз ана шундай кучга эга. Улар тош деворлар каби ҳақиқиётидир.**

Ижобий муносабатни саклаб қолиш учун сиз нафакат ўзингизга, балки атрофдагиларга ҳам фойда келтирадиган ижобий муҳит яратишингиз керак. Бу муҳит сизни бошқаларнинг салбий муносабати ва одатларидан ҳимоя қиласи.

5. Ҳиссий тобеълиқдан қутулиб, ҳаётга енгилроқ қарашни ўрганинг

Кечинмаларимиз ва муаммоларимизнинг илдизи қийинчиликларга нисбатан ўта таъсирчанлигимиздир. Биз барча обьектлар ва вазиятларни томошабин сифатида кузатишимиз керак. Улар бошқача, биз эса бошқачамиз ва улар билан алоқамиз вақт жиҳатидан чекланган.

Моддий буюмлар ва вазиятлар билан боғлиқлигимизнинг сабаби уларга нисбатан ўта жиддий муносабатда бўлишимиздир. Улар бунга арзимайди. Қийинчиликлар ва муаммолар доимий эмас. Қийинчиликлар ўтиб кетади. Бу – ҳаёт қонуни. Ҳар бир нарса доимий ҳаракатда ва ўзгаришда. Ҳеч нарса агадий эмас.

Nizomiy novii

T D P U

kuftubxonasi



Мавзулар ва вазиятларга нисбатан ҳаддан ташқари жиддий муносабат онгимизни зўриқтиради, ҳаяжонни оширади. Натижада дунёни объектив, яъни борича қабул қилиш қобилиятини йўқотамиз. Бундай вазиятдан ҳиссиётларга тобеълик, моддий севги, нафрат, рашқ, қасос ва ҳоказо ҳис-туйғуларни аста-секин ўзимиздан бартараф қишилиш орқали чиқиб кетамиз. Шунда онгимиз ортиқча нарсалардан холи бўлади, хотиржам ва мувозанатда ишлай бошлайди. Қолаверса, ҳар қандай қийинчиликларга дошбера оламиз.

6. Қийинчиликларга нисбатан хотиржам муносабат фойдамизга ишлайди

Қийинчиликлар бизни қўрқитиш ва азоб-уқубат чекишимиз учун эмас, балки ривожланиш ва ўсимизмиз учун зарур синовлардир. Уларга қаршилик кўрсатишга ҳожат йўқ. **Ҳар бир муаммо ва қийинчиликлардан сабоқ олиш, улар ортида хайрли ишлар келишига ишониш керак.** Қийин вазиятлар сизга нималарни ўргатиши, қандай фойда келтириши ва муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкинлигини таҳлил қилинг.

Қийинчиликлар қархисида довдираб қолиш, бунда ўзингиз ва бошқаларни айблаш билан вазиятни чуқурлаштирадиган янги сабаб – таъсир занжирини пайдо қиласиз. Ёдингизда бўлсин, ҳамма

нарса фақат бизнинг фойдамиз учун содир бўлади. Ҳаёт бизга нисбатан қанчалик шафқатсиз ваadolat-сиз бўлса, демак, унда Яратганинг бизга нисбатан чексиз инояти яширинган. Бунга фақат фикр қилиш ва ҳаётимиз давомида кузатиш орқали амин бўлиш мумкин. Шунинг учун маънан етук инсонлар Яратганга синовлар учун миннатдорлик билдириб яшайдилар. Улар Яратганга шубҳа қилмайдилар – Унинг иродасига ишонадилар, ҳеч нарсага қарши бормайдилар.



Парвардигор бу ҳаётда сизни ўзингизга муносиб жой ва шароитда яратди. Қандай бўлмасин, ҳаётингиз ўзингизни ривожлантириш, англаб этиш ва мувозанатлашишингиз учун ҳадя этилди. Ушбу ролни муваффақиятли ўйнаб бўлгач, ўз-ўзидан янги, юқори даражадаги ролга кўтариласиз.

7. Ҳар бир нарсанинг сабаби бор, ҳеч нарса тасодиф эмас

Ҳар нарсанинг бир сабаби бор. Ҳеч нарса тасодиф эмас. Ҳаётнинг маълум тартиблари мавжуд: ҳар бир ҳолат, вазият сабаб ва оқибатлардан келиб чиқади. Сиз билан нима содир бўлишидан қатъий назар, у ўтмишда пайдо бўлган айрим сабабларга боғлик. Ўша сабабларни аниқламасдан туриб, уларнинг таъсирини тушунолмайсиз, абадий эркин ва баҳтли бўлолмайсиз.

Қийинчиликларга бўлган руҳий муносабатингизни ўзгартиринг. Барча муаммолар инсоннинг ўсиш ва ривожланишига қаратилган илоҳий лойиҳалардир. Бундай вазиятларда муваффақият/омадсизлик, қўлга киритиш/йўқотиш, мақтов/танқид кабиларга тенг муносабатда бўлинг. Донолар айтганидек: «Дунё яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас. Ҳамма нарса бизнинг унга қандай муносабатда бўлишимизга боғлик». Бошқача айтганда, онгимизнинг ҳолатига боғлик. Ички дунёмизда нима содир бўлаётган бўлса, ташқарida ҳам шундай кўринади.

8. Сукунат, ёлғизлик ва ўз-ўзини таҳлил қилиш — муваффақият қалити

Ҳар куни ўзингизга вақт ажратиб, ёлғизлик ва сукунатда қолишга ҳаракат қилинг. Бу вақт мобайнида ўзингизни таҳлил қилишга урининг. Ҳаётингизнинг қайси тарафлари яхши, қай жиҳатлари ривожланаётгани ва қайси тарафлари ҳали ҳам суст эканлиги ҳакида бош қотиринг. Таҳлил қилиш мобайнида ўзингизга керакли бўлган хислатларни сингдиринг.



Сукунат инсонга ақлий энергияни сақлаб қолиши мүмкіннің беради. Камроқ ва секинроқ гапириңг, соғын мұлоҳаза юритинг. Ҳеч қачон жуда күп ва жуда тез гапирманг. Ғийбат, фойдасыз жанжал ва мунозаралардан нари бўлинг. **Фикрингизда маълум бир мақсад бўлсин. Имкон қадар маъносиз ва мақсадсиз сұхбатлардан қочинг.** Мақсадсиз мунозаралар сизни жисмоний ва ақлий энергиядан маҳрум қиласади.

9. Қўрқувни бартараф қилинг

Қўрқув ҳам бизни ақлий энергиядан маҳрум қиласади, ривожланиш йўлидаги тўсиқ ҳисобланади. Ўзўзига жалб қилиш қонунига кўра, биз қўрқаётган ва шубҳаланаётган воқеа-ҳодисаларни ўзимизга жалб қиласиз. Бу билан ўзимизга нокулай шароит

яратамиз ва рухиятимизни янада ёмонлаштирамиз. Баъзи одамлар ҳамиша у ёки бу нарсадан кўрқиб юришади, бирор нарса рўй бериши мумкинлигидан хавотирланишади, натижада уларнинг ўй-хаёллари хотиржамлик нималигини билмайди.



Бу дунёда Яратгандан ўзга ҳеч зот ва нарсадан кўрқмаслик керак. Кўрқувдан кутулиш учун атай сизни кўрқитадиган нарсаларга дуч келишингиз керак, чунки улар билан тўқнаш келмагунингизча бу кўрқув сизга зарар етказаверади. Кўрқув йўқолгунга қадар буни амалга оширинг. Кўрқувнинг сабаблари уни енгиб чиқмагунингизча фикрларингизда қайта-қайта пайдо бўлаверади. Шундай қараш мавжуд: бирор нарсадан қанчалик кўрқсангиз, ваҳимангиз

ҳам кучаяверади. Аммо унга бефарқ ва хотиржам муносабатда бўлсангиз, қўрқув ўз-ўзидан йўқолади. Ёдингизда бўлсин, ҳақиқий қийинчилик ҳеч қачон даҳшатли ва оғриқли эмас, факат у сизнинг хаёлингизда шундай акс этган, холос.

Ҳатто, ёвуз руҳлар, сеҳр-жоду ва бошқа шунга ўхшаш парапсихик ҳодисалар ҳам айнан шундай нарсаларга ишонувчи заиф кишиларга таъсир қиласиди. Бундай ҳодисалар руҳияти кучли одамларни безовта қилмайди.

Ҳеч нарса тасодифан содир бўлмаслигини англааб етинг. Кутимаган тарзда юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар хаёлингиздан чиқмас экан, унинг амалга ошиш эҳтимоли кучаяверади. Ҳар бир қийинчиликни хотиржам ва ижобий кутиб олинг. Парвардигорга ишонинг – фақат У сизнинг хавфсизлигинизни таъминлайди.

10. Ўзингиздан камчилик қидирманг: бошқалар қила олган ишни сиз ҳам уддасидан чиқасиз

Кўпчилик ўзининг кучи ва қобилиятига ишонмайди. Ёдингизда бўлсин, барчамиз бир хил салоҳиятга эга инсонлармиз. Ҳеч ким бир-биридан устун эмас, факат мулоҳаза юритиш, ички ва ташки хотиржамликни сақлаш, салоҳиятни ривожлантириш керак, холос. Барча танадаги рух бир хил хусусиятга ва ҳар бир инсон бир хил фазилатларга эга. Озгина бўлса-да, фарқли жойи мавжуд эмас. Ҳеч қачон ўзингизни ўзгалар билан қиёсламанг: ўзингиздан камчилик қидирманг, шу билан бирга, ўзингизни ҳам ўзгалардан устун қўйманг.



Бошқалар қила олган иш сизнинг ҳам қўлингиздан келишига ишонинг. Энг муҳими, ақлий қобилиятни уйғотишидир. Ҳал қилиб бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ: уларнинг барчасини босиқлик ва сабр билан, шунингдек, Яратганинг измига топшириш орқали ҳал қилиш мумкин. Шундагина Яратганинг чексиз марҳаматига эришасиз.

11. Вақтингизни беҳуда сарфламанг

Вақтни беҳуда сарфлаш – аниқ натижаси бўлмаган тартибсизликдир. Умр қисқа ва бебаҳодир. Вақт эса – оқар дарё. Ҳар ўтган онимиз бизни ўлимга яқинлаштиради. Умр истаган вақтида бизни огохлантирмай якун топиши мумкин. Шунинг учун умрингизнинг дақиқаси ҳам бесамар ўтмасин. Биз қисқа вақт мобайнида улкан натижаларга эришиши-

миз керак. Ҳар дақиқада ортга эмас, фақат олдинга одимлашимиз лозим. Фойдасиз фикрлар, ғийбат ва тартибсизликларга барҳам беринг! Унутманг, йўқотилган вақтни ортга қайтаролмайсиз. Вақтни йиғиб қўйишнинг ҳам имкони йўқ. Айтишганидек: «Пулингизни беҳуда сарфласангиз пулингиз, вақтдан беҳуда фойдалансангиз умрингиз кетгани қолади». Доимо фойдали фаолият билан шуғулланишга интилинг.



Кўпчилик инсонлар умрининг қимматли вақтини бесамар ўтказаётганини англашмайди. Нима юмуш билан машғул бўлманг, унга минимал даражада куч-кувват сарфлаб, максимал даражадаги натижага эришинг. Доим ўзингизга «Муайян бир вазифани бажаришда керакли куч-кувват сарфладимми? Керагидан ортиғини сарфламадимми?» деган савонни беринг. Негаки, сарфланган вақт натижалар билан

солиширилганды үзаро мутаносиб бўлмоғи лозим. Ўз ресурсларингиздан самаради фойдаланиш учун вақтни бошқариш йўлларини излаб топинг. Ҳамкаслар, раҳбарлар ва қўл остингиздаги ходимлар билан самаради мулоқот қилиш учун психологияни ўрганинг. Ишингизни режалаштиринг, устуворликларни белгиланг, систематик ёндашувдан фойдаланинг, кўпчилик томонидан амалга оширилган ишларга таянманг. Ёдингизда бўлсин, барча амалларимиз (шу жумладан, ўй-хаёлларимиз ва сўзларимиз) учун Раббимиз олдида жавоб берамиз. Барча амалларимиз тақдиримизда ва бокий дунёда ўз самарасини бермай қолмайди.

12. Импульсларингизни назорат қилинг, ўзингизни қўлга олинг, сабрли бўлишга одатланинг

Кундалик хаётда импульслар томонидан бошқарилишингиз ва хаёлингизга келган исталган нарсани гапиришингиз ярамайди. Бу ақлнинг заифлик белгисидир. Ўй-хаёлларингиз асирига айланмай, уларни бошқаринг. Хаёлларингиз ва ҳиссиётларингиз ҳукмдори бўлинг. Улар сизга тобеъ бўлсин. Чегарадан ўтишишига йўл берманг. Ақл онг билан бирга қобилиятларни ҳам назорат қилиши керак. Ҳар қандай импульс бехосдан келиб чиқади, унинг замирида мойиллик, истак ва эҳтирослар ётади. Уларга берилманг. Олдин ҳамма нарсани таҳлил қилинг, сўнг керакли ишни бажаринг ёки уни эътиборсиз қолдинг. Сабр-тоқатни ўрганиш орқали ўзингизда иро-

да ва куч тўплайсиз. Бу эса муваффақиятли ва баҳтли ҳаёт учун зарур.

Мисол келтираман. Айтайлик, тўсатдан нимадир егингиз келиб қолди. Сизда икки йўл мавжуд. Биринчиси, ресторанга шошилиш ва истакни қондириш. Иккинчиси, фикрингизни таҳлил қилиш ва бундай кичик истакни қондириш учун бир неча километрга бориб келиш шартми ёки йўқ, деб қарор қилиш. Иккинчи йўл иродани мустаҳкамлашга ёрдам беради. Доим сабр-тоқатли бўлишга ҳаракат қилинг. Кундак арзимас можаролардан келиб чиқадиган ташвиш ва умидсизликлардан халос бўлинг. **Сабрсизлик – Ҳақни излаш йўлидаги энг катта хатодир.** Назорат остида бўлган ақлнинг кучи назорат қилинадиган ва бошқариладиган сув тўғонининг кучи кабидир.

13. Фитналарга таслим бўлманг

Тўсатдан пайдо бўлган муаммолар, нотўғри изоҳлар ёки тажовузкор сўзлардан юрагингизда ғашлик турса, импульсга берилманг. Бунга бир зумда жавоб қайтаришга урунманг ва фитналарга таслим бўлманг. Ўйлаб кўринг ва содир бўлган воқеалар таъсири остида юзага келган сўзлар ва ҳаракатлардан нари бўлинг. Қайғунгизга сабаб бўлган одам билан мулоқот қилмасликка ҳаракат қилинг. Бироз тин олинг, барча ижобий ва салбий томонларни таҳлил қилинг. Шундай йўл билан муаммонинг характеристини яхшироқ тушунасиз. **Фитна қилинган вақтида ақл тиниб, импульслар гапира бошлайди.**

Ўз фикрингизни фақат бу ҳақида сўралгандаги на тушунтиринг. Фикрингизни бировга уқтиришга



урунманг. Хушмуомалалик, ҳурмат ва хотиржамлик билан жавоб беринг. Адолатсизлик қилишган тақдирда ҳам, ҳеч қачон ғазабланманг ва бақир-чақир қилманг.

14. Ўтмишни эсламанг, келажак ҳақида ташвишланманг

Баъзи инсонлар ўтмишдаги ҳодисалар учун ҳаётини бехуда сарфлашади. Ҳозир ўтмишда қилишингиз керак бўлган ишни амалга оширишнинг имкони йўқ. Бугунги вақтингиз ўтмишда қолган ишлар учун афсус чекиш ёки келажак учун қайғуриш учун берилмаган. Биз келажакни аввалдан кўролмаймиз ва унда нима содир бўлишини ўйлаб, бесамар қайғуришимиз ҳам ақлга тўғри келмайди. Ўтмиш ва келажак ҳақида қайғуриб, келажагимизни ҳақиқатан ёмон аҳволга солиб қўйишимиз мумкин.

Ҳаётнинг энг мухим они бу – ҳозирги вақт, бугун. Сиз ва дунё учун ўтмишда нима бўлгани ва келажакда нима бўлиши эмас, балки ҳозирги кунда содир бўлаётган ишлар мухим. Сизнинг ўтмишингиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўтмишда бошдан кечирган қайгуларингиз ишингизга ёки имтиҳон топшириш жараёнингизга ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Бу бўлган ва ўтиб кетган жараён. Сизга иш таклиф қилувчи ёки сизни синовдан ўтказувчиларни эса бугунги кунингиз ва қандай ишларга қодир эканингиз қизиктиради. Афсуски, кўпчилик келажак учун ҳаракатни бугундан бошламайди, аксинча, ўтмишдаги кечинмалар таъсирини келажак учун саклаб қўяди.

Ўтмиш ўтган ишлардан сабоқ олиш, хулоса чиқариш ва хатоларни қайтармаслик учун хизмат қиласди. Бундан ортиқ ўтмишнинг аҳамияти бўлмайди. Уни эски фильмдек унуги юборинг. Ўтмиш бугунги ҳаётимиз учун янги имкониятлар беролмайди. Қандайдир имкониятларни кўлдан бой берган бўлсангиз, ҳозир улардан янгидан фойдаланиш вақти келди. Имкониятлар олдимиизда доимо ўз эшикларини очиб туради. Имкониятларимиздан фойдаланиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш учун эса кучли ирода ва хоҳиш-истак керак, холос.

15. Сиз ўз тақдирингиз эгасисиз

Омадсизликка дуч келиб, бунда тақдирни айбламанг: ҳаётингизнинг изга тушуши ёки издан чиқиши фақат ўз қўлингизда. Унуманг, ҳаётингизни ўз қўлингиз билан барпо қиласиз. Ўтмишингиз сизнинг бугунингизни аниклади. Ҳозирги кун эса

сизнинг келажагингизни белгилайди. Бугун нимадандир афсусланяпсизми, бу ўтмишингиз маҳсулидир. Келажагингиз учун бугун замин яратинг. Баҳтсизликларингизни тақдирдан кўрманг. Ҳақиқатни тан олинг. Ҳаётингиз учун жавобгарликни қўлга олинг. **Келажагингиз ўй-хаёлларингиз, сўзларингиз ва амалларингиз билан белгиланади. Ҳаётга муносабатингизни ўзгартиринг.**

Масалан, сиз ҳаётингизни бугундан бошлаб ўзгартиришингиз мумкин. Ўзингизни унинг фойдасиз қули деб ҳисобламанг. Тўсиқларни енгиб ўтишга қаратилган ижобий ўй-хаёллар, жисмоний ҳаракатлар, қатъийлик ва ирода муаммоларни енгишингизга ёрдам беради. Агар Яратганга ишониб, унга итоат қиласангиз, синовларингиз енгиллашиши, муаммоларингиз янада осон йўл билан ҳал бўлиши тайин. Негаки, ҳар қадамда Раббининг Ўзи сизни қўллаб туради.

Тақдир калавасида олмахон каби бесамар югуришингизга ҳожат қолмайди. Ушбу калавадан ўзингиз чиқиб, унга бўйсуниб эмас, аксинча, уни ўзингизга бўйсундириб яшашингиз керак. Тушунча даражангиз ошгани сайин, муаммолар кучи сиздан заифлашиб боради. Шунинг учун кучли ирода соҳиблари тақдирдан асло чўчимайдилар. Уларнинг ютуғи – ҳис-туйғуларга бўйсунмай, аксинча, уларни ўзлари га бўйсундирадилар. Тақдир калавасини ҳам ўзлари бошқарадилар ва унинг исталган шароитларини ўзлари ўзгартира оладилар. Яратганинг Ўзи тақдирни уларга шундай бўйсундириб қўяди. Афсуски, кўпчилик бундай яшаш сирини билмайди.

Ушбу муаммо яна бир ўлчовга эга. Юқори даражадаги онг ва ақлий назоратга эришганингиздан

сўнг, тақдирнинг аёвсиз зарбалари таъсиридан қутуласиз. Заиф одамлар билан содир бўлгани каби, сиз уларнинг таъсирига енгилмасдан, ҳар қандай зарбани хотиржам қабул қиласиз. Тақдирнинг зарбасига бўлган эътиборингиз ва муносабатингиз бутунлай ўзгарида.



Ўз тақдирининг яратувчиси

Вақти келиб, тақдир зарбаларини жиддий қабул қилмайдиган, улар сабаб кайфиятингизни тушишига йўл қўймайдиган бўласиз. Муаммолар муайян қонун асосида содир бўлаётгани ва шу қонун асосида яна изсиз йўқ бўлиб кетаётганини тушуниб етасиз. Вазиятдан чиқиб, ортга назар солинг ва хотиржамликни ҳис қилинг. Унутманг, барча қайғу-ташвишларингиз, қўркувларингиз факат онгингида яшайди. Онгингиз устидан назорат ўрнатсангиз, таъсир қилаётган факторларни бартараф қилиб, уларни ўзингизга бошқарасиз.

16. Энг муҳими, ўзингиздан қониқишиңгиз бошқаларга илтифот күрсатишдан юқори турсин

Кўпчилик ўзгаларда яхши таассурот қолдириш ёки уларни кўнглини олишга интилиб яшайди. Атрофдагилар ўzlари ҳақида нима дейишаётганига дикқат қаратиб, ўzlари нима ўйлаётгани, нима истаётганига эътибор беришмайди. Бунинг сабаби қуйида яширинганд. **Ёдингизда тулинг, ўзгалар сиз ҳақингизда нима ўйлашаётгани эмас, балки сиз ўзингиз ҳақингизда нимани ўйлаётганингиз мұхим.** Асосийси, ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ҳеч ким сизни ўзингизчалик яхши билмайди. Ўзгалар фикрини ўзингиздан устун қўйманг – хоҳ у мақтов бўлсин, хоҳ танқид. Инсонлар фикрини тафаккурингиз тарозисига кўйиб, фақат сизга нисбатанadolatli бўлғанини қабул қилинг. **Ўзгаларнинг сиз ҳақингиздаги барча ҳукмлари ҳам тўғри бўлавермайди, чунки аксарияти юзаки фикрларга асосланган. Сизга яқин ва сизни яхши биладиган инсонгина сизниadolatli баҳолай олади.**

Борингизча қолинг, ҳатто ўзгалар сиз ҳақингизда нима деб ўйлашса-да, бу энг мақбул йўлдир. Бошқаларга сунъий таъсир кўрсатишга урунманг.

17. Заиф нұқталарингизга күникинг ва буни фақат үзингиз билинг

Заиф нұқталарингизга күникиш ва уларни түғрилаш вакти етди. Бу жараённи узоққа чўзманг, йўқса уларни ўзгалар сезиб қолишади. Уларни беркитишга урунманг, чунки инсон борки, заиф томонлари ҳам мавжуд ва табиийки, у ҳато қиласи. Шу боис бор кучингиз билан уларни бартараф қилишга киришинг. Айнан шу хислат сизни шахс сифатида шаклланишингизга ёрдам беради.



Бу менинг хатом

Агар ўзгалар заиф нукталарим сабаб менга бошқача муносабатда бўлишади, деб ҳисобласангиз, яхшиси, сизни қадрингиздан пастроқ даражада баҳолаганлари маъкул. Шундагина бошқаларнинг истакларини қондириш учун ҳаддан ташқари ўзингизни банд қилмайсиз. **Унутманг, ўзингизни ўзгалар кўзи билан эмас, ўз кўзларингиз билан кўришга ўрганинг.**

18. Онгингизни ортиқча кераксиз фикрлар билан банд қилманг


Инсон онги улкан омборга ўхшайди. Жамики сиз кўрган, эшитган, ўйлаётган, ҳис қилаётган, бошдан кечираёт кечинмаларингиз доимий хотирада сақланиб туради. Муаммо шундаки, биз у ерда ўй-хаёл ва таассуротларимиздан ташқари, катта миқдордағи кераксиз эмоционал салбий ҳислар (ҳасад, қасос, кўркув, нафрат, рашқ ва ҳ.к.)ни ҳам тўплаймиз. Шу боис доим «омбор»да тартибсизлик ҳукм суради. Баъзилар ўзлари сезмаган ҳолда онгида салбий фикрларга йўл бериб қўйишади. Ҳар бир салбий фикр тўғридан-тўғри онгга кириб боради.

Онгингизга кириб боришга рухсат берилган барча фикрлар ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Салбий фикр ва таассуротлар онгга импульс, ундов ва эҳтирос шаклида таъсир қилиб, онгни хотиржам ишлашига йўл қўймайди. **Тунги саросималар – бу онгни ўйламасдан дастурлаши натижасида пайдо бўлади.**

Бунга қандай чора кўриш керак? Дарҳол онгингизни кучли ва ижобий фикрлар, қалбингизни гўзал ҳиссиётлар билан озиқлантиришни бошланг. Шун-

дай қилиб, сиз унда тўпланиб қолган «чиқинди»лардан аста-секин халос бўласиз. Ёдингизда бўлсин, **ижобий хусусиятлар доим салбийларини енгиб чиқади.** Ўз фикрларингизга эҳтиёткор бўлинг. Туғилаётган ҳар бир фикрни таҳлил қилинг, фақат ижобийларини онгинлизга ўтишига йўл беринг. Бунинг учун ўзингизда дунёдаги ҳамма нарсага, ҳар қандай воқеа-ҳодиса, муаммо, тўсиқ ва баҳтсизликка ижобий муносабатни ривожлантиришингиз керак. Уларга ўз фойдангиз учун берилаётган сабоқ сифатида қаранг.

Реакцияларингизни бошқаринг, моддиятга боғланниб қолманг. Реакциянгиз ва боғлиқлигингиз қанчалик кучли бўлса, онгнинг зўриқиши ҳам бундан кам бўлмайди.



Муаммоларимизнинг асосий сабаби ҳаракатларимиз эмас, балки реакцияларимиздир.

Онг худди эшик олдида турган қўриқчига ўхшайди. Тафаккур эса – омбор. Агар қўриқчи ухлаб ётган бўлса, ҳар қандай киши омборга кириши мумкин. Агар қўриқчи огоҳ бўлса, у фақат керакли маълумот ўтишига рухсат бериб, кераксизларини тартибга солади.

19. Сиздан сўрамагунларича танбех ва маслаҳат берманг

Аввало, шахсий ўсишингиз ва ривожланишингизга эътибор қаратинг. Бошқаларнинг ишига аралашибдан тийилинг, ортиқча ташвишларга вақт сарфламанг. Изоҳлар қилманг, ўзгалардан хато изламанг – бу сизнинг вазифангиз эмас. Баркамолликка эришган одамгина бошқалар ҳақида фикр билдириши мумкин.

Баъзилар улардан сўрашмаса-да, маслаҳат бераверишади. Сиздан маслаҳат сўрашгандагина буни амалга оширинг. Муаммо сизга нотаниш бўлса, яхшиси, узр сўраб, маслаҳат беролмаслигингизни айтинг. **Ўзгалар учун улар фойдасига нима яхши бўлиши ҳақида қарор қилманг. Буни улар сўзларингиздан эмас, хатти-ҳаракатларингиздан англасин. Амаллар сўзлардан кўра таъсирироқдир.**

Агар бирор жамоага раҳбар бўлсангиз, ходимларингизга, шунчаки, раҳбар сифатида маслаҳат беринг. Маслаҳат өа йўл-йўриклиарингиз худбинлик ва ҳукмронлик эмас, балки хайриҳоҳлик оҳангида бўлсин.



20. Худбинлик ва фуурдан халос бўлинг

Бирор муваффақиятга эришдингизми, демак, бу Яратганинг сизга мукофотидир. Бизга нима яхши ёки ёмонлиги Ўзигагина аён. У бошқарувчи, биз эса Унинг буйруқларини амалга оширувчимиз.

Омадингиз келганда ҳаволаниб кетманг. Худбин бўлманг. Мен муҳим ишни бажардим, энди эътироф ва мукофотга лойиқман, деб ўзгалардан бирор нарса кутманг. Агар Парвардигор сизни қўллаб-куватла-маганда, сиз ҳеч нарсага эришолмасдингиз.

Исмингиз, шуҳратингиз, мол-мулкингиз, бойли-гинингиз сизни янада улуғликка кўтаради, деб ўйламанг. Буларнинг барчаси вақтинчалик ва кўз очиб юмгунча йўқ бўлиб қолиши мумкин. Улар сизга Яратганинг инояти билан берилган. Мағрурлик ва худбинлик – Ҳақ йўлидан тўсувчи амалдир. **Ўзингизда худбинлик ҳиссини йўқотинг ва Ҳақ томон қадам ташланг.**



*«Хеч ким таомларни мендек мазали
тайёрлай олмайди!»*

21. Ижобий ғикрланг

Қанчалик муваффакиятсизликка учраманг, оптимист бўлиб қолинг зеро, муносиб мақсад сари интилар экансиз, сизга халал берадиган куч топилмайди. Асосийси, қатъият ва Аллоҳга бўлган ишончдир.

Ёдингизда тутинг, ҳеч бир, ҳатто энг **кичик ҳаракат ҳам бехуда кетмайди**. Мехнат, машаққатлар ва ноқулайликлар, албатта, эртами-кеч ўз мевасини беради.

Ҳеч қачон таслим бўлманг ва курашишдан чарчаманг. Агар тақдир зарбаларидан татиб кўрмасангиз, муваффакият қанчалик яқинлигини билолмайсиз. Донолар айтганидек: «Муваффакиятсизлик – бу му-

ваффақият сири». Муваффақият/муваффақиятсизлик, завқ/оғриқ, кеча/қундуз – булар битта танганинг икки томони бўлиб, бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Ҳар нарсанинг яхши ва ёмон томони бор. Бу табиат қонуни. Ва бу ҳақида ташвишланишнинг ҳожати йўқ!

Ўзингизга ишонинг, дадил ва қатъиятли бўлинг. Вазият талаб қилса, «Йўқ» дейишдан тортинманг. «Йўқ» сизни кўп муаммолардан халос қилиши мумкин. Бошқаларнинг таъсирига тушманг. Мустақил бўлинг. Тақдирнинг энг шафқатсиз зарбаларига-да, метиндек дош беринг. Овозингизниadolatsizlikka қарши кўтаришга журъат этинг. Агар баҳтли бўлишни истасангиз, бошқалардан фарқ қилишингиз



«Менинг қўлимдан келади ва албатта, бунинг уddyasidan чиқаман!»

керак. Аммо қатъийликни такаббурлик билан алмаштириб қўйманг. Бир вақтнинг ўзида қатъиятли, мулойим ва хурматга сазовор бўлишни ўрганинг. Суҳбатдошингизга нима учун уни рад қилганингизни тушуниришга ҳаракат қилинг.

Баъзилар суҳбатдошни рад этиш билан уни хафа қилиб қўйишлари мумкин, деб ўйлашади. Аммо ҳаётингиз мазмуни ҳақиқатан ҳам бошқаларни рози қилиш, уларнинг кўнглини олиш билан боғлиқми? Сизнинг мақсадингиз – ўзингизни ривожлантиришдир. Ўзгаларнингроҳати ёки норозилиги сўзларингизга эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ. Агар одам ҳаётга нисбатан салбий



муносабатда бўлса, у сиз айтаётган ёки қилаётган ҳамма нарсани салбий қабул қиласди. Уларга ортиқча эътибор берманг. Эътиборингизни ўзингиз ва ҳаракатларингизга сарфланг. Сўзларингиз, ҳаракатларингиз нуқтаи назарингиз билан мутаносиб бўлсин.

22. Бугунги ишни эртага қўйманг

Доимо ишни ортга сурадиганлар топилади. Мувваффақиятли инсонлар ҳамиша ўз вақтида ҳаракат қилишади. Ишни бошлиш учун энг яхши вақт эрта эмас, айнан бугун, ҳозирги вақтдир.

Зеро, бу дунёдаги буюк ишлар эртага эмас, айнан бугун амалга оширилганлари дир. Яратганинг эртаси кўп. «Эртага» ҳеч қачон келмаслигини унумтманг. Доимо бугун билан яшант.



Зарур ишларни ортга суриш билан муваффақиятсизликка юз тутасиз. Шу боис дангасаликни унутиб, хаёлий келажакда эмас, айни замонда, шу ерда ҳараткат қилишни бошланг.

23. Парвардигор билан доим алоқада бўлинг

Нимаики қилманг, Парвардигор доим қалбин гизда бўлсин. Гапириш, овқатланиш, юриш, ухлаш, саёҳат қилиш пайтида ҳам Унинг мавжудлигини ҳис этинг. Ҳар бир қилаётган ҳаракатингизда Унинг буюк номини зикр қилинг. Шунда дунёning азоб-уқубатлари сизга зарар етказолмайди. Аммо Уни унутишингиз билан қўрқув, хавотир, ишонч-



сизлик, безовталик ва умидсизлик сизни қамраб олади. Ўзингизни Унинг паноҳига топширинг, У билан руҳий алоқада бўлинг. Бу алоқа аста-секин, шунчалик кучаядики, сиз фақат Худони танийсиз ва барча фикрларингиз ва ҳаракатларингиз Унинг борлиги билан белгиланади. Бу қалбингизга ақл бовар қилмас қувонч ҳадя қиласи. Ҳамма жойда Уни топасиз. Унинг севгисида том маънода сузаб юрасиз.

Парвардигор ҳамиша сиз билан бирга бўлсин.

24. Дунёда шошилинч ва тенги йўқ нарсанинг ўзи йўқ

Баъзилар доим ишларини якунлаш учун вакт етмаётганидан нолишади. Агар улар белгиланган вақтда ишни тугатолмасалар, гўё дунё устилариға қулаб тушаётгандек туюлади. Айрим раҳбарлар вазифаларни «жуда шошилинч» бажариш шарти билан ходимларига буйруқ беришади ва шу орқали уларга ҳам ўз ташвишларини юклаб қўйишади.

Бундай одамлар, аслида, дунёда ҳеч қандай шошилинч ва тенги йўқ нарсанинг ўзи йўқлигини, вақтида битмай қолган иш учун дунё ҳеч қачон қулаб тушмайди. Аслида, биз дунёга эмас, дунё бизга боғланган. Дунё ўзини ўзи таъминлай олади, уни илохий куч бошқаради. Бизсиз дунёда нима содир бўлишини ўйлашнинг ҳожати йўқ. Биз дунёга унидан фойдаланиш ва унинг сабоқларини олиш учун келдик.



Бахтнинг
сири — эркин-
лик, эркинлик-
нинг сири эса
жасоратда.

Вазифаларингизни хотир-
жамлк билан бажаринг. Ва-
хима қилманг. Ёдингизда ту-
тинг, ҳеч қандай ваҳима, ре-
жалашибириш, тайёргарлик,
тажриба ва эҳтиёткорлик
мақсадингизга эришишин-
гизга кафолат беролмайди.
Дунёда кўплаб ноаниклилар
мавжуд. Мақсадимиз – дунё-
ни яхшилаш эмас, балки ўзи-
мизни ўзгартириш ва янада

яхшироқ бўлиш. Дунёдаги ўзгаришлар биздаги ўзга-
ришларга боғлик. Дунёни ўзгартиришни мақсад қилиб
кўйманг.

Ўз вазифаларингизни вижданан бажаринг, қолган
барчасини Яратганга ҳавола қилинг.

25. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор

Илоҳий қонун шундан иборатки, ҳеч нарса шун-
чаки, текинга берилмайди. Сиз бепул олган нар-
салар – мерос, лотереяда ютиш ва ҳатто пора – у
ёки бошқа шаклда тўловни талаб қиласиди. Сиз буни
тушунмаслигингиз ҳам мумкин. Ҳеч нарсани те-
кинга ёки шунчаки қўлга киритишга интилманг.
Уларнинг ҳеч бири сизда қолмайди. Ҳисоб-ки-
тоб, албатта, амалга ошади. Сиз билан қоладигани –
факат фазилатларингиз ва илоҳий қонун-
ларга бўйсуниш орқали олган мукофотларингиз,
ибодатларингиздир.



26. Иш жараёнидан завқ олинг, рафбатлантиришларини кутманг

Ишингиздан завқланишни ўрганинг. Мехнатингиз ҳосили ўз кўлингизда эмас, балки Парвардигорнинг измида экан, завқни меҳнат самаралари билан боғламанг. Айтайлик, сиз қийинроқ бир вазифани бажаряпсиз ва ҳали ҳам натижага эришмадингиз. Ҳеч қачон нима учун бундай бўляпти, деб бошингизни қотирманг. Парвардигор сиз учун ҳамма нарсани Ўзи таҳлил қиласди. У сизга меҳнатингизнинг самарасини нега бергани ёки бермаётганини Ўзи билади. Нима учун биз Парвардигорнинг ишларига аралашибимиз керак?

Вазифангизни бажаришда давом этинг, шунинг ўзи етарли. Сўнгра кейинги вазифага ўтинг.



27. Ўзгаришларни қабул қила олиш учун кўникувчан бўлинг

Ўзгаришлар табиат қонунидир. Дунё доимо ўзгариб туради. Ўзгаришлар ҳар дақиқада содир бўлмоқда. Бир соат аввал биз ҳозиргидан бутунлай фарқ қиладиган ҳолатда эдик.

Ўзгаришларга қарши борманг. Улардан ўсиш-ривожланиш йўлида манфаатли фойдаланинг. Бу ўзгаришлар фалсафасидир. Агар ўзгаришлар бўлмаса, биз зерикарли ва бир хил бўлиб қоламиз. Ўзгаришларга қаршилик инерция ҳолатида яшаётганингизни англатади ва инерция – бу ўлимдир. Олимлар ўзгаришга мажбур бўлмагунча, объектнинг бир хил ҳолатда қолиш истагини инерция деб аташади. Ўзгаришларни ҳурмат қилинг. Ўзгаришлар сизни фақат хурсанд қилсин, аксинча эмас.

Келинг, бир мисол келтирамиз: сиз бир жойдан иккинчи жойга кўчдингиз. Шундай пайтда шубҳа


ва қўркувни ҳис қилманг, янги иш ёки яшаш жойи ҳакида салбий фикрга борманг. Қўркувларнинг барчаси фақат тасаввурингизда яшаётганини унуманг. Албатта, олдинги муҳит, ундаги одамларни янгилари билан солиштирасиз, аммо янги муҳитда улардан-да яхшиларини топишингиз мумкин. Хоҳишингиз ҳар қандай муҳитда ҳам ўз ўрнингизни топишингизга ёрдам беради. Фақат ирода, қатъият ва ижобий фикрлаш керак, холос.

Янги ғоялар ва таклифлар учун очиқ бўлинг. Тажриба қилинг, янги усулларни синааб кўринг, иложи борича вазифангизни аъло даражада бажаришга ҳаракат қилинг. Ёдингизда бўлсин: ҳар қандай шароитда ҳам баҳтли бўлиш учун имкониятингиз бор.

28. Очкўзлик қилманг: Ер юзидағи ҳамма нарса Парвардигорга тегишли

Ҳеч нарсани ўзингизники деб ҳисобламанг. Ер юзида ҳамма нарса Парвардигорга тегишли. Сиз ўзимники деб ҳисоблаб юрганларингиз, аслида, сизга юксак мақсадларга эришиш учун вақтинчага ҳадя қилинган. Вақти келиб, буларниниг барчаси сиздан кетади ва мақсад амалга ошди, дея ҳисобланади.

Ҳеч қачон моддий бойликларга боғланиб қолманг. Мол-мулкингиз билан кимлигингизни белгиламанг. Улар абадий эмас. Очкўзлик қилманг. Ҳаммаси келади ва кетади – бу табиат қонуни. Исталган вақтда моддият билан айро бўлишга тайёр туринг. Молу




дунёдан устун бўлинг. Бундай муносабат сизни ўзгаларда бор-у, сизда мавжуд бўлмаган нарсаларни кўрганда пайдо бўладиган ҳасад туйгусидан қутқаради.

29. Оз нарса ҳам кўпдек кўриниши мумкин

Қанчалик кичик бўлмасин, ҳар қандай вазифани масъулият билан бажаринг. Ўзгалар кўзи учун номига ҳаракат қилманг. Катта ишнинг муваффақиятли якунланиши буюклик белгиси эмас.

Хатто, аҳмоқлар ҳам баъзан ташқи шароитлар сабаб қаҳрамонлик қўрсатишлари мумкин. Кучли эканингиз тасодифий вазиятлар билан қандай курашишингиз билан белгиланади. Албатта, иродада-




си кучли инсон ҳар қандай ишни масъулият билан бажаради – хоҳ у лимонни тозалаш бўлсин, хоҳ улкан лойиҳани амалга ошириш. Ҳаётдаги вазифаларимиз бизга Парвардигор томонидан бўлиб берилган, уларни илохий иродага бўйсунган ҳолда, фидойилик билан бажаришимиз керак. Катта ва кичик вазифалар йўқ. «Танлов» ёки «имтиёзлар» ҳам мавжуд эмас.

30. Танлаш ва қарор қабул қилишда икир-чикирларга эътибор берманг

Биз яшаб турган дунё битмас-туганмас даражада хилма-хилдир. Икир-чикирларга эътибор бериш қарор қабул қилишда чалкашлик ва ноаниқликка олиб келади. Агар дунёга кенг назар ташласангиз, ундаги хилма-хилликда мутлақ бирликни кўрасиз. Дунёнинг хилма-хиллик ва иккиланиши фақат бизнинг

саводсизлигимиз билан боғлиқ. Аслида, бирлик турли шаклларда күринади. Фақат қобиқ үзгаради. Ичкарида ҳамма нарса бир хил. Маънан етук инсонларгина чексиз хилма-хилликда бирликни қандай кўришни биладилар, шунинг учун ғам-ташвиш уларга бегона.

Ушбу бирлик туфайли сиз ўзингиз истаган нарсани танлашингиз ва ҳар қандай машғулот ёки буюмдан баҳт топишингиз мумкин. **Баҳт – бу машғулотнинг ўзи эмас, балки уни қандай ўй-фикр ва қайфиятда амалга ошираётганингиздадир.** Иш ёхуд умр йўлдоши танлови бўладими, дўкондаги маҳсулотлар танловими – барчасини муқобил таҳлил қилинг, шундан кейин ўз танловингизни айтинг.



31. Қанчалик очиққүл бўлсангиз, шунча кўп қўлга киритасиз

Шундай илоҳий қонун мавжуд: бирорга берган, тақдим қилганларимиз ўзимизга ортиғи билан қайтади – хоҳ у билим ва кўникма бўлсин, хоҳ моддий бойлик. Баъзилар илмини ёхуд моддий бойликларини ўзгалардан беркитишга уринишади. Бу тўғри эмас. Қанчалик қўли очик бўлсангиз, шунчалик кўп нарсани қўлга киритасиз. Илмингизни ўзгалар билан бўлишиш орқали янги илм ўрганасиз. Ўзгаларга баҳт инъом қила туриб, ўзингиз янада баҳтли бўласиз. Маблағларингизни сарфлаш эвазига фаровонликка эришасиз. Улашишдан асло қўрқманг. Улашганаларингиз, албатта, ўзингизда сақланиб қолади. Сақлаб қўйганларингизни эса, аксинча, қўлдан бой берасиз.

Ушбу тамойилнинг сири шундаки, ўзимиздагини тақдим қила туриб, маънавий куч оламиз, борлиқнинг асл манбаига яқинлашамиз. Шу асосда аслиятимиз қиёфасини (ёки Парвардигор ато этган инояти, баҳт, хотиржамлик ва ҳаётнинг жамики яхшиликларини) топамиз. Аксинча, фақат бирордан олишга, яъни қабул қилишга одатлансанак, худбинлашиб, аслиятдан узоқлашамиз.

Қолаверса, биз фойдаланмаётган, атрофдагилар билан бўлишмаётган нарсалар бир жойда туриб қолади ва «чирий бошлайди». Аслиятимизни сақлаб қолиш учун ортиқча нарсалардан халос бўлинг.

32. Худбин бўлманг, тафаккур доирангизни кенгайтиринг

Ҳамма нарсадан манфаатингиз, қулагиңиз учун фойдаланишга уринманг. Ёдингизда бўлсин, баҳтли бўлишнинг энг тўғри йўли – бу ўзгалар ҳам баҳтли бўлишга лойиқ эканини англабетиши.

Сиз нафақат баҳтингиз учун, балки атрофингиздагилар учун ҳам қайғуришингиз керак, токи сизга қўшилиб бутун дунё ҳам баҳтга эришсин. Барча ҳаракатларингиз шунга қаратилиши лозим. Мисол учун, ёзда идорангизда сув кулери йўқ эди. Шундай шароитда: «Ўзим учун сув кулери сотиб олишим керак, бошқалар билан ишим йўқ», деган хаёлга борсангиз худбинлик қилган бўласиз. Имконингиз бўлса, фақат ўзингизни эмас, бутун офисни сув кулери билан таъ



минлашга ҳаракат қилинг. Зеро, ўзгаларга ёрдам кўлини чўзиш, мухтожлар билан борингизни бўлишиш орқали қалбингизни поклайсиз.

Фақат ўзингиз ва яқинларингиз манфаатлари билан чекланиб қолманг. Ўзгалар ташвишини ўзингизни деб билинг. Ўзингизни бир бор уларнинг ўрнига қўйиб кўринг. Қулайлик ва ҳашаматли ҳаёт нафақат сизга, ҳаммага керак. Сиз ёқтирамайдиган нарсалар бошқаларга ҳам ёқмаслигини унутманг. Ушбу тамойилларга мувофиқ яшашни бошлаганингизда, баҳтни ҳис қила бошлайсиз. Бутун дунё сизнинг оиласигизга айланади. Ва сиз ҳаммага тенг муносабатда бўласиз.

Мухтасар қилиб айтганда, баҳтингиз ўзгаларнинг фаровонлиги ва баҳтига боғлиқ. Агар қўшнингиз қийин ахволда бўлса, сиз қанчалик ҳашаматга бурканманг, баҳтингиз тўкис бўлмайди.

33. Тартибсизликлардан холи бўлинг

Дунё мисли ўрмонга ўхшайди. Сиз қанчалик ичкари кириб борсангиз, ундан чиқиб кетиш шунчалик қийин кечади. Унда ўсиш-ривожланиш тажриба тўплаш билан эмас, онгдаги ижобий ўзгаришлар билан белгиланади. Кўпчилик дунё бўйлаб мақсадсиз кезиб юради: аввал бир йўналишда, кейин эса бошқасида. бу тоифадаги кишилар ҳамма нарсани синаб кўришга қизиқадилар: ишни, уйни, мамлакатларни, муносабатларни, лойиҳалар ва бошқаларни ўзгартирадилар. Охир-оқибатда тушкунликка тушиб қоладилар. Мақсадсиз умр ўтказиш сароб орқасидан қувишга ўхшайди. Мақсадни

аниқ қўйинг. Бир нечта ижодий ва конструктив режалар тузиб, уларни амалётга татбиқ қилинг.

Моддий буюмларга фақат тирикчилик учун зарур бўлган даражада эътибор беринг. Танланган профессионал вазифаларни қатъият билан бажаринг. Зинҳор мақсадсиз ва маъносиз ҳаракат қилманг, керакмас жойга бурнингизни суқманг, ўзгалар ишига аралашманг, мулоқот доирасини чексиз даражада кенгайтиришга интилманг. Хавотирдан қутулиш учун сармоялар, мол-мулк ва жамғармалар сонини камайтиринг. Ҳаёtingизни иложи борича соддалаштиришга урининг. Бемаъни тартибсизликлар ақл ва ҳис-туйғуларни чалғитади, руҳий хотиржамлик ва маънавий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

34. Яхши инсонлар даврасида бўлинг

Дўстлар ва сухбатдошлар билвосита бўлса-да, ҳаёtingизга таъсир ўтказади. Самимий муносабатда бўлмаган инсонлар билан мулоқот қилмасликка ҳаракат қилинг.

Дўстларингиз доирасини синовдан ўтганлари билан чеклаб қўйинг, ампулангизга мос келадиганлари билан эса дўстликни иложи борича мустаҳкамлашда давом этинг. Дўстлар билан тез-тез жанжаллашиш улардан айрилиб қолишингизга сабаб бўлади.

«Сатсанг»нинг аҳамияти, яъни буюк инсонлар ва донишмандлар билан мулоқот қилган киши жамиятда автоматик равишда яхши томонга ўзгаради, чунки у ўзида доимо ижобий тебранишларнинг



таъсирини бошдан кечиради. Бундан ташқари, индукция қонуни кучга киради, унга мувофик, биз күрган, эшигтан ва кузатган нарсалардангина нусха күчирәмиз.

35. Доим табассум қилинг

Нима билан машғул бўлманг доим ва табий равища табассум қилишга ҳаракат қилинг. Давомли табассум сизни ортиқча ҳаракатларсиз ижобий кайфият билан таъминлайди. Имо-ишоралар, ҳис-туйгулар ёки кайфиятлар ўртасида аниқ муносабатлар мавжудлиги исботланган. Улар бир-бирига қарама-қарши келолмайди. Имо-ишора ва мимикаларингиз ҳис-туйгуларингиз ҳамда кайфиятингизга боғлиқ. Масалан, хурсандсиз, кўнглингиз хотиржам, аммо қовок ўйиб, юзингизни тириштириб юролмайсиз. Ташқи кўринишингиз табий равища сокинлик



ва унда бахт түйғусини ифодаловчи табассум пайдо бўлади.

Табассум тананинг кимёсини ўзгартириб, стрессни йўқотиш хусусиятига эга. Нима учун бу ҳақиқатдан ўзимизни эркин ва бахтли ҳис қилиш учун фойдаланмаслигимиз керак? Буни ўзингизда синааб кўринг.

36. Ўзгалардан кўп нарса кутманг

Ҳеч қачон ҳеч кимдан ҳеч нарса кутманг. Яқинларингиз сиз учун бирор нарса қилиши керак, деган фикрдан холи бўлинг. Кимдир учун нимадир қилсангиз у ҳам сиз учун худди шундай жавоб қайтариши керак эмас. Бу унинг виждонига ҳавола.

Ёдингизда бўлсин, бирор кишига ёрдам бера туриб, ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламанг.

Фақат Парвардигор йўлида амалга оширинг, бу билан ўзингизга ёрдам берган, кайфиятингизни руҳан кўтарган ва қалбингизни поклаган бўласиз. Қолаверса, сиз ёрдам бераётган ўша одам менга бунинг учун имконият берди ва ундан миннатдор бўлишим керак, деган хаёл билан яшанг.

Яхшиликларингиз мукофотланишини кутсангиз, ҳаракатларингиз савдо битимидан фарқ қилмай қолади ва унинг асл моҳияти йўқолади. Аслида, Яратган бизни шу ёрдамни бериш учун бир воситачи қилиб қўяди.

Агар ёрдамингиз учун мукофотланмасангиз, бундан ғазабланманг. Ҳеч бир яхшилик жавобсиз қолмайди. Ўзгаларнинг ёрдами учун ташаккур билдиришни кечиктирманг. Мабодо меҳнатимиз қадр топса, уни инсонлардан эмас, Яратгандан деб билинг.

37. Молпастга айланманг

Мол-мулкингизни минимал даражада камайтиринг. Фақат ҳаётий эҳтиёж ва нормал яшаш шаротлари учун зарур бўлганларини қолдиринг. Қанча кўп мол тўпласак, талабларимиз ҳам шунча юқори бўлади.

Ўйланг: сизга шу буюм ёхуд мулк керакми ёки ўйқ? Ортиқча нарсаларни сотиб олиш ёки тўплаш сиз учун керак деб ўйлаётган бўлсангиз, тўғри йўлда эмассиз. Молпастлик бизни энергиядан маҳрум

Нодон баҳтни узоқдан, доно эса ҳаётининг марказидан излайди.

қилади, бойликларни хавфсиз сақлаш ташвиши бизга тинчлик бермайды.

Мол-мулкка қарам бўлманг. Аслида, буларнинг барчаси маълум бир мақсадга эришиш йўлидаги восита эканини унутманг. Қимматбаҳо буюмлар бизнинг бир қисмимиз бўлолмайди. Улар вақтингчалик ва бизни эртами-кеч тарк этади. Бойлик сизни безовта қилишни бошламасидан ундан қутулинг ва ўзингизни бу ташвишлардан озод қилинг. Имкон қадар кам – фақат муҳим бўлганини сақлаб қолинг. Кераксиз ва ҳатто заарли нарсалар васвасасига тушманг.



Жамгарма баҳтсизлик ва қескинликка олиб келади.

38. Муаммолар — ҳаётимизнинг ажралмас қисми

Аксарият одамлар ўсиш-ривожланиш режалари ни муаммолар тугагандан кейингина тузиш керак, деб ўйлашади. Аммо муаммолар ҳаётимизнинг ажралмас қисми ва улар ҳеч қачон тугамайди. Инсон турли муаммоларга дуч келади, уларни ҳал қилади ва зарур сабоқларни ўрганади. Нафақат сиз, балки ҳамма шундай яшайди. Муаммоси бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ.

Муаммолар баҳтингизга зарап етказишига йўл қўйманг. Аҳволингиз қанчалик ачинарли бўлмасин, ривожланиш ва ўсишда давом этинг. Муаммоларингиз қандай бўлишидан қатъий назар, уларни ҳал қиладиган эшиклар доимо очик. Ҳеч қачон барча эшиклар бир вақтнинг ўзида ёпилмайди – ҳатто сиз шундай деб ҳисобласангиз-да.





Бахт таққослаш ва рақобат тугаган жойдан бошланади.

Ёдингизда тутинг: дунёда ақлнинг кучи билан ҳал этилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Муаммо бор, демак, унинг ечиши ҳам. Инсонга ҳамиша унинг бардоши қадар синовлар берилади. Парвардигордан мадад сўранг, ҳар қандай муаммони ҳал бўлиши муқаррарлигига ишонинг.

Фақат маънан етуклик дарајасига етмаган онгтина ҳаётни қулай ва муаммосиз бўлиши керак, деб ўйлаши мумкин. Ҳаётда ҳамиша парвозлар ва қулашлар, кутилмаган ҳодисалар содир бўлади. Ҳаммасига тайёр турмок керак. Муаммолар билан яшашни ўрганинг. Қачонки, муаммолар хотиржам қарши олинар экан, улар ўз кучини йўқотади, инсонга бўйсuna бошлайди.

Парвардигор бизга инъом этган неъматлар билан солиштирганда, муаммолар мутлақ ҳеч нарса эмаслигини тушуниб етамиз. Таассуфки, муваффақиятлардан ва неъматлардан баҳраманд бўлиб, Парвардигорга шукроналик билдиримаймиз ва буларнинг барчаси биз учун нима учун берилганига қизиқмаймиз. Аммо муаммолар пайдо бўлганда, дархол Уни ёдга оламиз, мадад сўраймиз. Раббимиз неъматларидан баҳраманд бўлишни бошланг, бу ҳис муаммоларнинг ҳаётингизга салбий таъсирини заифлаштиради. Ҳатто кичик неъматлар учун шукур қилишни ўрганинг, шунда ҳаётингиз гўзал ва мазмунли бўлади.

39. Атрофингиздаги олам ва жамиятни янада яхшилашга интилинг

Ер юзида яшаб, оила, жамият, мамлакат, тинчлик ва табиатнинг ўзи (ҳаво, сув, Куёш ва Ер)дан кўплаб имтиёз ва неъматлар оламиз. Аммо биз улар учун нима қилдик ёки қиляпмиз? Агар инсон ҳаёти давомида дунёга ўзи ундан олаётганларидан-да зиёд нарсани бера олса, ҳаётда муносиб яшади, деган холосага келиш мумкин.



Агар биз табиатга ҳеч нарса бермай, ундан фақат талаб қилсак, бокимандага айланиб қоламиз. Шу боис жамиятга имкон қадар ўз ҳиссангизни қўшишга ҳаракат қилинг. Билим ва тажрибаларингизни атрофдагиларингиз билан бўлишинг, кўникмаларингиз асосида мақсад ва режаларингизни амалга оширинг. Албатта, хизматларингиз натижа бирмай қолмайди.

40. Маиший чекловлардан устун бўлинг

Ҳаётингизда, албатта, ҳаракатларингизга тўсқинлик қиласиган муайян чекловлар пайдо бўлади. Бу чекловлар тақдир қонунлари билан боғлиқ.

Ушбу чекловларнинг аксарияти ҳеч қачон йўқ бўлиб қолмайди. Улар билан яшаш керак. Ишонинг, ҳар қандай шароитда ҳам ўзгариш учун имкон топилади. Бу ўзгаришлар янада жиддий ўзгаришлар учун йўл очади. Ҳеч қачон барча эшиклар бир вақтнинг ўзида ёпилмайди. Ҳар қандай киши ривожланishi ва ўзгариши мумкин.


Максадларингизга эътибор қаратинг, куч сарфланг, қатъиятли бўлинг, иродангиз кучидан фойдаланинг. Шундагина тақдирингиздан аста-секин устун бўласиз ва уни ўзингизга бўйсундирасиз. Ушбу босқичда энди тақдир сизни бошқармайди, аксинча тақдирингиз ва ҳаётингиз оқими бошқарувингизда бўлади. Ҳаракатларингиз, ирова ва қатъиятингиз нафақат тақдирни ўзгартиришга, балки уни енгишга ҳам ёрдам беради. Бундай куч билан муваффақиятингизга тўсқинлик қиласиган ҳар қандай тўсиқни енгигб ўтишингизга шубҳа йўк.

41. Руҳий фаровонлигингиж учун тўғри овқатланишга риоя қилинг

Парҳез инсон онгига жиддий таъсир қўрсатади. Чой, қаҳва, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, сигареталар, какао, қовурилган овқатлар, аччиқ зираворлар, ширинликлар, жуда иссиқ ёки жуда совуқ таомлар ақлнинг мувозанатини бузади. Меъеридан

ортық ва нотұғри таомланиш жисмоний ёки рухий саломатликка салбий таъсир күрсатади.

Мустаҳкам соғлиқ сирларидан бири – доимий равища енгил очлик ҳиссини сезиб туриш. Тана ва онғни тозалаш учун күпроқ сув ичиш, сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш лозим. Вақти-вақти билан рўза тутиш соғлиқ ва ақлни назорат қилиш учун жуда фойдали. Ба ниҳоят, ҳеч қачон шошқалоқлик ёки зўриқиши вақтида таомланманг. Бу ҳолатда таом танага тўғри сўрилмайди ва заҳарга айланади. Хотиржам шароитда таомланинг, агар бунинг иложи бўлмаса, таомланмаганингиз маъкул.



42. Кундалик жисмоний машқларни бажаринг

Мунтазам жисмоний машғулотлар мушаклар бўшашишига кўмак беради. Жисмоний машғулотлар руҳий хотиржамликни таъминлайди, сабаби тана ва онг бир-бири билан узвий боғлиқдир.




Жисмоний машқларни кундалик ҳаётингизнинг бир бўлагига айлантиринг. Югуриш, йога, нафас олиш машқлари жуда фойдали. Улар ақлнинг хотиржамлиги ва мувозанатини таъминлашга ҳисса қўшади.

43. Күн тартибингиздан дам олиш ҳам жой олиши керак

Жисмоний машқлар ва жисмоний фаолият дам олиш вақти билан алмаштирилиб туриши керак. Агар мувозанат бузилса, фаолият самарадорлиги камаяди. Натижада иш соати кўпайишига қарамай камроқ натижаларга эришасиз. Чарчоқни сезган вақтингизда, нафақат танани, балки онгни ҳам дам олишига изн беринг. Ором олиш учун ерга ёки қаттиқ тўшакка ётинг, лекин бундан аввал танани яхшилаб силки-тинг ёки бир нечта чўзилиш машқларини бажаринг.

Руҳий енгилликка нафас олиш машқлари орқали эришилади. Бу машқлар дикқатингизни ҳар дақиқада ҳар ерга олиб борадиган минглаб фикрлардан халос бўлишига ёрдам беради. Ҳақиқий дам олиш ҳолатида сиз ўз танангизни ва атрофингиздагиларни бутунлай унутасиз.

Жисмоний фаолият ва дам олишнинг муқобил йўлини тутинг, бу билан янада яхши ишлаш учун янги кучга эга бўласиз.



44. Уйқунгизга эътибор беринг

Уйқу жуда катта аҳамиятга эга. Агар уйкудан аввал ақлни мақсадсиз фикрлаш билан чарчатиб қўйсангиз, унда тиниқиб ухлашдан умид қилмаганингиз ҳам бўлади. Агар шундай ҳолатда уйқуга кетсангиз даҳшатли тушлардан азоб чекасиз, йиғлайсиз, қичқирасиз, чўчиб уйғонасиз, сизни уришишади, хуллас, тушунгизда ҳам нимадир билан курашасиз. Эрталаб эса ҳорғин ва тушкун ҳолда уйғонасиз. Уйқу сифати яхши бўлиши учун охирги уйғоқлик даврингизни унга мос равишда ўтказишингиз керак. Яхши ва руҳан кўтаринкилик бағишлийдидан мавзуда китоб ўқинг, нейтрал нарсаларни ўйланг, нафас олиш машқларини бажаринг ёки дуолар ўқинг. Ақлингизни мақсадсиз фикрлар ортидан қувишига йўл қўйманг. Масалан, ўзингизни таҳлил қилишингиз ва бир нечта фойдали фикрларни ўзингизга сингди-



ришингиз мумкин. Уйқуга кетишдан олдин яхши ўй-хаёллар суриш кайфиятингизни кўтаради. Бу эса мириқиб ҳордиқ чиқаришингизни таъминлайди.

Тартибсиз турмуш тарзи ва уйқудан аввалги кераксиз хаёллар тунги ҳорғинликка сабаб бўлади. Мисол учун, «сатвик озиқ-овқатлар» ва «сатвик ҳаёт» тарзи сизга ажойиб уйқудан баҳраманд бўлиш имконини беради. «Тамсик ва ражасик ҳаёт тарзи» тунги даҳшатли тушларга олиб келади.

Ухлаш вақтида, ёстиқнинг ва тўшакнинг қалинлиги, тури ҳам муҳим аҳамиятга эга – буларнинг барчasi уйқу сифатига таъсир қилади. Ҳатто уйқу пайтида тананинг йўналиши ҳам ҳордиқ чиқариш учун муҳим саналади. Шимол томонга бош қўйиб ухлаш тавсия этилмайди, чунки тананинг энергияси ва Ернинг магнит энергияси ўртасидаги шовқин туфайли уйқу бузилади.

45. Жисмоний касалликлардан устун туринг

Тана – машинадир ва бу машина бузилиши мумкин. Тана оғриқ ва касалликдан азият чекади, тананинг ҳолати унга қандай ғамхўрлик қилишингиз ва бошқа қатор омилларга боғлик.

Оғриқни йўқотишнинг жисмоний усулларидан ташқари, ақл кучидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Онгни тананинг ҳолатидан чалғитиб, нафас олиш машқлари, дуолар ўқиш ёки жисмоний объекtlар (мушоҳада пайтида) каби нейтрал нарсаларга эътибор бериш оғриққа нисбатан сезгириликни камайтиради. Агар сиз ўз-ўзингизга тузалишингиз

ҳақидаги фикрни сингдирсангиз, оғриқ заифлашади, бутунлай йўқолганини тасаввур қилсангиз, таъсир янада кучаяди.

Оғриқни енгиллаштиришнинг жисмоний усуллари ҳақида гапирадиган бўлсак, табиий табобат усули ёки психологик таъсир кўрсатишга кўпроқ аҳамият берганингиз маъкул: гидротерапия (сув ёрдамида даволаш), йога, рўза тутиш, лой терапияси, уқалаш, акупрессуре (тана нуқталари бўйича таъсир кўрсатадиган қадимий уқалаш тури), гелиотерапия (Куёш нури билан даволаш), пархез, ранг терапияси ва бошқалар. Оғриқ қолдирувчи дорилардан дкўп фойдаланманг.

46. Ўлим қўрқувидан халос бўлинг

Ўлим – бу табиий ҳодиса, табиий нарса эса на зарар этказиши ва на қўрқитиши мумкин. Хавотирланишнинг ягона сабаби носоғлом турмуш тарзи ва салбий фикрлашдир.

Ўлим – бу бир ҳаётдан иккинчисига ўтиш, икки ҳаёт ўртасидаги ўз-ўзидан ором топиш, хотиржам-



лик вақтидир. Ўлимдан кейин сиз аввалгидек қоласиз, аммо энди сизда жисмоний тана бўлмайди. Жисмоний оламга қараганда ҳар хил тебранишларга эга бўлган астрал танангиз астрал оламга жойлашиди. Ақлий муносабат, шахсият ва бошқа ҳамма нарсалар ўлимдан кейин ҳам сакланиб қолади.

Ўлимни уйқу билан таққослаш мумкин. Фақат фарқи шундаки, уйқудан кейин сиз ўша танада уйғонасиз, ўлимдан кейин эса янгиси – астрал танада бўласиз.

47. Вазиятни тузатиш учун ташаббусни қўлга олинг

Аксарият инсонлар барча салбий ҳодисаларда ҳукуматни ёки бутун дунёни айблайдилар. Муаммоларнинг келиб чиқишида улардан бошқа ҳамма айбдор, шунинг учун улар вазиятни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора кўрмайдилар. Орамизда нопок, фикри бузук ва бефарқ кишилар бор экан, бундай айбловлар муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермайди. Аммо биз ташаббусни ўз қўлимизга олсак ва муаммоларни ҳал қилиш учун юқори лавозимдаги мансабдор шахсларга мурожаат қилсак, албатта, бирор натижага эришишимиз мумкин.

Баъзилар умумий муаммоларни ҳал қилишда ташаббус кўрсатиш бефойда, деб хисоблаблашади. Бутор ёндашув. Киши фақат ўзи ҳакида ўйламаслиги керак. Ақлни ишга солиб, ҳамма нарсани таҳлилдан ўтказизи лозим. Ахир жамиятга фойдангиз тегса, ундан сиз ҳам ўз улушингизни оласиз.

Хеч қачон бошқалар келиб, бирор нарсани ўзгартишини кутманг. Агар ҳокимият томонидан муаммо ечимида бироз чалкашлик ёки бепарволикни сезсангиз, ташаббусни қўлга олинг ва қаерга мурожаат қилишни ўйланг. Бунинг учун маблағингиз ва вақтингизни сарфлаш керак бўлиши мумкин, аминманки, ҳаракатларингиз, албатта, самара беради.

48. Дунёни ўзгартириш учун, аввало, ўзингизни ўзгартиринг

Ҳар бир инсон жамият ва дунёning бир қисмидир. Табиийки, ҳамманинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Жамият ва дунёning ўзгариши унинг ҳаракатлари билан боғлик.

Бундан келиб чиқадики, ҳар ким ўзини ва атрофидагиларини ўзгартиришга ҳаракат қиласа, дунёни ўзгартириш осонлашади. Агар дунёни ўзгартирмоқчи



бўлсақ, аввало, буни ўзимиздан бошлишимиз керак. Ўзгаларни ёки жамиятни айблашдан ҳеч қандай наф йўқ. Айловлар дунёни ўзгартириш учун хизмат қилолмайди.

Айримлар «Ўзгалар ўзгармас экан, бизнинг ўзгаришимиздан нима наф», дея фикрлашади. Афсуски, уларнинг фикри нотўғри. Ўзгаришни дастлаб ўзингиздан бошланг, ўзгалар сиздан ўрнак олсин. **Сиздаги ўзгаришлар, ҳатто энг кичик ўзгариш бўлса ҳам, дунёдаги ўзгаришнинг бошланғич нуқтаси бўлолади.** Ўзгаришни бошлаганингизда, атрофингиздаги одамлар ҳам изингиздан бораётганига амин бўласиз. Бу индукция қонунидир.

Фақат ўзи баҳтли бўлган инсонгина атрофини, дунёни ўзгартиришга қодир. Аммо ёдда тутинг: сизнинг мақсадингиз дунёни ўзгартириш эмас, ўзингизни ўзгартиришдир. Дунёдаги ўзгаришлар сиздаги ўзгаришлардан кейин содир бўлади.

49. Унутувчан ва кечиримли бўлинг

Мабодо кимдир сизга ёмонлик қилса, ундан қасос олиш пайига тушасиз. Аммо руҳий таълимотлар бизни қасосдан воз кечишга чақиради. Сиз ўзгаларнинг хатоларини кечиришингиз керак. «Қасос – ҳар бир қатнашувчи ҳалок бўладиган ўйин, бироқ бу ўйиннинг охири бўлмайди».

Кечирим – бу ёнаётган юракка тасалли берувчи малҳам. Кечирим кишини ташвишлардан озод қиласди. У одам кечиримга лойиқми-йўқми, бу муҳим эмас, лекин сиз хотиржамликни қўлга киритасиз. Душманингизни кечирмай, дилингизда олиб юрган

нафрат ва ғазаб унга эмас, аксинча, ўзингизга зарар етказади.

Кечиришингиз учун кўнгилхираликка сабаб бўлган оғриқни унутинг. Агар кечирдим деб дилозорликни унутмасангиз, демак, кечирмадингиз, онгингижни кечирим ҳақидаги ўй-хаёллар билан тўлдирдингиз, холос.

Кечирим – салбий фикрлар ва руҳий ташвишлардан холос бўлишдир. Бироқ бу сизга зарар етказган киши ўз ҳаракатларига жавоб бермаслигини англатмайди. Қачондир адолат қарор топади.

50. Шубҳа ва гумонлардан холос бўлинг, иёмонингизни ўқотманг

Шубҳа ва гумонлар – ақлнинг иллатидир. Онгингижда инкор этувчи фикрларни ривожлантирунг, акс ҳолда, бор нарсани борича кўриш, яхшини ёмондан ажратишга қийналасиз.




Имонли бўлинг. Бошқаларга ишонинг. Агар бирор киши сизни алдаган бўлса, у биринчи навбатда ўзини алдайди. Шу туфайли у жуда кўп азоб чекади. Сизга яхшилик ёки ёмонлик қилган инсон вақти келиб қилмишидан азобланади. Бу ҳақида ташвишланиб, вақт кетказманг. **Ҳар ким ўз қилмиши учун жавоб беришдан қочиб қутула олмайди.**

51. Ҳалол ва солиҳ бўлинг

Илоҳий қонунни ёдда тутинг: **ҳақиқат ҳеч қачон синмайди, ёлғон эса ҳеч қачон ғалаба қозонмайди.** Ёлғон ва адолатсизлик сизни бир муддат сехрлаши мумкин, лекин охир-оқибат, ҳақиқат ғалаба қозонади. **Ҳаёт тўлқинлари ҳақиқат қайиғини бир чеккага суриб қўйиши мумкин, аммо у ҳеч қачон чўкмайди.**

Ёлғончилик, ноҳақлик ёки алдов таъсири остида содир этилган ҳар қандай ҳаракат уни амалга оширадиган одамга муқаррар ҳаловат, баҳт олиб келмайди. Ҳаракатларимиз натижалари кечиктирилиши мумкин, аммо улар, албатта, намоён бўлади. Яхши ишлар мукофотланади, ёмони жазоланади.

Ташки ва ички тарафлама бир хил хусусиятли инсон бўлинг. Фикрларингиз, сўзларингиз ва ҳаракатларингиз бир-бирига мос келсин. Шундай қилиб, инсоннинг солиҳлиги синалади. Лекин одамлар кўпинчча иккисизламачи бўлишади: ҳақиқий ва сохта ниқобли. Уларнинг ички ҳолати ташки ҳолатига мос келмайди.



Ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Ҳақиқат – ошкор бўлмагунча тинчланмайдиган куч. Ҳақиқат томнда бўлинг, шунда барча солиҳ амалларингиз Яратган томонидан қўллаб-қувватланади.

52. Бу дунёда ҳар нарсанинг афзалиги ва камчилиги бор

Дунё икки хил. Ҳар нарса икки – қарама-қарши томонга эга: кун ва тун, ҳаёт ва ўлим, ёз ва қиш, аёл ва эркак, ёшлиқ ва кексалиқ, завқ ва оғриқ, кувонч ва қайғу, бирлашиш ва ажралиш.

Ҳаётнинг бу томонлари бир-биридан ажралмасдир. Улар биз яшаётган дунё табиатига сингдирилган. Бу бир танганинг икки томони бор, дегандек гап.

Шундан холоса қилиш мумкинки, сизга завқ берган нарса азоб ҳам келтириши, шунингдек, сиз билан боғлиқ ҳамма нарса бир вақтнинг ўзида сизни тарк



этиши ҳам мумкин. Агар бирор нарсадан фойда кўрган бўлсангиз, маълум вақтдан сўнг унинг зарарига ҳам дуч келишингиз мумкин. Баъзида омад кулиб боқса, баъзида эса юз ўтиради: бу ҳаёт қонуни.

Масалан, киши турмуш курганида, жуда хурсанд бўлади. Лекин оила учун унинг масулияти ортади ва бу турли қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб қиласди. Эҳтимол, сиз уй сотиб олдингиз. Бундан жуда баҳтлисиз. Аммо янги уй дарҳол янги ташвишларга сабаб бўлади – уни жихозлаш, зарур бўлса таъмирлаш ва коммунал тўловларни вақтида тўлаш. Бу қонун ҳамма нарса учун амал қиласди. Аксариятимиз ҳамма нарсанинг факат бир томонни кўрамиз ва шунга кўра хулосалар чиқарамиз. Бироқ танганинг бошқа томони ҳам борлигини унутамиз. Ҳамма нарса бизга доим ҳам асли каби кўринавермайди.

Юқорида қайд этилган қонун илоҳий мувозанат қонуни деб аталади. Унга кўра, агар сиз азоб-уқубат, ташвишлар ва ноқулайликларни бошдан кечиришни истамасангиз, унда завқ ва ҳашамат истаги ҳақида

ҳам унутишингизга тўғри келади. Худди шунингдек, сизга ёмон муносабатда бўлишларини истамасангиз, яхшилик қилишдан ҳам тўхтаманг.

Буни асл моҳиятини тушуниб етсангизгина моддий истак ва ҳашаматга ружу қўйишдан воз кечасиз. Дунёнинг икки тарафлама таъсиридан қутулишнинг энг яхши усули – бу барча моддий бойликлардан узоклашишдир.

Тасаввур қилинг, сиз фақат кузатувчисиз. Муваффақиятга интилмайсиз ва муваффақиятсизлик туфайли хафа ҳам бўлмайсиз. Фойда/зарап, муваффақият/муваффақиятсизлик, мақтов/танқид ҳақида умуман ўйламайсиз.Faқат ўз вазифангизни бажарасиз. Айни даражага етиб борсангиз дунёнинг иккюзламачилиги билан боғлиқ ташвишларидан қутласиз.

Абадий баҳт – бу инсоннинг ички «Мен»ининг ортиқча истакларига эътибор бермай, қарама-қаршиликлардан қутулишдир. Бу мақсадга эришиш учун кўпроқ мушоҳада қилинг, йога билан шуғулланинг ва албатта, ибодатда бўлишни унуманг.

53. Ёрдамни ёлғиз Парвардигордан куting


Мадад учун ёлғиз Парвардигорга мурожаат қилинг. Бунинг учун сиз Яратганга қалбингиз ва руҳингиз билан ишонишингиз, унинг иноятига ва кучига иймон келтиришингиз лозим. Яратган сизга исталган йўл билан ёрдам бера олади. Масалан, қариндошларингиз, қўшниларингиз ёки дўстларингизнинг ҳаракатларида Яратганинг сизга кўмагини сезишингиз мумкин.

Доим Парвардигорни зикр қилиб, ёдга олинг.

Ўзингизни дунёда асло ёлғиз сезманг. Сиз қамровсиз кучга эгасиз – бу куч қатъиятли, матонатли эканингиз, Парвардигорнинг сизга берайтган марҳамати ила яшаётганингиздир. Ишонинг, Ҳаққа бўлган ишонч орқали бу кучни сиз ҳамиша ҳар ердан топа оласиз.

54. Фарзандларингизни Парвардигорнинг сизга берган буюк неъмати деб ҳисобланг

Фарзандларингиз ҳам худди сиз каби Яратганинг буюк неъматидир. Улар ҳам худди сиздек Яратганинг измида. Ўғил-қизларингиз сизнинг воситачилигинги мухтоҷ эмас. Уларга маълум вақт давомидагина ғамхўрлик қила оласиз. Аммо



тақдирини бошқаролмайсиз. Уларнинг ҳам ўз фикри, дунёқараши бор. Улар билан муносабатларингиз вақтингчалик. куни келиб бу дунёни тарк этасиз, уларнинг ягона мададкори ва ҳимоячиси Парвардигордир. Яратганинг фарзандларингиз учун ғамхўрлиги, мадади улар учун жавобгарлигингиздан-да, кучлироқдир.


Буни ёдда тутган ҳолда, фарзандларингизни Яратганинг солих бандалари сифатида тарбиялашингиз керак. Ортиқча ҳиссиётлар ва хаёлотлар олий мақсадингиздан чалғитади, холос.

55. Рангларни тўғри танланг

Ранглар тана ва ақлга кучли таъсир кўрсатади. Ранг терапияси узоқ йиллардан бери машҳур шифо усулига айланган. Даволаш учун камалакнинг барча рангидан фойдаланилади. Ҳар бир ранг тана ва ақлга таъсир кўрсатади. Масалан, кўк, бинафша ва ҳаво ранг ақлни тинчлантиради. Яшил ранг мувозанатлаштиради. Қизил, олов ранг ва сариқ ақлни рағбатлантириб, уни севги, ғайрат ва ҳаёт билан тўйинтиради. Оқ ранг – барча етти рангнинг комбинацияси ҳисобланиб, поклик ва маънавият рамзи-дир. Шунинг учун оқ рангдан диний маросимларда тез-тез фойдаланилади. Кўпчиликка Қуёш нури остида ўтириш ёқади, чунки, Қуёш ранги етти рангнинг комбинациясидир.

Қора – рангнинг тўлиқ йўқлиги, нафрат ва ғазаб рамзи-дир. Қора ранг сизни зерикишга, дангасаликка, инерцияга мажбур қиласиди. Тўқ жигарранг ва кулранг худбинлик ҳақида сўзлайди. Шу боис бундай ранглардан, аниқроғи, барча тўқ тусдаги ранг-

лардан фойдаланмаганимиз маъқул. Негаки, улар ҳам қора рангга ўтишни билдиради. Бу тавсиялар асосида хоналарингиз ва кийимларингиз учун мос рангларни танланг.



*Камалакнинг етти жислоси танамиз ва ақлимиз учун
ўз таъсирини кўрсатади.*

56. Қаддингизни тик тулинг


Қаддимиз кайфиятимизга, шунингдик, атрофимиздагиларга нисбатан муносабатимизда муҳим рол ўйнайди. Ҳай ҳолатда бўлманг – ўтирган, турган, ётган ва юрганингизда ҳам қаддингизни тик тулинг. Қаддимизни тик тушишимиз тана ва онг фаолиятини меъёрда ушлашимизга ёрдам беради, қолаверса, ишонч ва баҳтга илҳомлантиради. Қаддимизни бўш тутиш эса умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланишига сабаб



бўлади, бу эса тананинг энергия мувозанатини бузади. Бундан ташқари, бу тарзда ўтириш мия фаолиятини сусайтириб, бўшаштиради, дангаса қилиб қўяди. Ахир тана ва ақл бир-бири билан узвий боғлиқ.

57. Сокин ва тинчлантирувчи мусиқа тингланг

Бетоқат бўлиб турган ақлимиз яхши ва оҳанрабо мусиқага осонгина овунади. Товушларнинг таъсири товуш тебранишининг табиатига боғлиқ. Ҳар бир сўз, ҳатто ҳар бир ҳарф 'муайян тебранишлар билан тавсифланади. Талаффузимиздаги оҳанглар бу теб-



ранишларнинг характерига таъсир кўрсатади. Мусиқа – айнан шундай овоз тебранишидир. Товушлар ва мусиқанинг инсон танаси ва онгига таъсирини ўрганиш орқали йога товушларни уч тоифага ажратади:

(1) «Сатвик» товушлари ички қувончни оширади, онг фаолиятини яхшилаб, тинчлантиради ва стрессли енгиллаштиради. Бундай товушларга мумтоз мусиқа, оҳанрабо қўшиқлар, ретро фильмларидаги мусиқалар, табиат товушлари (кушлар сайраши, шамол, шаршара шовқини, оқаётган сув товуши, ёмғир, баргларнинг шитирлаши ва ҳ.к.) киради.

(2) «Ражасик» товушлари онгни рағбатлантиради ва жунбишга келтиради. Ушбу тоифага эстрада мусиқаси ва аксарият замонавий фильмлардаги қўшиқлар киради.

(3) «Тамсик» товушлари онгни зериктиради ва уни ўчириб қўяди. Ҳар биримиз зерикарли ва соқин деб аташ мумкин бўлган, уйқу чақирадиган қўшиқларни эшитганмиз.

Замонавий илм-фан мусиқанинг онг ва танага таъсирини фаол равишда ўрганиб келади. Яхши мусиқа тинглашни одат қилиб, руҳимиз ва онгимизни кўтаришимиз керак. Бугунги кунда мусиқа, ҳаттоқи, даволаш усулларида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

58. Табиатга яқинроқ бўлишга интилинг

Кулай вазият пайдо бўлиши билан табиат қўйнига шошилинг. Боғлар, ўрмонлар, тоғлар, дарёлар ва қўлларга боринг. Тоза ҳаводан нафас олинг, мусаффо осмондан завқланинг, кушларнинг сайраши ва баргларнинг шивирлашини тингланг. Танани Қуёшнинг шифобахш нурлари билан тўйинтиринг. Табиат қучоғидаги бундай ҳордик онгимизни юксалтиради ва янгилайди.



59. Тозалик ва тартибга риоя қилинг

Озодалик ва поклик Парвардигорга элтувчи йўл эканини эшитган бўлсангиз керак. Атроф-муҳитнинг тозалиги онгимизга, қайфиятимизга таъсир кўрсатади.

Иш жойингиз ва уйингизнинг тартибли бўлишига эътибор беринг. Атрофингиз бетартиб бўлишига йўл кўйманг. Сув таъминоти ва оқова сув тизими ҳолатини кузатиб боринг. Баъзи тартибсизликларни сезганингизда дарҳол тегишли муассасаларга мурожаат қилинг.



Иш жойингиз ва уйингизда буюмларни дуч келган жойга улоқтируманг. Ҳар бир нарсанинг ўз жойи бўлиши керак.

Танамиз ва ташқи қўринишимиznинг тоза ва озодалиги жуда муҳим. Айниқса, оғиз, бурун, кўз ва юзнинг озодалигига эътибор беринг. Таомлангандан

сўнг оғзингизни чайинг. Уйга қайтгач, қўлларингизни ювинг. Озодаликка риоя қилишга ҳаракат килинг.

Уйингизда ҳавони хушбўйлантирувчи спрейларни ўрнатинг, махсус тутатқи ва хушбўй шамлардан фойдаланинг.

60. Юқори ҳарорат ёки намлик, ифлосланган ҳаво ва шовқин онгимизга таъсир кўрсатади

Инсон танасининг имкон қадар самарали фаолияти учун ҳарорат, намлик ва товуш кучининг мақбул даражаси мавжуд. Шундай қилиб, оптималь ҳарорат даражаси $20\text{--}25^{\circ}$, намлик 45-50 фоиз, қулай шовқин даражаси 45 Дб ҳисобланади. Ушбу даражадан четга чиқиш тананинг ва онгнинг мувозанатини бузади ва уларнинг таъсир самарадорлигини пасайтиради. Кўп



вактингизни ўзингиз учун қулай шароитда ва жойда ўтказишга ҳаракат қилинг.

Атмосферанинг ифлосланиши мия фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Хусусан, углерод оксиди тананинг оптимал микдорда кислород истеъмол қилиш қобилиятини пасайтиради. Конда кислород етишмовчилиги эса миянинг ишлашига тўскинлик қилади. Бошқа ифлослантирувчи моддалар ҳам тана ва онг мувозанатини бузади.

Қаттиқ шовқин ҳам танамиз ва руҳиятимизнинг душманидир.

61. Кайғиятни кўтарувчи суратларни томоша қилинг

Биз кўраётган ҳар бир нарса (визуал рағбатланиш) танамиз ва онгимизга ижобий ёки салбий таъсир кўрсади. Буюк, маънавияти юксак инсонларнинг суратлари, гўзал ландшафтлар, муқаддас қадамжолар ҳамда масжидларнинг расмлари руҳия-



тимизни кўтариб, танимизга қувват бағишлиайди. Айниқса, бундай фойдали расмлар онгимиздаги маълум бир тебранишларини сақлаб қолади. Бундай тасвиirlар «сатвик» тоифага киради.

«Раджасик» ва «тамасик» тасвиirlар эса руҳиятимиз учун заарлидир. Биз доимий равишда журналларда кўрадиган гламур суратлар «раджасик» тоифага мансуб. Улар онгимизни тинчлантирумай, аксинча, уни чалғитади ва хаёлларимизни чалкаштиради. «Тамасик» тоифадаги суратлар эса одамни зерикишга, тушкунликка тушиб, апатия ҳолатига кириб қолишига сабаб бўлади.

62. Кераксиз буюмлардан халос бўлинг

Вақти-вақти билан уйимиз ва ишхонамизда кераксиз буюмлар йиғилиб қолади. Уларни йиғиш ёки ушлаб туришдан фойда келмаган ҳолда, нисбий ҳолатда куч-кувватимизни ҳам тортиб олади. Керакли нарсалар учун жой ажратиб, кераксиз буюмларни ташлаб юборишга одатланинг. Эскилари ёки фойдаланилмайдиганини сотиб юборинг ёки муҳтожларга эҳсон қилинг. Уларни сақлаш учун ортиқча куч-кувват сарфламанг. Яхиси, улардан халос бўлинг.

Уйингизнинг кераксиз буюмлар омборига айланнишини истамасангиз, янги нарса сотиб олишингиз билан, эскисидан халос бўлишга ўрганинг. «Янгиси келди – эскиси кетди» формуласи уйингизни саранжом бўлишига ёрдам беради. Қолаверса, уйингизга меҳмон келишидан аввал буюмларингизни қаерга яшириш ҳақидаги ортиқча ташвишлардан



қутуласиз. Бирор кунни «ортикча буюмлардан халос бўлиш куни» деб белгиланг. Шу куни оила аъзоларингиз билан нималардан воз кечиш мумкинлигини, уларни сотиш ёки кимгадир эҳсон қилишни маслаҳатлашинг.

63. Ҳазил ва кулгини ёддан чиқарманг

Ҳазил инсоннинг руҳий чегарасидан озод қиласи. Фикримиз тиниқлашади, онгимиз янгиланади ва зулматдан ёруғликка чиқади. Инсонга ҳеч нарса самимий ва чин кўнгилдан мириқиб кулишчалик фойда келтирмайди. Самимий кулги инсон ақлинин ортиқча ташвишлардан озод қиласи, организмда қон айланишини таъминлайди.

Тадқиқотларнинг исботлашича, кулги вақтида организмда эндорфинлар ажралиб, уларнинг таъсири морфинга teng бўлиб, табиий оғриқ қолдириш сифа-



тига эга. Бу дегани, кулги даволаш хусусиятига эга бўлиб, тушкунлик, зерикиш, ҳафагарчилик, қайғуриш, асабийлик ва умидсизликдан халос қиласи. Кулган инсон ўзини енгил ва янгилангандек ҳис қиласи.

Агар сиз шунчаки кула олмасангиз, кайфиятни кўтариған китоблар ўқинг, комедия жанридаги фильmlарни томоша қилинг. Кундалик ҳаётингизда ҳар бир оила аъзоингиз ҳар куни ҳазил ва мутойибалар билан бўлишиб боришларини ташкиллаштириб кўринг.

64. Келажак учун ташвишланманг

Баъзилар келажаклари ҳақида қаттиқ ташвишланниб, астролог, рақамшунослар ва бошқа «мутахассислар»га мурожаат қилишади. Икки нарсани ёдда сақлаб қолинг. Биринчидан, тақдирингизда нима битилганини ҳеч қачон олдиндан аниқлаб бўлмайди. Ҳеч қайси башоратчи тақдирингизни аниқ айтольмайди. Энг камида, муайян эҳтимолликларни айтиб ўтиши мумкин. Келажагингиз ва тақдирингиз фақатгина

маълум факторлар таъсирида ўзгаради. Шу факторларга асосланиб, ўз ҳаётларини ўзгартирган инсонлар ҳам бор. Улар ўzlари учун ҳаётларини бирмунча енгиллаштиришган. Бошқача қилиб айтганда, муаммолар ва ташвишларга енгилмай, уларни ўzlари бошқаришган.

Иккинчидан, келажагингиз аввалдан аниқланиб бўлинган тақдирда ҳам, уни ўзгартиришга қодир эмассиз. Мабодо, келажакда нимадир нохушлик бўлишини билсангиз, ҳаётингиз баҳтсиз ва қайғули тусга киради. Келажак ҳаётингиз сиз кутгандек бўлмаслигини билиб, ўзингизни беҳуда қайғу ва ташвишга солиб қўясиз. Шу боис Яратган белгилаган тақдирингизга рози бўлинг ва уни хотиржам, яхши кайфиятда қарши олинг. Шундагина баҳт ўзи сизни излаб топади.

Бир нарсани тўғри тушунинг: **Парвардигор инсон ҳаётини фақат унинг хайри учун яратиб қўйган. Буни тўғри англаган кунингиз Парвардигор инояти ва акл-идрокингиз ва сабрингиз билан қаршингизда учраган тўсиқларни енгиб ўтишни бошлайсиз.**

65. Хоҳиш ва истакларингизни назорат қилинг

Моддий истаклар ва хоҳишларнинг чегараси йўқ. Истакларингиз қанчалик кўп бўлмасин, улар амалга ошгани сайин янада уларга бўлган интилишингиз кучаяверади. Бир истакнинг завқидан қониқиши янгиларини келтириб чиқаради, бу занжир эса узулмасдир. Ўз истакларингизни энг керакли – ҳаётий жиҳатдан зарурлари билан чегараланг. Ортиқча

ҳашаматга берилманд, хоҳишлиарингиз ортидан қувишидан ўзингизни тұхтатинг. Моддий ва ҳиссий истакларни қондириш қысқа муддатли ва муқаррар равишида ташвишга олиб келади. Бундай истаклар доимий қониқиши ҳиссини бермайди. Биз ҳис-түйғуларни қондиришимиз учун чексиз истак ва хоҳишлиаримизга «тұхта» дейишимиз керак. Унұтманг, онгимиз ва ҳисларимиз доим бир лаҳзалик қувонч ва завқ олишга интилади, холос. Бу инсон табиатининг ўзгармас хусусиятидир. Биз бу таъсирни енгіб, энг юқори истак ва мақсадларга интилишимиз, тез ўтиб кетадиган ҳою ҳаваслардан устун туришимиз керак. Ҳаёт қонунларини тушунишимиз ва улардан түғри фойдалана олишимиз бизга туганмас баҳт ва хотиржамлик әшикларини очади.

«Завқланиш ҳисси» түғрисида гапирганимизда, биз «раджасик» ва «тамасик» завқланишни назарда тутамиз, «сатвик» завқни әмас. Масалан, қишининг



совук кунларида Күёшнинг илиқ нурларидан завқ олиш «сатвик» завқланишга киради. Демак, бу завқни ўзимизда рағбатлантиришимиз керак.

Худди шундай, муайян тарзда истакларингиз ва эҳтиёжларингиз фарқини англашингиз керак. Эҳтиёжлар эса тирикчилигингиз ва яшаш шароитингиздан келиб чиқади. Истак – бу «раджасик» ва «тамасик» тоифага оид завқланиш ҳиссига интилишdir. Ушбу тоифага манфаат, машхурлик, мартаба ва обрў-эътиборга интилиш каби истаклар киради. Аммо ўсиш-ривожланиш, ҳақиқатни англаб етишга бўлган интилиш ижобий истак саналиб, улар биз юқорида тилга олган моддий истакларга умуман ўхшамайди.

66. Пулнинг ортидан қувманг

Аксарият одамлар қандай усулда бўлмасин, имкон қадар кўп пул топишга интилишади. Пул топиш тобеъ бўлиб қолишга айланиб қолмоқда. Бу охири йўқ пойгадир. Керагидан ортиқ пул топишга бўлган истак инсонларни тузокқа тушириб кўйяпти. Айримлар ҳали



омонатини Аллоҳга топширмай туриб, меросхўрла-
ри ўртасида янги «пойга» бошланмоқда. Бунга сабаб
кўп ҳолларда шундай меросхўрларни тарбиялаган
марҳумлар вақтини, умрини ҳаётлигига эзгу ишларга
сарфлаш, фарзанд тарбиясига эътибор қаратиш билан
эмас, кўпроқ пул топиш билан ўтказишган.

Шуни унутманг, ортиқча бойлик сизни ёмон дои-
рага тортади. Ундан керакли, унумли нарсаларда
фойдаланишни ўрганинг.

Кўп ҳолларда пулнинг ягона вазифаси яна пул то-
пиш бўлиб қолади ва бу одамнинг ташвишларини яна
оширади. Агар бахтли бўлишни истасангиз, вақт си-
новидан ўтган ҳақиқатни ёдга олинг: «Пул инсонга
бахтдан бошқа ҳамма нарсани бера олади».

67. Ҳеч қачон ўзингизни вақт танқислиги билин оқламанг

Аксарият ҳолларда вақтимиз етишмаслиги билан
ўзимизни оқлаймиз. Аммо беш юлдузли меҳмон-
хонага зиёфатга таклиф қилишса ёки кинога бепул
чипта беришса, ҳеч қачон: «Менинг вақтим йўқ», дея
рад қилолмаймиз.

Айтишларича, энг банд инсоннинг бўш вақти кўп
бўларкан. Бу дегани, ҳаттоки, энг банд инсон ҳам
тўғри ва етарлича ҳордиқ чиқарса, ҳамма нарсага бе-
малол вақт топади. Бунинг учун фақат истак, хоҳиш
ва ҳафсала керак, холос. Агар сизда истак ва ҳафсала
бўлмаса, ҳатто бўш вақтингиздан ҳам унумли фой-
далана олмайсиз. Аксинча, таомланиш, уйку, фийбат,
телевизор, кино кўриш, маъносиз китоб ва журнал-
ларни варақлаш ёки дўкон айланиш билан вақтин-
гизни бехуда сарфлайсиз.



Үз устингизда изланиш, ўсиш, ривожланиш режасини амалга ошириш, жамиятга фойда келтирадиган ишларни амалга оширишда вақтингиз танқислигини баҳона қилманг. Режаларингизни онгли равишда тузинг, кунингиз ва ишларингиз тартибини йўлга кўйинг, режаларингиз сари олға қадам ташланг. унутманг, ҳаммамиизда етарлича вақт бор – фақат уни тўғри тақсимлай олишимиз ва ундан тўғри фойдаланишимиз лозим.

68. Доимий ўсиш, ривожланиш мақсади билан яшанг ва меҳнат қилинг

Қаерда бўлманг ва нима иш қилманг, асосий мақсадингиз – жисмоний, руҳий ва маънавий тарафдан ўсиб-ривожланишдир. У биз билан бутунлайга қоладиган жараёндир. Қолган бари ўткинчи ва олий мақсад учун элтувчи омилдир.

Баъзи инсонлар ҳаётини гүё вақт туганмас, абадийдек ўтказадилар. Асосий вақтларини кераксиз нарсаларга сарфлайдилар. Ўзларини шахс сифатида ривожлантиришни ўйлаб ҳам кўришмайди.


Тўғри, ҳаракат қилиш биздан, аммо ҳаракатларимиз барокати Парвардигордан. Бу эса бизни ортиқча ташвишлар ва муаммолардан халос қиласди. Биз ҳамиша илохий қувончни ҳис қилишимиз, янада кучлироқ бўлишга интилишимиз, бунинг учун ўсишдан тўхтаб қолмаслигимиз керак.

Қачонки, кучли ва иродали шахс бўлсак, ўзгаларга ва жамиятга ёрдам бера оламиз. Агар ўзимиз заиф бўлсак, ўзгаларга қандай кўмак беришимиз мумкин?

69. Ҳеч нарсани зое кетказманг

Ҳеч нарсани зое кетказмасликка одатланинг. Аксарият инсонлар даромадларини бехуда ишларга сарфлашади. Бехуда маблағ сарфлаш нафақат оила бюджетига, балки мамлакат иқтисодиётига ҳам зиён етказади. Бундай исрофгарчилик кишининг ким эканлигини белгилайди.

Имкон қадар у гоҳ рўзгорингизда ёхуд иш жойингизда бўлсин, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Агар суви очик қолган жўмрак ёки бехуда ёниқ қолган чироқни кўрсангиз, уларни дарҳол ўчириб қўйинг. Агар бунга эътибор бермасангиз ёки бу сизга тегишли иш эмас, деб ҳисобласангиз, демак, сиз бошқа нарсаларга ҳам эътиборсиз қарайдиган тоифадан экансиз. Бу феълингиз на ўзингизга ва на мамлакатингизга наф келтиради.




70. Аҳамиятсиз нарсаларга вақт сарфламанг

Аҳамиятсиз нарсалардан устун туриңг. Уларға ортиқча эътибор қаратиш орқали худбинлигингизга қониқиши берасиз. Бу феълингизда на маъно ва на фойда бор. Кичик муаммоларни ҳал қилишга кўп вақт сарфламанг. Уларни ҳал қилишни қўл остингиздагиларга ёхуд яқинларингизга топшириңг. Унутиш ва кечиришни ўрганинг. Ўзингизда сохта мағрурликни ривожлантирманг: бу дунё фақат сиз учун яратилган деб ўйламанг. Дунё мавжудлиги фақат сиз билан боғланмаган. Унда ҳамма баробар. Ва дунёда барча сиз каби бир хил салоҳиятга эга. Сиз ноёб инсон эмассиз.



71. Фазаб — заифлик белгиси

Баъзилар ғазабланмай туриб, бирор нарсага эришиб бўлмайди, деб ҳисоблашади. Аслида, бундай эмас. Сиз истаган нарсангизга ортиқча безовталашиб май ва ғазабланмай, шунчаки, харакат қилиб эришишингиз мумкин. Ишни «ўлик нуқта»дан кўчириш учун жиддий ёндашув ва ёқимли сўзлар етарли. Сизнинг сўзингиз ва фикрингиз катта кучга эга. Ғазаб ноқулай вазиятларни қабул қила олмайсиз, уларга кўниколмайсиз, деган маънони англатади. Ғазаб —



аклий заифликнинг белгиси. Маънан етук ва иродали инсон ҳар қандай вазиятни, қанчалик қийин бўлмасин, хотиржам ва руҳан тетик қабул қила олади. Агар сиз ҳамма нарсани хотиржам, аммо қатъий оҳангда тушунтира олсангиз, ҳар қандай сухбатдош сизни яхшироқ тушунади. Бундай вазиятда ғазаб сизга ёрдам беролмайди.

72. Ўзингизни дунёда такрорланмас деб ҳисобламанг

Ҳеч қачон «Менсиз дунё ишлари тўхтаб қолади», деб ўйламанг. У биз йўқлигимизда ҳам бор эди, биздан кейин ҳам бўлади. Биз бу дунёга вақтинча ҳаёт мактабида билим ва кўникмаларни эгаллашга келганмиз. Дунё биздан ҳеч нарса талаб қилмайди. Унинг ўзида барча нарса бисёр. аксинча, биз ундан ҳаётимизни яхшилаш учун фойдаланамиз. Бирор буюк ишни амалга ошириш билан сиз дунёга эмас,

ўзингизга ёрдам берган бўласиз. Мендан кейин дунёда нима бўлар экан деган ортиқча ташвишлардан халос бўлинг. Дунёда барча ишлар сиз туфайли содир бўляпти, деб ўйламанг.

Худди шундай, оила аъзоларингиз ҳақида ҳам жиддий ташвишланманг. Уларнинг дунёда мавжудлигини сиз эмас, Яратганинг Ўзи таъминлайди. Сиз шунчаки Яратганинг қурдати билан яратилган бандасиз. Аммо шахсиятингизни ривожлантириб бориш учун, албатта, яқинларингизга ғамхўрлик қилинг.

73. Ўзгаларга қийинчиликларингиз ҳақида гапирманг

Баъзилар доим ўз қийинчиликлари ҳақида атрофдагиларига бонг уришади. Агар сухбатдошингиздан ёрдам олишингизга кўзингиз етмаса, яхиси, қийинчиликларингиз ҳақида умуман гапирманг. Муаммоларингизни ўзингизда сақланг ва уларни ҳал қилишга ҳаракат қилинг.

Ўзгаларнинг муаммолари ҳеч кимни қизиқтирамайди. Ҳар бир инсон фақат ўз муаммолари билан яшайди. Қийинчиликларингиз ҳақидаги ҳикояни тинглаб, сухбатдошингиз зерикиб кетиши ёки муаммоларингиз униқидан-да, жиддийроқ эканидан мамнун бўлиши мумкин. Муаммоларингизни бошқаларга орқа қилманг. Мабодо маслаҳат керак бўлса, бу соҳада билим ва тажрибага эга инсонлардан ёрдам сўраганингиз маъқул.

Майда-чуйдалардан шикоят қиласкерманг. Агар бу ҳақда сўрашмаса, муаммоларингизни тушунтириш ва ўзингизни оқлашга ўрунманг. Одамлар сиз ҳақингизда нима деса, шундай ўйлайверищсин. Уларнинг фикри сиз учун аҳамиятли эмас.

74. Ўзингизда сабрни тарбияланг

Бағрикенглик – бу энг олий фазилат. Нафақат ўзингизга, балки бошқаларга ҳам бағрикенг бўлинг. Қатъиятли ва ўзгаларнинг камчилик ва заиф томонларига чидамли бўлинг.

Ўзингизда сабрни тарбияланг. Ўзгалар томонидан сизга етказилган зарарни, аччиқ сўзлар ва ҳақоратларни унутинг. Ҳаммасини кечиринг. Бу мияни тинчлантириб, иродани мустаҳкамлайди. Шу йўсинда аста-секин салбий ҳаракатлар ва қўпол сўзларга нисбатан иммунитетга эга бўласиз. Сабрли инсон ҳар қандай чўққига эришиши ва ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин.

Бироқ айримларнинг ҳаракати ёки сўзлари жамият ва инсониятга зарар етказса, овозингизни кўтаришга, унинг ўрнини билдириб қўйишга ҳақлisisiz. Бундай ҳолатда жим туришга мажбур эмассиз.

Бағрикенглик ва қўрқув турли тушунчалардир. Бағрикенглик – куч, қўрқув эса заифликдир. Қўрқув



иложсизлик ва заифликдан келиб чиқади, бағрикенгликтек түшүнүү олишдан.

Бирор ҳаракатни ёки шахсни ҳимоя қилиш учун зўравонлик ёки жамоат мулкини йўқ қилишга уринишларга қарши ўз овозингиз орқали курашинг. Сизнинг овозингиз қонунан ҳаракат қилишингизда кўринади. Мақсадингизни қўллаб-кувватланишига ҳаракат қилинг, агар куйи ташкилотлар сизга ёрдам беришни истамаса, юқори органларга мурожаат қилинг. Мақсадингизга хайриҳо бўлганларни бунга сафарбар қилинг. Тўрт-беш нафар сўзи ўткир, тушунчаси кенг ва жонкуяр инсонлар билан фикрлашиб, мансабдор шахслар билан учрашинг – бу тажриба доим яхши натижа беради.

75. Диний бағрикенг бўлинг

Ўзингиз эътиқод қилаётган диннинг бошқа динлардан устунлигини исботлашга ҳаракат қилманг. Ўзгаларнинг диний эътиқодини ҳурмат қилинг. Улар бизни Парвардигорга элтувчи турли йўллардир. Барча динларнинг асоси бир, олий мақсадга хизмат қиласиди. Фақат йўллар ва «ўқитувчилар» фарқ қиласиди, холос. Ўзингиз учун тўғри бўлган йўлни танланг.

Дунёқарашингиз ва фикрингизни кенгайтиргагунингизча, олий мақсадга эриша олмайсиз, яъни Парвардигорга яқинлашолмайсиз.

76. Ҳамма нарсани назорат қилишга урунманг

Билим чексиз. Аммо ҳеч нарса мукаммал эмас. Сиз ҳам мукаммал бўлолмайсиз. Шу йўлда ҳаракат қилишингизнинг ўзи мукаммалликдир. Танлаган

соҳангизнинг етук мутахассиси бўлинг ва атрофин-гизга фойдангиз тегсин. Бошқа соҳаларда эса ҳаёт учун зарур бўлган умумий ғояларнинг ўзи етарли.

Бизнинг энг олий мақсадимиз – ўзлигимизни англаш. Фақат шу билимгина бизни азоб-уқубатлардан ва баҳтсизликлардан ҳалос қилиши мумкин. Ҳамма нарсани назоратим остида тутиб тура оламан, деган хаёлни миянгиздан чиқаринг. Зеро, бунинг имкони йўқ. Бунинг ўз эгаси бор – Яратган. Биз шунчаки зиммамизга тушган вазифаларни уддаласак бўлгани. Дунёвий билимларни тўплаш ҳаётимиз мақсади бўлолмайди. Ҳаётимиз мақсади – ўз-ўзимизни англаш, ҳаётнинг маъносини тушуниш демак. Айнан ушбу кўникмаларгина биз интилаётган ўз-ўзини англаш ва хотиржамлик туйғуларини беради.

77. Ёрдамни бемалол таклиф этинг ва қабул қилинг

Ёрдам сўраш ва таклиф қилишдан кўрқманг. Туғилганимиздан бери ҳаммамиз ёрдам бериш ва ёрдам олиш ҳукукига эгамиз. Агар бирор киши сизга ёрдам беришдан бош тортса ёки ёрдам таклифини рад этса, бундан ранжиманг, ғазабланманг.

Ўзгаларга ёрдам бериш орқали онгингизни юксалтирасиз, қалбингизни поклайсиз. Бизга Ҳақ йўлида эзгу ишларни амалга ошириш имкониятини берганлардан миннатдор бўлишимиз керак. Инсонларга моддий ёрдам бериш ёки улар билан ўз билимларимизни баҳам кўриш орқали ҳеч нарсани йўқотмаймиз. Илоҳий қонунга кўра, биз қанча кўп берсак, эвазига шунча кўп қабул қиласиз.



78. Ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан баҳра олинг

Баъзи инсонлар учун ҳаёт фақат қийинчиликлар билан курашишдан иборат. Аммо улар азобларни енгиб ўтиши орқали ҳаётдан завқ олишлари мумкинлигини англашмайди. Сиз хурсанчиликда ҳам, муаммолар билан курашаётганингизда ҳам завқ олишни билишингиз керак. Моддий қулайликдан қоникиш – завқ олиш дегани эмас. Бу чираб бўлмас даражадаги зерикиш билан тенгdir. Баъзан муаммолар туфайли киши мавжуд моддий қулайликлардан баҳраманд бўлолмайди. Биз аллақачон завқ моддий нарсаларга эмас, ақлга боғлиқ экани ҳақида гаплашгандик. Сиз моддий манфаатларсиз ҳам завқ олишингиз мумкин. Ҳар бир машғулотингиз сизга қанчалик аҳамиятсиз ва кичик бўлиб туюлмасин, ундан баҳра олиб яшанг. Ҳаётдан завқланишни бир лаҳзага ҳам кечиктирманг, чунки у ҳеч қачон қайтиб келмайди. Ахир бу лаҳзалардан сўнг




сиз ҳатто тасаввур қила олмайдиган қийинчилекларга дуч келишингиз мумкин, шунда унинг қувончидан баҳра олиш яна кейинроққа қолади.

79. Ҳар бир кишидан нимадир ўрганинг

Ҳар ишда йўл кўрсатадиган «Билағон»ларни изламанг. Дунёда ҳеч нарсани билмайдиган ёки ҳамма нарсани биладиган инсон йўқ. Кимдир сиз билмаган нарсаларни, сиз эса кимдир билмайдиган нарсаларни биласиз. Бу ҳолат ижтимоий мақомга ва касбга боғлиқ эмас. Ҳар кимдан нимадир ўрганингиз мумкин.

Бунинг учун ўзаро алоқаларга тайёр бўлинг. Ҳар доим сухбатдошингизда ноёб истеъдод, тажриба ва



билимларни аниклашга ҳаракат қилинг. Ҳар бир сұхбатдошингизда сизге керакли қандайдыр жиҳат бор. Янги сұхбатдош билан танишиб, үзингизга: «Бирор нарса үргандингми ёки вактимни бехуда сарфламадимми?» деб савол беринг.

80. Ҳеч қачон яхшиликдан үзгасига күнманг

Эзгу ниятли инсон сифатида факат яхшиликка умид қилинг. Нега баҳтсиз, ташвишли ҳаёт кечиришингиз кераклиги ҳақида ҳеч қандай изоҳга үрин йўқ. Ҳаммаси үзингизга боғлиқ.

Бу дунёда ҳамманинг яхши яшашга, баҳтли бўлишга хаққи бор. Ўз навбатида, сизнинг ҳам. Ҳаммага бунга имкон ва имтиёз берилган. Бунинг учун атрофинингиздагиларга үзингизда бор энг яхши хусусиятларни тақдим қилишингиз керак. Бу борада ҳеч қачон иккиланманг. Энг яхшиларини беришинг ва

энг яхшиларини олинг. Ҳар кунингиз кечагидан-да яхшироқ бўлишига ҳаракат қилинг.

Имконият туғилиши билан янги нарсаларни ўрганинг. Ўз устингизда ишланг. Аммо юқоридаги маслаҳатлардан мукаммал бўлишим керак экан, деган нотўғри тушунчага борманг. Мукаммаллик факат Яратганга хос. Бу ҳақда қуидаги бўлимларда батафсилроқ сўз юритамиз.

81. Мулойим бўлинг, яхши хулқ-атворни ўзингизга сингдиринг

Тараккӣй этган жамият қоидаларига риоя қилишингиз, мулойим, хушмуомалали бўлишингиз керак. Хусусан:

◆ Тез-тез «раҳмат» ва «илтимос» сўзларини айтинг.

◆ Ўзингиздан катталарга биринчи бўлиб салом беринг, ҳар доим ўрнингизни билинг.

◆ Бир муддатга олиб турган нарсаларингизни, албатта, эгасига қайтаринг.

◆ Киноя қилишдан сақланинг.

◆ Сирларни ўзингизда сақланг. Сухбат давомида уларни ошкор қилишдан тийилинг. Ҳатто яқин дўстингиз билан сирни бўлишишдан аввал такрор-такрор ўйлаб кўринг.

◆ Мулоқот қилган инсонларингиз исмларини эслаб қолинг.

◆ Ўзгаларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилинг.
Хонага киришдан аввал эшикни тақиллатинг.

◆ Суҳбатдошларнинг гапини бўлманг, хоҳ уларнинг гапларига қўшилинг, хоҳ қошилманг. Нима ҳақида гаплашаётганларини яхши билсангиз ҳам, уларни диққат билан, охиригача тингланг. Фақат навбатингиз келгандагина гапиринг.

◆ Норозилигинги зни безовталанмай ифода этишини ўрганинг.

◆ Пунктуал бўлинг, айтилган манзилга ўз вақтида боринг.

◆ Ваъдангизда туринг.

◆ Кўча-кўйда иш юзасидаги масалаларни мухокама қилманг.

◆ Омма олдида мақтанг, ёлғиз қолганда эса танқид қилинг.

◆ Кечирим сўрашдан тортинманг, хатоларингизни тан олинг, ёрдам сўранг, билмаслигинги здан уялманг.

◆ Ноқулай шароитда ҳам безовталигинги зни сезидирмай, ўзингизни хотиржам тутинг.

◆ Ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида эмас, тўғри ечим борасида ўйланг.

- ◆ Ҳеч қачон бирор кишига унинг чарчоқ, ғамгин ёки bemor ҳолда кўринаётганини айтманг.
- ◆ Сизга берилган ҳар қандай ёрдамдан миннатдор бўлинг, шунга яраша жавоб қайтаришга ҳаракат қилинг.
- ◆ «Ҳисобли дўст айрилмас» қоидасига амал қилинг.
- ◆ Маошингизни муҳокама қилманг.
- ◆ Ишга эрта келинг ва кечроқ қайтинг.
- ◆ Янги вазифаларни янада яхшироқ бажаринг.
- ◆ Оила аъзоларингиз учун вақт ажратинг. Уларга ширин сўзларингиз ва хатти-ҳаракатларингиз билан меҳрингизни ифода қилинг. Улар сиз учун қанчалик муҳим эканликларини ҳис қилишлари керак.
- ◆ Бирор кишини танқид қилишдан олдин, яхшилаб фикр қилинг, танқид ҳасадга айланиб қолмасин.
- ◆ Ҳукм чиқаришдан аввал, ҳар икки томонга ҳам кулоқ туting.

Унутманг, арзимасдек кўринган ушбу маслаҳатлар, аслида, сиз ва сиз билан мулоқот қилаётгандар учун жуда муҳим ва фойдалидир.

82. Бирор инсон ҳақида ёмон хаёлга бориш ёки гапириш ярамайды

Фикрлар кучли қуролдир. Бирор киши ҳақида ёмон хаёлга бориш ёки гапириш билан нафақат унга зарар етказасиз, балки фикрларингиз ва сўзларингиздаги салбий тебранишлар аксинча ўзингизга таъсир кўрсатади. Ўзингизга эътиборли бўлинг. Ҳар қандай ҳаракатингиз мукофотланиши ёки жазоланиши мумкинлигини унутманг. Ҳар ким экканини ўради. Агар сиз танқид қилаётган инсоннинг хатти-ҳаракатлари жамиятга, атрофдагиларга зиён етказмаётган бўлса, яхшиси, унинг ишларига аралашмаганингиз маъкул. Агар ўзи сиздан маслаҳат ёки ёрдам сўраса, камчиликларини кўрсатишингиз, нима қиласа тўғри бўлиши ҳақида маслаҳат беришингиз мумкин.


Мабодо унинг атрофдагиларга, жамиятга зиёнини сезсангиз ёмон муносабатда бўлмаган, қасос туйғусига берилмаган ҳолда уни ижобий тарафга ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Дипломатия ва «тактика»ни унутманг.



Ўзингиздаги камчиликни ўзгада кўрмай туриб, ўзингизникини тузатолмайсиз. Бошқача қилиб айтганда, сиз бошқаларда кўрган камчиликлар ўз аксингиздир. Бундай қараш куйидаги принципга асосланади: **ташқи дунё бизнинг ақлий ҳолатимизни ёки ички дунёмизни акс эттиради.** Ўз-ўзидан, дунё яхши ёки ёмон бўлиб қолмайди.


83. Биз, барчамиз, бир-бирилизга боғлиқмиз

Эҳтимол, сизга инсонлар бир-биридан ажралиб турадигандек кўринар. Лекин бу фарқланиш факт жисмоний тарафдандир. Ақлий тарафдан эса биз, барчамиз бир-бирилизга боғланганмиз. Шунинг учун бир-бирилизнинг кувончу қайғумизни ҳис қиласиз. Ҳар бир ақл бошқалари билан, уларнинг барчаси эса Яратган билан боғлиқдир. Орамизда мураккаб муносабатлар мавжуд. Ҳеч ким шунчаки яшамайди. Ҳар кимнинг ҳаракати, улар қанчалик кичик бўлмасин, бутун коинотга таъсир қилади. Ҳар бир ақл, тафаккур дунё билан бирлаштирилган.



84. Ҳар қандай вазиятдан сабоқ олишни ўрганинг

Ҳаётимиз давомида турли вазиятларга дуч келиб, улардан ўзимизга керакли сабоқларни оламиз. Гувоҳи бўлган ҳар бир ҳодисамиз қимматли тажрибадир. Ҳар дақиқамиз, гарчи биз буни сезмасак ҳам, бошқасидан фарқ қиласди. Инсон ҳаёти бир текис кетмайди. Ҳар куни ва ҳар кечада бир-биридан фарқланади. Тақдир сўқмоқларида бурилишлар кўп. Бизнинг вазифамиз олинган тажрибадан юкори даражада фойда олиш. Вазият сиз учун қанчалик арзимас ва аҳамиятсиз бўлмасин, у бирор нарсани ўрганишга имкон беради. Ва биз ҳаёт сабоқлари учун доимо тайёр туришимиз керак.




«Биз касалликларнинг олдини олиш бўйича чоралар
куришишимиз керак».

Гурумайи (Свами Муктананданинг маънавий вориси) шундай дейди: «Мен ҳар бир вазиятни санъат асари сифатида қабул қиласман. Сенга берилган ажойиб имкониятларни бесамар ўтказиб юборма».

85. Қиёсламанг

Инсонлар кўпинча ўзларини бошқалар билан таққослашади ва бу таққослаш уларни одатда қайғуга ва тушкунликка солиб қўяди. Таққослаш ҳисси чексиз эканлигини тушуниш керак. Сиз ҳар қандай даражага эришишингиз мумкин, лекин ҳар доим ҳам сиздан устун бўлганлар ва сиздан пастроқ даражада турганлар топилади. Сиз қанчалик чиройли ва қимматбаҳо нарсаларни сотиб олманг, сизниandan-да, яхшироқ ва қимматроқ нарсаларни сотиб оладиганлар ҳам бор. Аммо унутманг, ўзгаларда бўлганлари ҳозир сизда бўлмаса эртага, албатта,



Таққослашларнинг охри ийқ.

бўлади. Бойликнинг ортидан қувманг. Борингиздан баҳраманд бўлинг. Ёдингизда бўлсин: ўзгарувчан дунёда ҳар доим сиз эга бўлган нарсадан-да, яхшироқлари мавжуд ва орзу қилганингиздан-да, афзали насиб қилиши мумкин.

86. Мустақил бўлинг, шахсий қарорларингизни ўзингиз қабул қилинг

Фақат маслаҳатларга таяниб қарор қабул қила-диган одамлар бор. Бу ақлнинг заифлиги ва ўзига ишонч йўқлигидан далолатдир. **Муаммоларингизни ўзингиз ҳал қилинг.** Тўғри, маслаҳат сўрашингиз мумкин, лекин якуний қарор сизники бўлиши керак. Ўз ҳаётини бошқаларга қарам қилган инсонлар ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайдилар. **Буюклик** ва муваффақиятга хавф-хатардан қўрқмай, мус-тақил қарор қабул қилишга тайёр бўлганларги-на эришадилар. **Буюк инсон бўлиш учун баъзида таваккал қилишингизга тўғри келади.**



Ўзингизга ишонинг.

87. Ўзгаларни қадрлашни ўрганинг

Одамларни яхши фазилатлари ва яхши амаллари учун қадрлашни ўрганинг. Уларни рағбатлантириш орқали ўзингиз учун соғлом мухит яратасиз. Ўзгаларда яхши хусусиятларни кўра олиш қобилияти киши кайфиятини яхшилайди. Қанчалик ёмон бўлмасин, ҳар кимда бирор яхши хусусият топилади.

Агар сиз раҳбарлик лавозимида фаолият юритсангиз, ходимларингизни кичик ютуқлари учун ҳам мактаб қўйинг. Яхши ходимларга уларни қанчалик юксак даражада баҳолашингизни айтиш имкониятини қўлдан бой берманг.



88. Юқорига үса туриб, оёғингиз ердан үзилмасин



Буюк инсон ҳамма учун хизмат қиласы. У қанчалик буюк бүлмасин, бойлиги, кучи нақадар күп ва мавқеи баланд бүлмасин, камтарлигини йүқтотмайды. Кишининг исми, шон-шарафи, пули ва кучи билан мақтаниши одобдан эмас. Бу нодонлик белгисидир. Моддий мақомингиз, номингиз,

давлатингиз ва мавқеингизни кўз-кўзлашга уринманг. Яратганга итоат қилинг. Буларнинг барчаси Парвардигорга тегишли, сизга эмас. **Мағрурлик ва такаббурлик жарликка олиб боради.**

Қайси даражада бўлишингиздан қатъий назар, ҳаммага, жамиятдаги ижтимоий келиб чиқиши ва

мавқеига қарамасдан тенг муомалада бўлинг. Бошқаларга ҳукмронлик қилишга ҳеч кимнинг ҳақки йўқ. Биз ҳаммамиз Яратганинг қулларимиз ва унинг олдида тенгмиз. Ҳақиқий буюклик мавқе, бойлик ёки мақомда эмас, балки шахсий фазилатлар, эзгу амаллар билан баҳоланади. Сиз дунё матоҳига ўткинчи сифатида қараган тақдирингиз-

Бахт сотиб олинмайди –
у бошдан ўтказилади.

дагина шундай даражага эриша оласиз. Эҳтимол, қуидаги иборани эшитгандирсиз: «Тожни кийишни истамайдиган кишигина хукumat учун мосдир». Худбинлик ва ўзингизни устун қўйишдан воз қечинг. **Яратганнинг иродаси билан унинг бандаси сифатида яшанг ва меҳнат қилинг.**

89. Ҳар бир ҳаёт қувончи учун Парвардиғордан миннатдор бўлинг

Биз кўп нарсадан баҳраманд бўлиш, исталган эҳтиёжимизни қондириш баҳтига мұяссармиз. Хусусан, яшашимиз учун уйимиз, кийиш учун кийим-кечагимиз, ичиш учун сувимиз, қувонч ва қайғуни бўлишиш учун оиласиз, мулоқот қилишимиз учун қўшниларимиз, тирикчилик қилиш учун ишимиз ва 70-80 ёшгача фаол ҳаёт кечириш учун соғлифимиз бор.

Лекин баҳраманд бўлаётган ана шу неъматларимиз учун миннатдор бўляпмизми? Агар Раббимизнинг инояти бўлмаса, бу ерда шу қадар кучли инфратузилмани яратишга кучимиз етармиди? Албатта, йўқ. Инсон Яратганга ҳамма нарса учун қарздордир. Шундай буюк раҳм-шафқат ва ғамхўрлик учун шукронга келтиришимиз керак.

Ҳаётимиздаги сон-саноқсиз неъматларни бизга бергувчи Зот ҳақида ўйламай яшаш – катта гуноҳ. Шу боис эртаю кеч тилларимиз ва дилларимиз Унинг зикри билан банд булмоғи лозим.

90. Ўзгаларнинг гап-сўзлари ва қилмишларини изоҳлашга ҳожат йўқ

Баъзилар бошқаларни тушунишни истамайдилар. Уларнинг фикрича, бошқаларнинг хатти-харакатлари уларга зарап етказиш ёки заифлаштиришга қаратилган. Ҳар қандай таклиф ёки шарҳни ўзларига шахсий ҳақорат ёки танқид деб қабул қиласидилар. Улар учун бундай сұхбатлар низо ёки жанжални бошлаш имкониятидир.

Инсон табиатидаги негатив инстинктлардан бири – ҳамма нарсани бегона ва янги таҳдид сифатида қабул қилишидир. Маҳариши Патанжали «Ёгасутра»да шундай дейди: «Шубҳа – ақлнинг табиий ҳолати». Аммо билим ва тафаккур бу табиий заифликни енгишга имкон беради. Кўпинча бу инстинкт кишида одамлардан ёки дунёдан ажралиб қолиш ҳисси туфайли юзага қелади. Масалан, биз дунёдан ажралиб қолдик, шунинг учун дунё бизга душман каби кўринади. Назаримизда доимо уруш олиб боришимиз керакдек ва фақат шу тарзда омон қолишимиз мумкиндек туюлади. Лекин аслида ҳам шундайми? Аслида, биз бир бутунмиз. Ҳаммамиз бир-биrimизга боғланганмиз ва Яратган Эгам тузган улкан режанинг бир қисмимиз. Бизнинг эҳтиёж ва мақсадларимиз умумий. Бир-биrimиздан фарқ қиласиз, аммо бу фарқлар ўхшашликларга қараганда камроқ аҳамиятга эга.

Одамлар билан мулоқот қила туриб, уларни сизга зарар етказмоқчи бўлган душман сифатида кўрманг. Аввал сұхбатдошнингизни яхши одам сифатида тасаввур қилинг. Фақат у ёмон эканлигини амаллари билан исботлагандагина фикрингизни ўзгартиринг.

91. Куч ўз-ўзидан келсин

Аксарият инсонлар юқори салоҳиятга эга бўла туриб, ҳаётда муносиб ҳаракат қилишмайди, чунки ўзларини етарли куч, ресурс ва қобилият борлигини билишмайди.

Шу нуқтаи назардан, ҳеч ким кела туриб: «Жаноб, шу ишда сизга ёрдамчи бўла оламан. Илтимос, қобилиятимни синаб кўринг», демайди. Ҳаммаси бошқача содир бўлади. Салоҳиятингизни кўрсатганингиздагина ишонишади, қолаверса, ўзингиз ҳам. Ўзингизда қобиятия борлигига ишонганингиз сари илоҳий куч ўз-ўзидан келаверади. Ўингизга ишонинг ва ҳаракат қилинг.

Катта ишларни амалга ошириш учун ўзингиздаги мавжуд ресурслар, куч ва кўникмаларингизни ишга солинг. Вақт ўтиши билан тўғри қадам ташлаганингизга амин бўласиз. Ёдингизда бўлсин: буюкликка фақат ўз кучингиз билан эришоласиз. Буюклик инсонга туғма қобиялит сифатида берилмайди, балки унга меҳнат билан эришилади.

92. Ташқи вазият тушкунлигингиз сабаби бўлолмайди

Кўпчилик тушкунлигига ташқи омилларни сабаб қилиб кўрсатади. Уларнинг фикрича, шароитлар ўзгармагунга қадар, улар баҳтли бўла олмайдилар. Бу стресс қонунларини нотўғри талқин қилишдир. Биз одамлар ва вазиятларни ўзгартира олмаймиз. Лекин бу ҳаётимизни стресс ҳолатида ўтказишимиз керак, дегани эмас. Юқорида таъкидлаганимдек, стресс ташқи вазиятлардан эмас, балки уларга бўлган му-

носабатлардан келиб чиқади. Сиз билан содир бўлган воқеалар руҳиятингизга таъсир қилмаслиги учун реакцияларингизни назорат қилишингиз керак. Фикрингизни ташки таъсирлардан ажратиб олинг. Вазиятларга қарши туринг. Ақлингиз ҳукмрон бўлсин, вазиятлар эса унга хизмат қилсин. Шундагина ақл ташки шароитларни назорат қиласди.

Вазиятлар стресс учун материалдир. Лекин улар стрессга олиб келолмайди. Қачонки, бу материал ақлни салбий кучи билан алгангалатгандагина стресс юзага келади. Демак, стресснинг асосий сабаби ақл. Ташки шароитлар иккинчи даражали сабабдир. Ақлимиз қўллаб-қувватламаса, ҳеч қандай вазият ва ҳолат бизни тушкунликка тушуролмайди. Агар атроф-муҳитни яхши тарафга ўзгартириш имконингиз бўлса, буни амалга оширинг. Ижобий муҳит стресснинг олдини олишнинг ажойиб воситасидир.

93. Кўнгилсизликлардан фалокат ясаманг

Ҳаётимизда жуда кўп кўнгилсиз ҳодисалар рўй беради, аммо уларни фалокатга айлантирамасак, улар салбий таъсир кўрсатолмайди. Ҳаёт қисқа, ўлим ҳақ, дунё фоний, аммо бу ҳақиқатдан даҳшат ясаманг. Дунёни борича қабул қилинг. Муаммолардан қочишга урунманг.

Маънан етук ва кўплаб ҳаёт бўронларини бошдан кечирган минглаб одамларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳаётда фалокат ёки чидаб бўлмадиган муаммонинг ўзи йўқ. Ҳар қандай муаммони енгиш мумкин. Майли, қайгули ҳолат учун афсусланинг



«ТУЗ!!! Туз қолмаган...»

ва барча керакли чораларни күринг. Аммо ҳаддан ташқари ташвиш ва қайғу жиддий муаммоларни олиб келади.

Агар муаммоларни ҳаддан ташқари жиддий қабул қылсак ва уларга нисбатан күпроқ аҳамият берсак, бу муаммолар ундан-да катталашади. Нима содир бўлганини онгли равишда баҳоланг. Ақлнинг чархи ҳар қандай муаммога ечим топади.

Бу инсон туз йўқлигини фалокатга айлантируди!


Содир бўлаётган воқеаларни ташқи томондан кузатиб турсангиз, вазият тасаввур қилганингизчалик даҳшатли эмаслигини тушунасиз. Шундай ҳолат сиз билан юзага келганда, ўзингиздан сўранг: «Бу ҳақиқатан жуда муҳим ва жиддийми? Асаб бузишимга арзийдими? Ҳаётимдаги олий мақсадимга тўскىнлик қиласиган нима содир бўлди? Бу вазиятда мен қандай ҳаракат қилишим мумкин?» Бундай саволлар ва фикрлар сизни кераксиз ташвишлардан халос қиласиди.

94. Қўйиб юборишни ўрганинг

Баъзилар ривожланиш ва баҳтнинг ягона йўли бу – юқори даражадаги муносабатларни боғлаш, максимал даражадаги ишларни бажариш, кўплаб мамлакатларга саёҳат қилиш ва ҳ.к. деб ҳисоблайдилар.

Афсуски, ҳаётининг охирига келиб, «максималистлар» хато қилишганига ишонч ҳосил қилишади. Уларнинг ҳамма нарсада максималликка интилиши охир-оқибатда ҳеч қандай маъно касб этмай қолади.

Аслида, баҳт тўплашда эмас, балки бериб юбориш ва ўзини озод қилиш қобилиятидадир. Яъни ҳамма нарсага эга бўлсангина баҳтли бўламан, деган хаёлдан воз кечиш керак. Аммо бу сизда мавжуд бўлган ҳамма нарсадан воз кечиб юбориш керак, дегани эмас. Сиз ҳамма нарсага эга бўлишингиз мумкин, бироқ мол-мулкдан тўғри, унумли



фойдаланишингиз лозим. Худди шу фикр нафақат ақлга, балки мол-мулкка асосланган ҳис-туйғуларга нисбатан ҳам айтилиши мумкин. Фараз қилинг, бирор нарса сизни безовта қилади, нимадир ёки кимдир рашкингизни келтиради ёки нафратингизга сабаб бўлади. Бу ҳис-туйғуларни сувга ташланган тош каби денгиз тубига чўкиб кетишига изн беринг. Улардан озод бўлинг.

Буюмлар ва ҳис-туйғуларга қарамлик кишини заиф қилиб қўяди. Улардан кутулиш озодлик ва енгиллик келтиради. Бирор нарсага қаттиқ боғландингизми, дархол фикр ва ҳаракат эркинлигини йўқотасиз. Эҳтирослар фикрлаш қобилиятингиз ва хатти-ҳаракатларингизни бошқаришни бошлайди. Ҳақиқатни борича қабул қилиш қобилиятини йўқотасиз. Ҳақиқатни рад этиш эса адолатсизлик ва ноўйғунликни келтириб чиқаради.

95. Ўзингизни ёлғиз сезмаяпсизми?

Зерикмаяпсизми?

Ёлғиз одам – ўзини танимайдиган, қабул қилолмайдиган, фақат ташқи вазият ва бошқалар билан ўралашиб қолган кишидир. Бундай кишилар ўз фикрини ёки хаёлларини нима биландир машғул қилмаса зерикиб қолишади. Зерикиш бирор нарсага эга бўлиш истаги ёхуд шу нарсанинг йўқлигидан келиб чиқади. Улар қувончни ташқи муҳитсиз ҳам бошдан кечириши мумкинлигини тушунмайди.

Бахтнинг бошқалардан ёки буюмлардан ташкил топиши хаёлийдир, чунки бу дунёда ҳеч нарса сиз билан абадий қолмайди. Бир куни ҳамма нарса сизни тарк этади, (ёки ўз танловингиз, ёки мажбу-

рий равища) ёлғиз яшашга мажбур бўласиз. Ҳаётда ўзимиз билан ўзимиз ёлғиз қолиш ҳолатлари камдан-кам учрайди.

Агар сиз ёлғиз қолиб фикрлашни билмасангиз, демак, ўзингиз билан ҳали келиша олмадингиз. Ичингизда ёлғиз қолганингизда сизни безовта қиласидиган кўплаб низолар бор. Бунинг олдини олиш учун сиз ташқи объектлар билан шуғулланишга ҳаракат қиляпсиз. Ички жараёнларни чалғитиш учун эътиборингизни уларга қаратмоқчисиз. Лекин бу ҳақиқий муаммолардан қочиш ва бошингизни қумга яшириб олиш билан teng. Бундай хатти-ҳаракатлар абадий тинчлик ва хотиржамликни таъминламайди. Бу лабиринт атрофида адашиб айланиб юриш, деган гап.

Эртами-кеч, ўзингиз истаган ҳаловатни топиш учун ўзингиз билан келишиб олишингиз лозим. Ўз-ўзингиздан қочиш хотиржамликни кафолатламайди. Аксинча, бундай хатти-ҳаракатлар хотиржамликни қўлга киритишга ҳалақит беради. Энг муҳи-



ми, ўзингизни севиши ва ўзингиз билан яшашни ўрганинг. Агар ички мажароларни бошдан кечираётган бўлсангиз, уларни ҳал қилишга ҳаракат қилинг ва улардан қочманг. Ёдингизда бўлсин: фақат сизнинг «Мен»ингиз ҳар доим сиз билан бўлади – қолган ҳамма нарса вақтингчалик. Охир-оқибат, ҳатто катта оломон ичида ҳам ёлғиз қолишни ўрганасиз. Атрофингиздаги одамлар билан ёлғиз яшаётганингизни ҳис қиласиз.

Барчамиз жамиятга интилишга ўрганиб қолганимиз. Ёлғизликда қолишдан қўрқамиз, гарчи ёлғизлигимиз ҳақиқат бўлса-да. Биз бу дунёга ёлғиз келамиз, ёлғиз яшаймиз ва уни ёлғиз тарк этамиз. Атрофида юзлаб, минглаб одамлар ўраб олган бўлса ҳам, инсон доимо ёлғиз, шундай эмасми? Ёлғизликни қабул қилинг, тушунинг, уни бошдан кечиринг. Ҳар куни сиз бутун дунёда ёлғиз ўзингиз яшаётгандек яшанг. Сиз эр ҳам эмассиз, рафиқа ҳам эмассиз, ота ҳам, ўғил ҳам эмассиз, ўқитувчи ёки талаба ҳам эмассиз, эркак ёки аёл ҳам эмассиз. Сиз фақат сиздирсиз.

96. Сизни рад этишса ёки маъқуллашмаса, хафа бўлманг

Шундай инсонлар борки, улар ўзларининг ишлари ёки фикрлари ҳисобга олинмаган ёки тасдиқланмаган тақдирда қаттиқ хафа бўлишади. Ўзларини фойдасиз ва кераксиз деб ҳисоблай бошлайдилар. Депрессия ва умидсизликка тушиб қолишади.

Бу хато. Ҳар доим сизни рад этган инсон ҳак, сиз эса ноҳақ дегани эмас. Сизни рад этган киши сиз ва фикрингизни баҳолаш учун керакли малакага эга бўлмаслиги мумкин. Балки душманлик қилаётган-

дир, рашк ва ҳасад билан сизни енгишга уринаётгандир. Хўш, шундан кейин ҳам нима учун сиз унинг баҳоси тўғри деб ўйлашингиз керак?

Сиз бу рад жавобларини бошқа бирорнинг фикри деб ҳисобланг. Сизнинг фикрингиз бошқаларнига мос келмаслиги туфайли кўнглингизни чўктирунганг. Бирор киши сиз ёки сизнинг ишингиз ҳақида ўз фикрини билдирганда, у умуман сиз ҳақингизда эмас, балки ўз сўзлари орқали фақат ўзининг диди ва ақлий ҳолати ҳақида кўпроқ гапиради.

Бошқаларнинг нуктаи назари ва фикрига ортиқча аҳамият берманг. Бир дам тўхтанг ва ўзингизни қадрланг. Ўз фикрингизни шакллантиринг. Агар сизда яхшироқ томонга ўзгаришга имкони бўлса, буни амалга оширинг. Агар бошқаларнинг сўзларини адолатсиз деб ҳисоблассангиз, уларга эътибор берманг. Уларни унутинг ва уларга такрор ва такрор қайтманг.

97. Сўзларингиз ва ҳаракатларингизда худбинликдан йироқ бўлинг

Шундай инсонлар борки, бутун суҳбат фақат ўзлари атрофида айланади: «Мен...», «Менга...», «Менда...», «Мен буни қилдим», «Мен буни яхши кўраман», «Мен буни қила оладиган ягона одамман!» ва ҳоказо шунга ўхшаш фикрлар. Уларнинг гапига қараганда, бутун дунё фақат улар атрофида айланади ва дунёда улар ва уларнинг ютукларидан ўзга ҳеч нарса йўқ.

Аслида, фақат ўзингиз ҳақингизда гапириш ва ўйлаш онгнинг торлиги ва ривожланишнинг паст даражада эканини англатади. Бу одатимиз ва феълимиз билан инсон деган шарафли мавқедан анча пастга

тушиб қоламиз. Энг ёмони, дунёдан ажраб, ёлғизла-
намиз, атрофимиздагиларнинг ғашига тегамиз.

«Ўзингизни Яратганинг осий бандаси, қули деб
ҳисобланг. Сиз бошқалардан фарқ қилмайсиз. Биз-
да умумий эҳтиёжлар ва умумий мақсадлар мавжуд.



«Мен бу қўмитанинг раиси эдим...»

«Мен бу шини қилган биринчи инсон эдим...»

«Мен бу шини амалга ошира оладиган ягона инсонман!»

Ҳаммамизнинг Яратувчимиз бир. Биз умумий ман-
фаатлар йўлида турли ишларни амалга оширамиз,
холос. Жамият ва инсониятнинг фаровонлиги ҳақи-
даги ўй-фикрлар онгни кенгайтириш ва ҳақиқий
мақсадга эришиш белгисидир. Шахсий манфаатлар
учун худбинларча ҳаракат қилиш инсонийликдан
эмас. Бундай хатти-ҳаракатлар ҳаётнинг мақсади-
ни дарз кетказади. Иродангизни тобланг. Ўзингиз,

қизиқишиңгиз ва муаммоларингиз ҳақида гапириш васвасаси пайдо бўлганда, ўзингизни бундан тўхтатинг. Фақат ўз манфаати учун яшаш ва ишлаш худбинликдан ўзга нарса эмас.

98. Сиз билан можарога борган инсон даражасига тушманг

Шундай вазиятлар бўладики, одамлар ўзларининг паст инстинктлари ва заарли одатлари таъсирида сиз билан ҳеч қандай сабабсиз зиддиятга киришадилар. Бундай вазиятда ҳар қандай одамнинг автоматик реакцияси уйғонади, яъни зарбага зарба бериш ва зиддиятни қўзғатувчи кишининг айборлигини исботлашга киришади. Аммо рақибингиз ўзининг паст даражаси таъсирида ҳаракат қилди. Ундаайларга ҳар қанча тушунтиришга уринманг, ҳаракатларингиз бесамар кетади. Уни факат ғазаблантирасиз. Бунда зиддият йўқолмайди, балки янги куч билан янада оловланади.



Бундай вазиятда нима қилиш керак? Сиз бу тоифадагиларнинг шундай феъл-атворга эгалигини, улар ўзларининг паст даражали инстинктлари ва табиатининг қули эканини тушунишингиз керак. У билан тенглашиб ўтиришингизга арзимайди. У асабийлашган ва ғазабланган аҳволича қолсин, сиз унинг онги учун жавобгар эмассиз.

У билан жанжални давом эттирангиз, унинг дарајасига тушиб қоласиз. Ундан қила қўрманг! Ўз дарајангизни сақлаб қолинг. Бундай ҳолларда энг яхши усул душманни эътиборсиз қолдиришdir. У ҳакида ўйлаб, у билан жанжаллашиб, унга нолойик бўлган эътиборни берманг. Агар у сизнинг салоҳиятингизни баҳолашга қодир бўлса, бу мантиқсиз жанжални бошламаган бўларди. Унга ниманидир тушунтириш мантиқ ва фалсафа қонунларини жониворга тушунтиришга ўхшайди. Вазиятдан чиқишнинг энг яхши йўли – мажарони давом эттирмаслик, унутиш ва куч сарфламаслик. Мунозарани бошлашдан аввал бу мулоқот учун вақт ва энергия сарфлаш керакмикан, деб ўйлаб кўринг. У ва унинг фикри сиз учун аҳамиятга эга эмас. Ҳар қандай қарама-қаршилик ва зиддият бесамар вақт ва куч сарфлашdir.

Биласизми, салбий ва ижодий ҳаракат учун мукофот ёки тўлов амалга оширилади. Бу илохий адодлатdir. Ҳеч нарса изсиз кетмайди. Шунинг учун ҳаётингизни бошқаларга дарс беришга сарфламанг. Сиз ривожланиш йўлингизни топишингиз, ҳеч қандай низо ва жанжаллар йўлингизга тўскىнлик қилмаслиги керак.

99. Мукаммаллик ва идеализмга ружу қўйманг

Аксарият инсонлар мукаммалликка интиладилар, бироқ унга эриша олмагач, стрессга тушадилар.

Унутманг: бу дунёдаги мукаммаллик фақат Яратганга хос! Биз инсонмиз ва табиатан номукаммалъярланмиз. Қайси даражага эришмайлик, биз доимо хато қиласиз. Ўз навбатида, янги кўнижмалар эгаллаш ва уларни амалда синаб кўриш орқали камчиликларимизни камайтиришга уринамиз.

Баъзан ҳар қандай муаммо фақат битта мукаммал ечимга эга, дея даъво қиладилар. Бу хато фикр. Кўплаб муносиб ечимларни топишга эътибор қаратиш



«Мен ишичиларимдан фақат мукаммал ишини талаб қиласман, аммо бу талаб менга тааллукли эмас».

керак. Мукаммалликка интилиш мұқаррар стрессга олиб келади. Биз инсонмиз, қанчалик урунмайлик, барибир қаердадир хато қиласыз. Лекин бу хатолардан керакли сабоқ оламиз, ўрганамиз ва хатоларни түғрилашга уринамиз. Хатоларни тақорламаслик ва уларни түғрилаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.


Хатолар – инсон учун тажриба мактаби. Уларда ғайритабиий ёки жиноий ҳисобланган ҳеч нарса йўқ. Хатоларни яшириш ёки улардан уялиш керак эмас. Улардан сабоқ олиб, шу орқали шаклланиб, бир босқичдан иккинчисига ўтилади. Ҳеч қачон бир нуқтада тўхтаб қолманг. Ҳаётингизнинг барча жабхасида ривожланинг, ўсинг ва олдинга интилинг. Агар биз ўз хатоларимиздан хулоса қилмасак, улар билан боғлиқ билим ва кўникмаларимиз бехуда кетади.

100. Муроса қилишни ўрганинг

Ҳар бир инсон ўз истакларини амалга ошириши, дунё унга нисбатан яхши ва адолатли бўлишини, одамлар унга мулоим ва ҳурмат билан муносабатда бўлишларини, унинг нуқтаи назари ҳамиша эътиборга олинишини истайди.

Афсуски, дунё бундай эмас ва ҳеч қачон бундай бўлмайди. У жуда мураккаб, бирорнинг истакларини бажариш ёки эҳтиёжларни қондириш учун мослашмаган. Дунё маълум бир схемага ва илоҳий қонуларга мувофиқ ишлайди, у бизнинг истакларимиз ва талабларимизга доим ҳам «хўп» деёлмайди.

Унутманг, биз назорат қилолмайдиган вазиятлар ва кучлар мавжуд. Буни тўғри қабул қилишимиз ва



чекловларга ҳурмат билан қаражимиз керак. Назорат қилиш ва ўзгартириш мумкин бўлмаган нарсаларга қарши курашиш ўрнига, келишиб, муроса қилишни ўрганинг. Муроса қилиш – заифлик, қуллик ёки бўйсуниш белгиси эмас. Муросага келиш учун можаро қилишга қарагандা анча кучли ирода ва ахлоқий эстетика талаб этилади. Ҳаракат қилинса, ҳамма бунинг уддасидан чиқа олади.

101. Ўзгалар фикрини ўзингиздан устун қўманг

Ўзгалар фикрини ўзлариникидан юқори баҳолаш – стресснинг асосий манбаидир. Шу билан бирга, бироннинг фикрини қанчалик тўғри ёки нотўғри эканини билиш биз учун муҳим эмас. Биз рад этишларини қабул қила олишимиз керак. Бошқаларнинг фикридан қўрқиш ўзига нисбатан ишончсизликдир. Бошқаларнинг фикрини ўзимиздан устун қўйиб,

қандай стрессни бошдан кечираётганимизни ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз.

Бирор учун яхши кўриниш ёки бошқача таассурот қолдиришга уринишингиз билан сиз том маънода баҳтингиз «калитини» ўз қўлингиз билан бегонага совға қилган бўласиз. Унинг қўлида қўғирчокқа айланасиз. Бошқача қилиб айтганда, ўзингизни қулга ёки баҳт-саодати бошқаларнинг раҳм-шафқатига боғлиқ бўлган тиланчига айлантирасиз.

Унутманг, баҳтингиз ўзингиздан бошқа ҳеч кимга боғлиқ бўлиши керак эмас! Ўз эҳтиёжингиз учун бирорни орқа қилмай, ўзингиз ҳаракат қилинг. Ҳаракатларингиз ўзингизга кувонч келтирсин. Кимдир келиб, ишингизни қадрлашини, кувончинингиздан баҳра олишини кутманг. Ўзгалар фикрига жиддий аҳамият берманг. Шу билан бирга, улар сизни адолатли баҳолаяптими-йўқми, бу ҳам муҳим эмас. Чунки кўпчилик ҳатто сизнинг мавжудлигинги ҳақида



хеч қандай тасавурга ҳам эга эмас. Фақат ўзингиз ўзингизни қай даражада баҳолашингиз аҳамиятли. Бошқалар фикрини объектив қабул қилинг. Агар уларни зарур деб ҳисобласангиз, ўзингизни таҳлил қилишингиз ва баъзи тузатишларни амалга оширишингиз мумкин. Айтайлик, агар сизда муайян заифликлар борлигини сезсангиз, бу сизни безовта қилмаслиги керак. Негаки, турли қиёфага эга дунёмизда барча одамлар бир-биридан фарқли ва бунда ғайритабиий нарсанинг ўзи йўқ. Баъзи соҳаларда сиз муваффақият қозондингиз, бошқаларида эса заифлик қилдингиз. Бунинг хафа бўладиган жойи йўқ. Ҳаётда ҳар томонлама мукаммалликка эришиш мумкин эмас.

102. Ҳаёлларингизни тез ва онгли равишда ўзгартиришга ўрганинг

Кайфият ақлимиздаги фикрларга боғлиқ. Агар сиз фикрларни ўзгартирсангиз ва бошқа нарсалар ҳақида ўйлашни бошласангиз, кайфият ҳам ўзгаради.

Мана оддий формула. Ҳавотирланиб туриб, ёқимили нарсалар ҳақида ўйлашни бошланг. Ташвиш ҳисси дарҳол ўтиб кетади. Айтайлик, ётоқхонада яшовчи ўғлингизнинг соғлиғи ҳақида ташвишланяпсиз. Ҳавотирли фикрлардан ўзингизни чалғитиб, тугатишингиз зарур бўлган ишларга ўтинг. Қайғуриш ҳисси дарҳол қўйиб юборади, чунки ақл турли нарсалар ҳақида бир вақтнинг ўзида фаол равишда ўйлай олмайди. Бир нарсани ўйламай туриб, у ҳақида ташвишланишнинг имкоҳи йўқ.

Миянгизни ёқимли ва қизиқарли ўй-хаёлларга алмаштириңг. Яхши мусиқа тинглашни бошланг, руҳан


мадад берадиган китоб ўқинг, яхши фильм томоша қилинг ёки шунчаки, хиёбон бўйлаб сайр қилинг. Яқин дўстингиз билан сухбатлашишингиз ҳам яхши фойда беради.

103. Бахтсизликларда ҳам ўсинг, ривожланинг

Аксарият одамлар тақдир зарбаларидан сўнг ҳаётiga қўл силкайдилар. Тушкунликка тушиб, иложсиз бўлиб қоладилар, гўё уларни энди ҳеч нарса қизиқтирмайди. Фожианинг ҳиссий таъсири инсон онгида сакланиб қолар экан, у баҳтсиз бўлиб қолаверади. Ҳаётининг фойдали онлари беҳудага сарфланади.

Бахтсизлик – ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Сиз уни ёқтирасизми ёки йўқ, у сиз ва яқинларингиз билан содир бўлаверади. Бу Яратганинг иродаси, инсон бундай вазиятда ожиз. Вақти-вакти билан бошимизга тушадиган қийинчиликларда ғайритабиий нарса йўқ. Депрессияга тушиш ўрнига, кўнгилхираликларни қабул қилиш ва уларни енгишга ўрганинг. Кўпчилик баҳтсизликка дош беролмай стрессга тушади ва бу ҳолат узоқ вақт давом этади.

Ҳаётингизда пайдо бўлган бу баҳтсизликнинг ортида хайрли иш борлигига ишонинг, шунда уни бошдан ўтказиш, енгиб ўтиш ҳам осон



кечади, тезрок ўзингизга қайтасиз. Фожиаларнинг оқибатларига кўникинг ва аввалгидек яшашда давом этинг. Дунёнинг ягона ҳақиқати – ўзгаришлардир. Ўзгаришларни тўхтатиб бўлмайди. Ҳаёт дарёга ўхшайди, у эркин ва ўзига қулай ҳолда оқади. Уни тўхтатиш инсониятнинг қўлидан келмайди. Фақат қўйидаги оддий формула билан яшашга одатланинг: «Тан олинг, кўникинг ва давом этинг».

104. Умр йўлдошингиздан қўп нарса кутманг

Турмуш ўртоғингиз ҳам сизу биз каби ижобий ва салбий хислатларга эга. Умр йўлдошингиздан мукаммал хулқли идеал инсонни қидирманг. Инсон сифатида турмуш ўртоғингизнинг ғалати одатлари бўлиши ёки аҳмоқона ишлар қилиши мумкин. Унинг энг яхши фазилатларини уйғотишга ҳаракат қилинг. Шу билан бирга, муросага келишни ҳам ўрганинг. Сабр-тоқатли бўлинг, сизни безовта қиласидиган фазилатларига ижобий томондан қаранг ёки уларга эътибор берманг. Бу фожиа ясайдиган ҳолат эмас. Ҳар бир инсоннинг бир-биридан ажратиб турадиган ўзига хос феъл-автори бор. Сизнинг вазифангиз – турмуш ўртоғингизда сизни безовта қиласидиган фазилатларни келтириб чиқараётган омилларни бартараф қилиш.

Агар турмуш ўртоғингизни ёмон одатлардан кутқаришни истасангиз, насиҳат қилманг, жанжаллашманг. Бунга фақат битта йўл билан эришиш мумкин – бошқа инсонни ўзгартиришга уринмасдан ўзингизни ўзгартиринг. Бирор киши ўзгаришни хоҳламаса, ҳеч ким уни мажбурлаб ўзгартира олмайди. Фақат ўз хатти-ҳаракатларимизни ўзгартириш орқали бошқа-



ларнинг ўзгаришини кутишимиз мумкин. Можаролар, жанжаллар, танқидлар бу борада ёрдам бермайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, низолар фақат эски одат ва салбий хусусиятларни кучайтиради.

Турмуш ўртоғингизга юқори талаблар қўйманг. Асоссиз саволлар берманг. Бир-бирингизга кул ёки хизматкор эмассиз. Бир-бирингизни қўллаб-қувватланг ва бахтли бўлишга интилинг. Иккингиз ҳам барқарор ва қувонч келтирадиган муносабатлар қуришга масъулсизлар. Жуфтининг заиф томонларини ўзининг яхши фазилатлари билан тўлдириш бахтли оиланинг муҳим сиридир.

Бунга фақат ҳамкорлик, ўзаро муроса, бағрикенглиқ ва ҳурмат орқали эришиш мумкин. Агар жуфтлик бир-бирини тушунмаса, муросага тайёр бўлмаса, вазиятни юмшатиш, муаммоларни босиклиқ билан муҳокама қилишни кейинга қолдириш керак. Вақт ҳамма нарсанинг ечимидир.

105. Бир кун билан яшанг, шошилманг

Хаётингизнинг бугуни билан яшашга ҳаракат қилинг. Кеча нима бўлганини ва эртага нима содир бўлиши мумкинлиги борасидаги ташвишларингизни унутинг. Фақат бугунги кун муаммолари ҳақида ўйланг ва ҳал қилинг. Кеча ва эртанги кун билан боғлиқ муаммоларни бирлашиб бўлмайди. Фақат хаётингизни кичик бўлакларга бўлиб, ўтмиш ва келажакка чалғимасдан, фойдали нарсага эътибор қаратинг. Шу тарзда хаётдан ҳақиқий маънода завқ оласиз. Ақлингиз ҳам ўтмиш, ҳам келажак учун банд бўлса, бугуннингиз мазмунли ўтмайди.

Хатто кунни соат ва дақиқаларга бўлиб, ҳар бир дақиқадан завқ олишни ўрганинг. Бу қувонч ва муваффақият калитидир.



106. Хаёлларингизга дам беринг

Онгимиз бир дақықа ҳам түхтамай бир фикрдан иккінчисига ўтаверса, доимий зўрикиш содир бўлади. Бундай фикр юритиш аста-секин одатий ҳолга айланиб, хаёллар тарқоқлашади. Киши ташвишланаған ҳеч нарса бўлмаса ҳам, бунинг учун бирор сабаб топади. Негаки, дам олишсиз зўрикиш билан ишлаган мия танаффус ва бўшашишни билмайди.

Онгнинг тезлиги вақтнинг бирлигига кирадиган фикрлар сони билан белгиланади. Онгни секинлаштириш эса бир вақтнинг ўзида фикрлар сонини камайтиришни англатади. Сабрсизлик, шошқалоқлик, умидсизлик каби салбий ҳис-туйғулар кишини «бомбардимон» қилаётганида, ақлнинг тезлиги, айникса, стресс даврида юқори бўлади.

Ақлнинг юқори тезлиги – унинг заиф ва назоратсиз ҳолатидир. Назорат остидаги ақл факат битта фикр ёки истакка қаратилган бўлади. У бошқа фикрларга киришга руҳсат бермайди. Зарурат даврида эса ақл барча фикрлардан бутунлай озод бўлиши мумкин.

Ақлнинг тезлигини камайтириш учун факат муайян вақт ичиде банд бўлган нарсаларга эътибор қартишингиз керак. Ўтмиш ҳақида ўйламанг ва келажак учун хавотирланманг. Ҳозирги ҳаёт билан яшанг. Вақтдан ошиб ёки ундан орқада қолмоқчи бўлганингизда, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак ҳақида бир вақтнинг ўзида ўйлаётганингизда ақлнинг тезлиги ошади. Фикрлашнинг бундай йўли ҳаракатларингизга салбий таъсир кўрсатади.

Бирор иш билан машғул бўла туриб, одатда, дам олишдан баҳраманд бўладиган вақт ҳақида ўйлаймиз. Бундай фикрлар бизни ҳозирги ҳолатни эъти-



Агар ўзингиз
изн бермасангиз,
хеч ким сизни
бахтсиз қила
олмайди.

борсиз қолдириб, бажа-
раётган ишимизни ортга
суришга сабаб бўлади.
Келажакка йўналтирилган
шошқалоқ ақл шу ерда ва
ҳозир юмушимиздан мам-
нун бўлиш, роҳатланишга
имкон бермайди. У доимо
ҳаяжонли ҳолатда бўлади.

Ақлни секинлаштириш
ва муайян фаолиятга эъ-
тибор бериш орқали сиз
учун авваллари зерикарли
туюлган энг оддий ва кун-
далик ишларни ҳам бахт ва қувонч манбаига айлан-
тирасиз. Энди сиз фикрлаш тезлигини пасайтириб,
атрофингизда содир бўлаётган барча ҳодисаларга
эътибор қаратса бошлайсиз. Илгари буларни маж-
бурий қабул қилардингиз ва атрофингизда содир
бўлаётган ҳодисалар сизни умуман қизиқтирмасди.
Энди эса ҳаммаси қизиқ ва ёқимли туюла бошлай-
ди. Агар бажараётган ишимиздан завқ олишни ис-
тасак, шошқалоқликдан воз кечишимизга тўғри
келади. Ҳар бир машғулотингизга, у қанчалик зе-
рикарли ва оддий кўринмасин, алоҳида эътибор бе-
ринг. Кичик деталларгача аҳамият беришни ўрган-
май туриб, катта ишларга қўл ура олмайсиз, чунки
ўзингизда шаклланган одатларга қарши кураш кўп
вақт талаб қиласди.

107. Сұхбатларингиз асабийлик ва юракда оғриқ билан яқунланмайдими?

Күпинча одамлар сұхбатни самимият билан бошлаб, бироздан сүнг күз олдингизда бутунлай үзгариб қоладилар. Ҳар бир тараф сұхбатдошига устунлигини исботлаш ва ҳеч қандай маълумот алмашмасдан, низолашиб қолышади. Бунинг сабаби, одамлар фойдали фикр алмашиш ўрнига, худбинниклари орқали кўпроқ манфаат топишга уринишади.

Аслида, сұхбатнинг асосий мақсади бир-биридан устунлигини исботлаш эмас, балки фойдали фикр алмашиш эканини ёдда тутсак, оддий сұхбатларни хотиржамлик билан тугатиб, үзимизни юрак оғриғидан асраймиз. Агар сұхбат давомида үзингиз ёки сұхбатдошингизнинг ғазаблана бошлаганини сезсангиз, нуктаи назарингиз қанчалик мантиқий бўлмасин, сұхбатдан тўхтаганингиз маъқул. Сизга



фақат фойдали ва маълум бир натижага олиб келадиган самарали мунозаралар керак.

Агар мунозара, низо ва суҳбатга сарфлаган вақтингиз ва кучингиз самарасиз ўтишини сезсангиз, унда қатнашманг. Пассив даражадаги тингловчига айланинг ва биринчи имконият туғилиши билан муносабатни тўхтатинг.

108. Муаммоларингизни галма-гал ҳал қилинг

Атрофимизни кўплаб муаммолар ўраб туради. Агар бир вақтнинг ўзида ҳамма муаммоларни ўйлашни бошласак, аклимиз дош беролмай тўхтаб қо-




«Муаммолар»

ламиз ва ҳеч бирини ҳал қилолмаймиз. Бунда түғри ёндашув қуидагича бўлади: муаммолар рўйхатини тузинг, энг муҳимини танланг ва биринчи бўлиб шу муаммони ҳал қилинг. Бироз муддат қолганларини унутинг. Биринчисини ҳал қилиб, кейингисига ўтинг. Муаммолар ечимини бу тарзда ҳал қилиш руҳингизни енгиллаштиради. Нихоят, ечимини кутиб турган муаммоларни ҳал қилганингиздан хотиржамликни ҳис қила бошлайсиз.

109. Онгингиз бўшаб қолишига ўўл қўйманг

Баъзи инсонлар ҳаётларини фақат иш учун яратилгандек ўтказадилар. Улар учун ҳаёт кечиришдан мақсад барибир, бир кун келиб ҳаётни тарк этишdir. Яратган бизни фақат туғилиш ва ўлиш учун яратма-





Бошқаларни
бахтли қилиш-
нинг энг яхши
усули – ўзин-
гизни бахтли
қилишdir.

ган. Ҳаётимизни эзгу ишлар билан мазмунга тўлдириш, тақдиримизга ёзилган синовлардан ёруғ юз билан ўтиш каби асосий вазифаларимиз бор.

Фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда олдингизга қисқа ва узок муддатли мақсадлар кўйинг. Мақсадларингизга эришиш йўлида меҳнат қилишни бошланг.

Қисқа ва узок муддатли мақсадлар ҳаётнинг энг юқори мақсадига эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади, ўз-ўзингизни англаш сари етаклайди. Ўйларингиз ҳам ҳаракатларингиз ҳам, гап-сўзларингиз ҳам доим бир мақсадга қаратилган бўлсин. Йога мақсадсиз фаолиятни қоралайди. Мақсадсиз бўшаб қолган онг ёт қарашлар ва фикрларнинг курбонига айланади.

110. Ўзингизни муаммо ва кўнгилсизликлар ичида тасаввур қилманг

Баъзи инсонлар келажакдаги қийинчиликлардан ташвишланиб, кўп вақт сарфлашади. Улар қандай қилиб даҳшатли ҳодисалар содир бўлишини тасаввур қиласидилар. Ёдингизда бўлсин, муаммолар пайдо бўлдими, уларни ҳал қилишга киришинг. «Агар саратон касалиға чалинсам нима бўлади?» «Агар болаларим кексаликда мени ташлаб кетишиша, нима қиласман?» «Агар ишимни йўқотсан ҳолим

нима кечади?» деган хаёллардан воз кечинг. Хаёлин-гизда кечаётган асоссиз ташвишлар 99 фоиз ҳолатда ҳеч қачон содир бўлмайди. Улар шубҳали онг ва кўркувнинг маҳсулидир.

Мабодо бирор кўнгилсиз ҳодиса содир бўлган тақдирда ҳам, уни ҳал қилиш ёки енгиб ўтиш учун ўзингизда куч топинг. Ҳеч қандай муаммо сиздан кучли эмас. Энг қийин вазиятда ҳам ёлғиз эмасиз. Қаерда бўлманг Яратган доим сиз билан бирга. Бутун дунё сизга қарши бўлиши мумкин, лекин У сизни ҳеч қачон тарк этмайди. Кўнглингизни чўктирманг ва умидсизликка тушманг. Муаммоларни вақтида ҳал қилинг. Келажакда нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйламанг.



111. Хавотир вақтида апатияга тушиб қолманг

Қийин вазиятларда аксарият инсонлар апатия ҳолатига тушиб қолишиади. Бунга танқидлар, ҳақоратлар, киноя, ишдаги муваффақиятсизлик ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.

Кайфиятингиз меъёр ҳолатга келгунича истанг-истаманг, фаолиятингиз секинлашади. Апатия инсонга зарар келтиради, ҳаётнинг қимматбаҳо онларини бехуда сарфлашингизга мажбур қиласи.

Ўзингизга келганингизда эса ҳаётингиз одатий йўлига қайтади, лекин йўқотган вақtingиз ортга қайтмайди. Қанчалик кўнглингизни оғритишмасин тушкунликка тушманг, ҳаётингиз тўхтаб қолмасин. Шундай вазиятларда «Мен ҳаммадан кучлиман ва ҳаётим қийматига ҳеч нима арзимайди!» деб ўзингизни ишонтиринг. Кайфиятингиз бўлмаса-да, кунлик иш коэффициентингизни тушурманг. Кайфия-



тингиз иш самарадорлигига ҳисса қўшмаса ҳам, ишлашда давом этинг. Иш кайфиятни яхшилашга ёрдам беради: онгни чалғитиб, кўнгилсизликлар ҳақидаги ўйларингизни бартараф қиласди. Апатия ҳолатида эса хаёлимизга бу фикрлар қайта-қайта келаверади.

Истайсизми ёки йўқ, келгуси ҳафта, келгуси ой ёки келгуси йилда ўтмишда содир бўлган бу ноxуш ҳодисани барибири унутасиз, чунки у бошқа, янги воқеалар билан алмаштирилади. Шундай экан, нима учун бу воқеаларни тезроқ унутмаслигингиз керак? Нима учун ўзингизни яхши хаёллар билан чалғит-маслигингиз керак?

112. Шикоят ва ҳақорат қилманг

Атрофимизда доимо нимадандир шикоят қиласдиган ёки жанжал чиқарадиган инсонлар кўп: «Менга ёқмади! Бу иш амалга оширилмаган! Бу нотўғри! Хатони қилаётганингизда мендан сўрамагансиз!» дегувчилар бисёр. Бу каби норозиликлар рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин. Бундай инсонларда ҳар қандай киши ёки вазиятга нисбатан шикоятлар, эътиrozлар топилади. Бундай одамлар камдан-кам ҳолларда яхшиликни қадрлашади. Улар учун кўнгилдагидек уddаланган ишнинг ўзи йўқ. Улар яхшиликни тезда унтишади. Доим ҳаётнинг салбий томонига эътибор беришади. Фақат шикоятлар, шикоятлар, шикоятлар... Уларнинг бундай муносабати, аввало, ўзларининг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Доим бир нарсадан нолийвериш ахийри шу нарсанинг ростдан ҳам ёмонлашишига, орқага қараб сурилишига сабаб бўлади.

Доимги жанжаллашиш ва ғазабланиш ўрнига, ҳаётга ва унда содир бўлаётган воқеаларга муносабатингизни ўзгартиринг. Биринчидан, ўзгаларнинг меҳнатларини, яхшиликларини қадрлашни ўрганинг. Иккинчидан, хатолар ва камчиликларни объектив равишда баҳоланг. Агар бу иш билан боғлиқ бўлса, ундаги камчиликларни ёзма равишда, босиклиқ билан тушунтириш тавсия этилади. Ҳар қандай хато тузалиши мумкин. Уларга ҳаддан ортиқ руҳий куч ва ҳис-туйғуларингизни сарфламанг. Ҳеч ким сизнинг хизматкорингиз эмас. Хатоси ёки ноҳақлигини уқтириш учун тўғри йўл танлашингиз керак, холос.

Муаммони шахсий можарога айлантириш орқали муносабатларни бузиш ярамайди. Агар қарши томон сўзларингизга эътибор бермаса, бу ҳақда раҳбариятга ёзинг. Асабийлашиш ўрнига тинч сухбат қуриш ва табассум қилиш мўъжизалар яратишга қодир. Ёдингизда бўлсин, ҳаётдаги мақсадингиз бошқаларни



тузатиш, уларни нотұғри хатти-харакатлар учун жазолашдан иборат әмас. Адолат ва дунё тартиби билан боғлиқ масалалар Яратғаннинг измидадир. Сизнинг мақсадингиз – ўз ишиңгизни бажариш ва барча түсіккларни (одамлар ёки вазиятлар шаклида) енгіб үтиш. Рақибингиз қанчалик ёмон бўлмасин, зиддият ва жанжаллар уни ижобий томонга ўзгартирмайди. Дипломатик йўлни топишингиз ва тўғри мулоқот усусларини танлашингиз лозим. Сиз билан келишолмаган инсонга ғазабланиш кучлилик белгиси әмас. Бақириш, жазавага тушиш ҳамманинг қўлидан келади. Ҳақиқий буюклик бундай хатти-харакатлардан устун туриш ва назоратни сақлаб қолишидир.

Баҳсларга тайёр туринг. Юқори мақсад учун муроса қилиш керак.


Муаммоларни ўзингиз ҳал қилишни ўрганинг. Айбдор изламанг, ҳамма нарсани ким тузатиши кераклигига аниқлик киритиб ўтирунг. Албатта, сиз у одамни хатоси ҳақида огоҳлантиришингиз керак. Агар у бунга самимий қарамаса, ўз вазифаларини бажаришни истамаса, унда сиз унга у ёки бу йўл билан таъсир кўрсатишингиз мумкин.

113. Бирорга ёқиш учун жон куйдирманг

Ўзгалар кўнглини олиш учун хўжакўрсинга жон куйдирадиганлар орамизда топилади. Бундай тоифадаги кишиларнинг ҳаракатлари фақат ўзларига зиён етказади. Негаки, бундай муносабат самимий бўлмайди ва буни ҳамма сезиб туради.

Қолаверса, ҳамманинг кўнглига бирдек ёкиб бўлмайди. Нима десангиз ҳам, нима қилсангиз ҳам, хеч қачон ҳаммага маъкул бўлолмайсиз. Хоҳиш ва истакларимизнинг чегараси йўқ. Уларнинг барчасини қондиришнинг эса имкони йўқ. Фақат бир нарсани унуманг: истакларингизни қондира оладиган ягона одам – бу сизнинг ўзингиз. Бошқалар ҳам худди шундай.

Атрофдагиларга ёкиш учун ортиқча вақт ва куч сарфламанг. Бундай уринишлар фақат ва фақат асабийлик ва безовталикни келтириб чиқаради. Баҳт – бу куч талаб қилмайдиган кўнгилдаги табиий ҳолатдир. Ҳеч кимни куч билан баҳтли қилиб бўлмайди. Қачонки, онгингиз салбий ҳис-туйғулардан озод бўлса, автоматик равишда ўзингизни баҳтли ҳис қиласиз. Баҳт – бу кимгадир берилиши мумкин бўлган буюм эмас. Бу фақат инсон ўзи ҳис қилиши мумкин бўлган туйғу. Бошқаларга ёкиш учун баҳтли бўлинг. Шундагина сиздаги тебраниш кучи бошқа одамларни ҳам худди шундай ҳолатга олиб келади.



114. Режалар тузиш билан овора бўлиб қолманг

Кўпчилик фикрлаш ва режалаштириш учун кўп вақт сарфлайди. Бундай одамлар доимо режа тузиш билан банд бўлишади. Тўғри бунинг ёмон томони йўқ, лекин ҳаракатсиз, фақат режа билан ҳеч нарса-га эришиб бўлмайди. Бундай одамлар доимо туш-кунликка тушиб қоладилар, чунки аксарият вақтини хаёл суриш билан ўтказадилар. Ҳатто иш вақтида ҳам уларнинг онги келажак ҳақидаги фикрлар билан банд бўлади. Асосий вазифаларини унутиб қуядилар.

Режалаштириш, албатта, сифатли иш учун зарур, лекин ақлни чалғитадиган, фақат хомхаёл бўлиб қоладиган режалар сизга халал беради. Узоқ вақт давомида ўзингизни орзулар оғушида сузиб юришга йўл қўйманг. Ўзингизга бирор машғулот топинг ва эътиборингизни амалиётга қаратинг. Режаларингиз қоғозда қолиб кетмасин. Бирор нарсага тез эришиш ёки ҳаммаси бир пайтда амалга ошишини кутманг. Ҳаракатдан тўхтамасангиз ҳаммаси секин-аста сиз истагандек рўёбга чиқаверади. Унутманг, вақт ўтиши билан истак ва режалар ўзгаради. Бугунги кундаги истак ва режалар 20 йил аввалгисидек эмас, албатта. Ўша пайтдаги хоҳишингиз бугунга тўғри келмайди.

Шунинг учун баҳтли бўлиш имкониятини режаларингиз ва ниятларингиз амалга ошадиган вақтгача олиб қўйиш ярамайди. Сиз шу ерда ва ҳозир завқланниб яшашингиз керак. Эътиборингизда бўлган ҳар қандай юмуш ва вазиятдан завқ олишга ҳаракат қилинг. Фақатгина шу йўл сизни энг буюк мақсадингизга олиб боради. Сиз олаётган завқ айни кундаги



яшашингиз, аниқ бир фаолиятта эътибор қаратишингиз ва ўз ишингизни иложи борича яхши бажариш қобилиятынгизга боғлиқ.

115. Ўзгаларни ўзгартиришга уринманг

Энергиямизнинг катта қисмини ўзгаларни ўзгартиришга сарфлаймиз. Таасуфки, ўзимизни ўзгартишимиз кераклиги ҳақида бир дақиқа ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бизнингча, ҳаётимиздаги муаммолар ва қийинчиликларда бошқалар айбдор ва улар ўзгарма-гунча биз баҳтли бўла олмаймиз.

Афсуски, сиз ҳеч кимни куч билан ўзгартира олмайсиз. Бошқаларни ўзгартиришга қанча кўп куч сарфласангиз, улар ўзгаришларга шунчалик қаршилик кўрсатадилар. Худбинлик доим ташқи томондан босимга қарши туради. У шунчаки «ҳа» дея олмайди.

Бошқаларни фақат билвосита ўзгартириш мумкин. Аммо бу осон иш эмас. Буни қандай амалга ошириш керак? Ягона усул – ўзингизни ўзгартириш, яъни атрофдагиларга бўлган муносабатингизни ўзгартириш. Агар бошқаларга нисбатан реакция ва муносабатингиз ўзгарса, улар сизга аввалгидек муносабатда бўла олмайдилар. Улар ҳам ўз хатти-харакатларини ўзгартиришга мажбур бўлишади. Шу йўл билан сиздаги ўзгаришлар билвосита бошқаларнинг ўзгаришига ҳисса қўшади.

Сиз билан бевосита алоқаси бўлмаган, аммо ишингиз доирасида мақсадларингиз кесишадиган бъзи кишиларни ўзгартириш учун ишга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг. Барча муаммоларда уларни айблашингиз ярамайди. Уларга ёзма равишда мурожаат қилинг, иш юзасидан кичик учрашув ташкиллаштиринг, ўзингизни ташвишга solaётган муаммолар ҳақида ўртоқлашинг. Бундай ҳаракатлар, албатта, яхши натижа беради. Агар сиз ўзингиз билан ўзингиз бўлиб, муаммоларингизда доим бошқаларни айблайверсангиз, унда ҳеч нарсага эришолмайсиз. Ўтириб, мулоҳаза қилинг.

Вазифаларингиз нимадан иборат эканини бир-бир санаб чиқинг. Масалан:

1. Сизга ва атроф-муҳитга етаётган зарарни камайтириш.

2. Мавжуд муаммо ва камчиликларни кучайтиришга ҳисса қўшмаслик...

Атрофдагиларда салбий хислатлар ва фазилатларни уйғотмаслик учун улар билан чиройли одоб доирасида мuloқot қилишни ўрганинг. Шундагина муаммолар барҳам топади ва сиз унга қарши курашишингиз шарт бўлмайди.



116. Мақтовларга сахиў, танқидларга хүшёр бўлинг

Очиғи, биронни эътироф этиш учун мақтовларни жуда қизғонамиз ва бунга шошилмаймиз. Лекин уларнинг хатоларини зудлик билан ва ўзгача завқ ила кўрсатишга тайёрмиз. Аслида, биз бутунлай тескарисини қилишимиз керак. Атрофимиздагиларнинг барча яхши фазилatlари ўз вақтида эътироф қилишни ўрганишимиз керак.

Унутманг, сиз бундай ҳаракат орқали иқтидорли ходимингиз ёки ҳамкасбингизни рағбатлантирган ва кейинги фаолиятига янада кучли мотивация бер-

ган бўласиз. Ўз навбатида, уларнинг камчиликлари ва хатоларини жуда эҳтиёткорлик билан ўзларига кўрсатиш ва тушунтиришни ўрганинг. Омма олдида мақтанг, ҳоли қолганда эса танқид қилинг. Бу хато ва камчиликларга эътибор бермаслик керак, деган тушунча шаклланмаслигига ёрдам беради. Агар ходимингизнинг бирор-бир камчилигига ишора қилмоқчи бўлсангиз, уни ҳоли равишда, яъни гувохларсиз амалга оширинг. Ҳеч қачон омма олдида бошқаларнинг заиф томонлари ва камчиликлари ҳақида гапирманг.

«Сизнинг инглиз тилингиз
кечириб бўлмас даража-
да ёмон аҳволда. Доим
бир талай хатолар
қиласиз...»



Шуни ёдда тутингки, салбий томонларга ишора қила туриб, ўзингизни бир муддат улар таъсирига тушиб қолганингизни сезмай қоласиз. Ижобий нарса ҳақида гапирганда эса бу ҳолат ўзингизга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Иктидори ва ютуқлари учун инсонларни мақташ нафақат улар учун, балки ўзингиз учун ҳам фойдалидир. Ҳар доим ижобий нарсларга эътибор беришга ҳаракат қилинг.

Ёдингизда бўлсин: ишлайдиган кишиги хато йўл қўяди. Кўпчилик хато қилмаслигининг сабаби улар ҳеч нарса қилишмайди. Бундан ташқари, улар кўпинча ташаббускор инсонларни танқид қилиш учун сабаблар излашади. Энг кичик хато ёки камчиликларни ҳам бўрттириб кўрсатишади. Бу нотўғри ёндашув. Маънан етук инсон бундай йўл тутмайди. Етуклик ташаббускор инсонни қўллаб-куватлашда намоён бўлади.

117. Ўзингизда сатогуна хислатини ривожлантиринг

Қадимги қўлёзмаларда инсон Конституциясининг учта сифати ҳақида гап боради:


1. Ражогуна
2. Сатогуна
3. Тамогуна

Ражогуна ва тамогуна инсонни энг паст даражага тушуради, фаоллигини сустлаштиради. Сатогуна эса юқори даражага кўтаради, яъни янада фаоллаштиради. Ражогуна онгни ҳаяжонга солади, уни гиперактив қилиб, доимий қизиқиш ҳисси билан тўлдиради, шундан завқ олишга йўналтиради. Ражогунанинг

таъсири остида инсон жуда фаол, шу билан бирга беҳаловат бўлади, лекин бу ҳислар унга қониқиш ва кувонч келтирмайди. У доимо саросима, ҳаяжон ва норозилик ҳисларини бошдан ўтказиб туради.

Тамогунанинг асосий хусусияти инерция, зерикиш, ҳаракатсизлик, дангасалик, бепарволикдир. Бундай тоифадаги инсонлар доим ухлашни хоҳлашади, ҳамма нарсани унутишади. Бу ҳолатда ҳаётдан қониқиш йўқолиб, киши зерика бошлайди.

Сатогуна эса фаол, ҳаракатчан, айни пайтда музознатли онг билан ажralиб туради. Сатогуна разжогуна ва тамогуна орасидаги ижобий хислатлар йиғиндисидир. Айтиш мумкинки, иккала тоифада ҳам сатогунадаги ижобий хусусиятлар бор. Аммо тўлиқлигича эмас. Сатогунага эга бўлган инсонлар ҳаддан зиёд ҳаяжонланмайди, ҳаётининг зерикарли бўлишига йўл қўймайди. Улар фаолиятни дам олиш



билинг ўзидан ҳам фаол, ҳам хотиржам бўла олишади. Эътиборлиси, стрессга тушишмайди ва қандай қилиб дам олишни билишади (медитация амаллари ёрдамида).

Шундан келиб чиқиб, маънавий ривожланиш учун ўзингизда сатогуна (сатва)ни тарбияланг. Ҳаёт тарзингиз сатвик турмуш тарзига мос келсин. Сатва – бу юқори мақсадга эришиш воситасидир, яъни ўз-ўзини ривожлантириб бориш. Сатвик озиқ-овқатлар истеъмол қилинг, сатвик мусиқа тингланг, табиатга яқинроқ бўлинг, соғлом турмуш тарзини олиб боринг, тана ва атроф-мухит поклигига риоя қилинг, йога, пранаяма, мулоҳаза юритиш билан шуғулланинг, кўпроқ сукунат сақланг, тинчлантирувчи ранглардан фойдаланинг, табиий матолардан тикилган кийимлар кийинг, ёнингизга сизни маънан юксатиравчи, руҳиятингизни кўтарувчи суратларни жойлаштиринг, дунёқарашибингизни оширадиган адабиётлар ўқинг – буларнинг барчаси сатогунанинг шаклланишига ёрдам беради.

118. Ўзгаларга ёрдам қила туриб, шахсий қизиқишиларингизни қурбон қилманг

Айримлар «ёрдам» атамасини бутунлай нотўғри талқин этишади. Улар бошқаларга ёрдам бериш учун ўзларини қурбон қилган, ёрдам қўлини чўзганларни буюклар деб хисоблашади. Аммо бу буюклик эмас.

Сиз бошқаларга ёрдам беришингиз, жамият ва бошқаларнинг манфаати учун ҳаракат қилишингиз мумкин, лекин айни пайтда бу ҳаракатларингиз

ўзингизга, орзу-умидларингизга зарар етказмаган ҳолда бўлиши керак. Агар ўзингизга зарар етказсангиз, бошқаларга хизмат қила олмайсиз. Сиз ўзингизнинг жисмоний ва ақлий фаровонлигинги ҳақида ўйлашингиз керак, шахсий қизиқишиларингиз ўзгаларнинг истаклари соясида қолиб кетмасин. Мен айримларни ўзларини унутиб, беморлар танишлари ёки қариндошларига ғамхўрлик қилаётганларини бир неча бор кузатганман. Тўғри, улар инсонпарварлик нуқтаи назаридан, вижданан ғамхўрлик қилишга ҳаракат қилишяпти, аммо ўзларининг саломатлигини ҳам ўйлашлари керак, йўқса ўzlари ҳам бетоб бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Беморларга ғамхўрлик қилиш баробарида ўзингизни асрашга ҳам ҳаракат қилинг.



**Бахт ифор-
ларга ўхшайди:
ўзингизга сепмай
туриб, ўзга инсон
сепган ифоридан
фойдаланолмай-
сиз.**

Балки сиз баъзи ноқу-
лайликларга тоқат қила-
оларсиз, бошқаларга хиз-
мат қилиш учун ўзингизга
кўшимча вазифа юклар-
сиз, аммо бу ишларни ку-
чингиз етганча, имкон қа-
дар амалга оширишингиз
керак. Кучингиз етмаган
ишларни зиммангизга орт-
моқламанг. Бошқаларга
хизмат қилаётганингизда
жисмоний ва аклий фаро-

вонлигингизни унутманг. Бундай ёндашув худбин-
лик каби кўриниши мумкин, аслида, бундай эмас.
Худбинлик – ҳар қандай йўл билан ўз манфаати
учун интилиш. Бундай инсон, ҳеч иккиланмасдан,
бошқаларнинг манфаатларини ўйламай уларга заар
етказади. Аммо ўзгаларга хизмат қилиш бароба-
рида ўз-ўзини ҳимоялаш, маънан ривожланиш ва
кулай ҳаёт учун шароитлар яратиш худбинликка
кирмайди.


Албатта, баъзан ўзгаларни кутқариш учун ўзин-
гизни қурбон қилишингизга тўғри келди. Бундай
харакатлар инсоният ва жамиятнинг юқори манфаат-
лари билан белгиланиши керак. Улар, албатта, юқо-
ри мақсадлар учун амалга оширилади. «Бутун» ҳар
доим «қисм»дан қадрлироқдир. Бироқ қандайдир
Том, Дик ёки Гарри учун ўзингизни қурбон қилиш,
баъзи бир ҳиссиётлар учун ўзингиздан кечиш нодон-
лик ва аклсизликдир.

119. Ҳаётда ҳамма нарсани қабул қилишни ўрганинг

Қайғу ва саросиманинг асосий сабабларидан бири – инсоннинг ёқимсиз ва кутилмаган ҳодисаларга тайёр эмаслигидир. Мисол учун, сиз имтиҳонда муваффакиятсизликка учрадингиз ёки бетоб бўлиб қолдингиз, ёхуд яқин одамингиз сизни алдаганини билиб қолдингиз. Бундай ҳолларда, одатда, зўриқиш ва тушкунликка тушиб қоласиз. «Нима учун бундай бўлди, буни кутмагандим. Кўп интилсан ҳам, охири муваффакиятсиз тугади. Мен бу одам учун жуда кўп ёрдам бердим, у эса мени алдади. Нима учун одамлар менга ёрдам беришни хоҳламайдилар, мени қадрламайдилар?» деган саволлар тинчлик бермайди.

Бахти бўлиш учун негатив муносабатингизни





позитивлик билан ўзгартиринг. «Мен билан содир бўлган ҳамма нарсани – яхши, ёмон, ёқимли ва ёқимсиз ҳодисаларни ҳам қабул қиласман», деб тақорорланг ва ўзингизни ишонтиринг. Дунёда ҳамма нарса содир бўлиши мумкин. Орамизда яхши ва ёмон одамлар борлиги сабабли, яхши ва ёмон ҳодисалар ҳам содир бўлиши

тайин. Ҳатто яхши одам ёмон, ёмон одам эса яхши бўлиши мумкин. Бунга ажабланмаслик керак. Ҳаётда ҳеч нарса бутунлай ёмон ёки яхши бўлмайди.

Ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг биринчи қадами – муаммони борича қабул қилишдир. Муаммо бор, хўш нима бўпди? Бунда ҳеч қандай ваҳима қиласиган нарса йўқ. Факат уни ҳал қилиш йўлларини топиш ва ҳаракатни тўғри йўналтирсангиз кифоя. Бу иккинчи қадам. Агар сиз биринчи қадамни амалга оширмасангиз, иккинчи қадамга етиб боролмайсиз.

120. Ўзингизда нафрат түйгүсүни шакллантирумang

Болалигимиздан бизни яхшиликни севишга, ёмонликдан нафратланишга ўргатишган. Бир қарашда, бу түғри. Ёмон феъл-авторли инсонларни күрсак ёки учратсак ўз-ўзидан нафратимиз қўзийди. Бу нафрат бора-бора ичимизда тўпланиб, рухиятимиз, кайфиятимизга салбий таъсиз кўрсатишни бошлайди. Шу боис психологлар бундай ёндашувни оқламайдилар. Маънавий етук, сабрли одам қанчалик қийин бўлмасин, юрагига нафрат хисси киришига йўл қўймайди. Сиз ҳам ўзингизда бу хислатни шакллантиринг.



«Мен бошлигимдан нафратланаман. У жуда ёмон инсон».

Қалбингиз нафрат ва ғазаб билан тўлган бўлса, унда сиз нафақат ўзингизга, балки ҳеч кимга ёрдам беролмайсиз. Нафрат наф келтирадиган усул эмас.Faқат ўзингизга зарар етказасиз, холос. Негаки, негативлик инсоннинг ақлий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, чунки ақл ва тана ўзаро боғлиқ.

Нафрат кишидаadolatli бўлиш туйғусини ўлдиради. Нафрат ҳис-туйғуга боғланган ҳиссиётдир. У қалб амрига бўйсунади. Қалб ва ақл эса доим қарама-қарши томонда туради. Агар кимнингдир хотти-ҳаракати ёки феъл-автори, муомаласи нафратингизга сабаб бўлса, ўзингизни қўлга олинг, у шундай инсон экани, у билан айтишиб, ортиқча асабингизни бузишингизга арзимаслиги ҳақида ўйланг. Нафратингиз ҳиссиётларингизга таъсир кўрсатиб, ўзингизни бошқариш мувозанатини йўқотасиз. Бунга йўл қўйманг.

Нафратдан воз кечинг. Биринчидан, ёқимсиз нарсаларни борича, ортиқча васвасасиз қабул қилинг ва унинг сабабларини тушунишга урининг. Шундан сўнг ундан қутулиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйланг. Ҳеч ким дунёдаги ёмон нарсаларни бутунлай ўзгартира олмайди. Сиз кучингиз етган ишларни қилинг. Қобилиятларингиздан тўлиқ фойдаланинг. Дунёдаги ёмонликларни ёлғиз бартараф қилишга уринманг.

Мухтасар қилиб айтганда, бор куч-қувватингизни нафратга эмас, ҳаётга ижобий назар билан қарашга йўналтиринг. Ёдингизда тутинг: ҳаётда кўп нарсалар назорат қилинмайди. Ўзингиз ва бошқаларни лаънатламанг, тақдирингизга қарши чиқманг, ҳар қандай ёмонликнинг минимал даражагача зара-

рини камайтириш учун яшанг. Агар бирор нарсани ўзгариши мумкин бўлмаса, ўз реакциянгиз ва муносабатингизни ўзгариринг.

121. Бошқаларни ўзингизга тобеъ қилманг

Баъзилар одатда қўл остидагиларга ёки ҳамкорларига ўzlари истаган ишни бажаришга рухсат беришмайди. Улар исташмаса-да, юмушларига аралашаверишади. Гўё ёрдам бераётгандек. Ёрдам фақат керак бўлганда таклиф қилиниши лозим. Бошқаларнинг вазифаларини ўз бўйнимизга олаверсак, уларнинг ривожланишига, ўзига бўлган ишончини оширишига,





Бахтни ўзин-
гиздан ташқарида
топиш булутни
түтиб олиш дега-
ни билан баробар.

муаммоларини ҳал қилишига тұсқынлик қылган бўламиз. Бошқача айтганда, ёрдам бермоқчи бўлган инсонимиз ҳақиқатан шунга муҳтоҷ бўлиши керак.

Аксарият қариялар, одатда, ҳамма юмушларни ўзлари бажаришни хоҳлайдилар. Масалан, сувни ўzlари олиб келишади, идишларни ювишади, уй ишларини бажаришади. Аммо оила аъзолари буни сезишганда,

дарҳол кексаларга хурмат қўрсатиб, ёрдам беришга шошиладилар. Лекин биз бундай ҳаракатимиз билан кексаларимизнинг ўзларига бўлган ишончларидан маҳрум қилаётганимизни билмай қоламиз.

шунингдек, болаларни ўз вазифаларини мустақил бажаришга ўргатинг.

Ўзингиз ҳам шунга амал қилинг. Агар бирор ишни ўзингиз бажаролсангиз, нур устига аъло нур. Аммо уни бошқалар зиммасига юклаш ўсиш ва ривожланишдан тўхташдир. Ёрдам фақат мутлақ зарурат туғилгандагина сўралиши керак. Бу тамойил ҳар қандай ёшдаги киши учун амал қиласи ва қариялар ҳам бундан мустасно эмас. Ҳа, кексаларни камрок уринтириш керак, аммо уларни ҳали ҳам бирор ишни уddyалай олишига ишонтириш зарар қilmайди. Бу билан уларнинг кайфияти кўтарилади, ҳамон кимгадир керакли эканликларидан бошлари осмонга етади.

Үзига түқ аксарият хонадонларда хизматкорлар бор. Кўпинча, ёшлар ва ўсмиirlар хизматкорларга ўзлари ҳам уддасидан чиқа оладиган юмушларни буюрадилар. Бундай ёндашув болаларни келажакда дангаса, кимгадир қарам бўлишларига сабаб бўлади. Тўғри, биз келажакни башорат қила олмаймиз. Аммо назариялар ва амалий кузатув натижалари болаларимиздаги мустақилликни ривожлантиришимиз, рағбатлантиришимиз кераклигини уқтиради. Фарзандингизга фақат қошиқ тутишни ўргатинг, овқат ейишни эса ўзлари ўрганишади.

«Сен ҳаракат қилсанг, Худо баракасини беради», деган нақл бор. Бу ҳакиқат. Мустақил ҳаракат қилсангиз Яратган доим сизни қўллаб-куватлайди. Агар ўзингиз уддасидан чиқа оладиган ишларни ҳам ўзгага юклаб қўйсангиз бу ишнинг хайри ҳам бўлмайди. Ҳеч қачон бироннинг меҳнати устидан нон ейишни одат қилманг. Сиз бажараётган юмушга кимнингдир ҳиссаси қўшилса, уни, албатта, эътироф қилинг.

122. Хулоса қилишга шошилманг

Хулоса жуда осон шакланади. Кўпинча расмни тўлалигича кўрмай, вазият, шахс ёки воқеа ҳақидаги маълумотларнинг бир қисмигагина таяниб фикримизни баён қиласиз. Кўп жиҳатдан хулосамиз воқеа ва ҳодисалардан юзаки таъсирланишимиз оқибатида келиб чиқади. Хулосалар куйидагича шакланади:

1. Агар бирор киши сизга яхши муомаласи ёки ёрдами билан маъқул бўлса, беихтиёр уни ҳақ ёки ноҳақлигини ўйлаб кўрмасдан қўллаб-куватлайсиз.



Агар кимдир сизга ёмонлик қилған бўлса ёки хатти-ҳаракати ёқмаса дарҳол унга қарши турасиз, хатто у мутлақ ҳақ бўлса ҳам, уни ноҳақ санайсиз.

2. Шахс ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотга таянган ҳолда фикрларингизни умумлаштирасиз. Айтайлик, сиз унда яхши фазилатларни кўрдингиз ва уни энди яхши инсон деб ҳисоблай бошлайсиз, гарчи у бундай бўлмаса ҳам. Худди шундай, инсонда бирор ёмон фазилат борлигини сезганингиздан сўнг, сиз уни ёмон инсон деб ҳисоблайсиз ва аксинча. Эҳтимол, унда сиз ҳали пайқамаган яхши фазилатлар борлигини ўйлаб ҳам кўрмайсиз.

Муайян гурух ёки жамоага қарши мухлислик қилиш уларнинг хатоларини кўрмасликка, хулосаларингизни нотўғри баён қилишингизга сабаб бўлади.

Қайсидир гурух ёки жамоа фаолиятидан күнглингиз түлмаса, унинг аъзоларига нисбатан ҳам негатив фикр билдира-сиз. Бундай хulosса қилиш ярамайди. Бу адолатсизликтир. Ҳеч кимнинг шахсиятини билмай туриб, хulosса қилманг.

3. Аксариятимиз биргина кузатув асосида хulosса қилишга одатланганмиз. Вазиятни, жараённи ёки субъектни тўлиқ кузатмаймиз, фактлар ва тафсилотлар тўпламаймиз, аммо шунга қарамай, хulosса чиқарамамиз, фикр билдирамиз. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга таянганимиз бизни умуман қизиқтирумайди. Натижада бу мишмишлар ва ғийбатларнинг урчишига олиб келади.

Хulosса қилишдан олдин содир бўлаётган ҳодисадан бироз узоклашинг ва уни тўлалигича идрок этишга ҳаракат қилинг. Барча маълумотларни тўплаш, ижобий ва салбий томонларни тарози палласига қўйиб кўринг. Шундан кейингина аналитик қобилияtingизни ишлатиб, оқилона ва адолатли хulosалар чиқаришга киришинг. Нафрат ва адоват кучли ҳиссиёт, адолатли қарор қабул қилишимизга ҳалал беради. Шу боис бетараф бўлишга, тўпланган барча маълумотларни адолатли баҳолашга ҳаракат қилишимиз жоиз.

Бахт истагин-гиз амалга ошиганидан келиб чиқмайди. Бахт – бу истаклардан воз кечишидир.

123. Заиф ва ёрдамга мухтожлардан манфаатингиз учун фойдаланманг

Одатда бой-бадавлат кишилар билан камтарлик ва итоаткорлик билан муомала қиласыз, камбағал ва заифларни эса үзимизга бүйсундиришга ҳаракат қиласыз. Уларга ёрдам бериш ўрнига, улардан ўз манфаатларимиз йўлида фойдаланамиз. Чунки уларни талабларимизга бўйсунишлари ва эътиroz билдири масликларини яхши биламиз.

Заиф ва ёрдамга мухтожлардан фойдалаланиш истаги – худбинлигимиз, маънавиятсизлигимиз белги сидир.

Заиф ва ночорларни ҳурмат қилинг, манфаатларингиз йўлида улардан фойдаланманг. Қўлингиздан келса ёрдам беринг.

Яратган олдида ҳар бир ҳамалимиз ҳисоблидир. Ва бу ҳаётда қандай мақомга эга эканлигимиз муҳим



эмас. Яратганнынг даргоҳида ҳамма: камбағал ва бой, кучли ва заиф тенг. Моддий мақомимизга қараб эмас, характеримиз, хулқ-авторимиз ва шахсий фазилатларимизга кўра баҳоланамиз.

Ёдингизда бўлсин, ташқи фарқлар вақтингчалик. Исталган пайтда тақдирингиз ўзгариши мумкин ва у билан бирга мақомингиз ҳам.

124. Маросимларга берилманг

Биз, ҳинdlар, диний маросимларга катта аҳамият берамиз. Маросимлар асл мақсад бўлиб қолмаслиги керак. Асл мақсад – Парвардигорга ибодат қилишдир. Буни маросимлар орқали эмас, балки Яратганга сиғиниш, шунингдек, яхши амаллар орқали бажариш керак. Маросимлар билан овора бўлиб, уларнинг қобигидан чиқмай қолсангиз, муаммолар пайдо бўлади. Олий мақсадингиздан чалғийсиз. Вақтингизни ўзингиз учун фойдали ишларга сарфланг.

Ўзлигингизни англаш йўлидаги мақсадингизни унутманг. Қалбингиз Ҳақ ёди билан нурга тўлсин. Шундагина ҳамма нарсада Унинг иродаси ва яратувчилигини кўрасиз.

125. Ҳақиқатга қарши чиқманг

Агар азоб-уқубатлар ва муаммолар илдизини қидирсак, оддий ҳақиқатга дуч келамиз: ҳаёт оқимиға қаршилик кўрсатиш. Аксарият ҳолларда ҳаётимиз давомида жуда кўп нарсаларга қаршилик кўрсатамиз, айниқса, биз ёқтирмайдиган, бизни безовта қиласидиган ва ташвишга соладиган нарсаларга. Аксинча, ёқимли ва биз учун яхши бўлган нарсаларни қа-

бул қилишдан завқланамиз. Бирок ҳақиқатга қарши чиқиши ўзликни инкор қилиш билан баробар.

Ҳаётда ҳамма нарса содир бўлади ва ҳеч ким бунда бизнинг хоҳишимизни сўраб ўтирмайди. Биз инкор қилсак-да, қилмасакда тақдиримизга ёзилгани бўлади. Биз ҳаёт ҳақиқатларига кўнишишимиз керак. Бунинг учун нима қилишимиз керак? Ҳамма нарсани, шу жумладан, салбий ҳолатларни ҳам борича қабул қилишимиз керак. Ҳаётда ҳамма нарса биз ўйлагандек эмаслигини англашимиз билан асабийлашиш, тушкунликка тушишдан халос бўламиз. Негаки, биздаги асабий ҳолат кўпинча муаммолар туфайли эмас, балки психологияк қаршилик туфайли юзага келади. Ўзимизни бутунлай озод қилиш учун ақл-заковатимиз ва дипломатиямизни ишга солишимиз, ўзимизни ҳимоя қилиш йўлларини излашимиз керак. Ёдингизда бўлсин: ёмонликни бартараф эта олмаймиз. Ундан фақат имкон даражасида ҳимояла нишимиз мумкин.

Ҳимояланиш қоидаларини худди йўл қоидаларини йўл хавфсизлиги учун ўрганганининг сингари ўрганинг.

Ўйлаймизки, сиз аллақачон бахтга эришиш сири бор нарсани борича қабул қилишда эканини тушуниб етдингиз. Нафрат, ғазаб, рад этиш, айловлар, танқидлар, шикоятлар – буларнинг барчаси қабул қилиниши мумкин бўлмаган қаршиликнинг элементларидир. Бу фазилатлар инсонга муқаррар оғриқ келтиради ва бахтсизликнинг сабабларига айланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, оғриқ ва азоб-укубатлар бирор нарсага қаршилик кўрсатиш орқали юзага келади.



Қабул қилиш ва қаршилик түшүнчесини аңглаш учун дарёни тасаввур қилинг. Агар сиз оқим билан бирга сузаётган бўлсангиз, демак, сиз қабул қилиш ҳолатидасиз. Оқимга қарши сузаётган бўлсангиз, аксинча, қаршилик кўрсатиш ҳолатидасиз ва бу вазиятда кўпроқ ҳаракат қилишингизга тўғри келади, натижада қийнала-қийнала, зўрга қирғоққа етиб борасиз. Бу қаршилик режими дейилади. Қаршилик ре-

жимида сиз дарё билан эмас, ўзингиз билан курашасиз, чунки «қисм» «бутун»ни мағлуб қила олмайди. Худди шу қоида ҳаёт учун ҳам амал килади.

Хақиқат қаршилиги ақлнинг кучланишини келтириб чикаради.

Ёдингизда бўлсин, қаршилик ҳисси бизни ўзига боғлаб туради ва озод бўлишимизга йўл қўймайди. Айнан эркинлик баҳтнинг асосий шартидир. Баъзан ўзимизни оқимга қўйиб бериш орқали эркинликка чиқиб, баҳтга эришамиз.

Хулоса

Азиз ўқувчим! Ушбу билимларни эгаллаш ва амалиётда қўллаш орқали сиз онгингизда яшаб келаётган таассуротлар ва ҳиссиётларни тўғри йўналтиришингиз, онгингизни кераксиз фикрлардан тозалашингиз мумкин. Шундагина соф, кучли ва мувозанатли онгингиз назоратингиз остида бўлади. Ҳеч қандай куч ва салбий ҳолат онгингизни эгаллай олмайди. Доим тинч ва хотиржам бўласиз. Даромад ва муваффақият сизни ҳаяжонлантирумайди, йўқотиш ва муваффақиятсизликлар умидсизликка тушуролмайди. Ҳар доим ички хотиржамлик ва илоҳий кувончга эга бўласиз. Ташки омиллар баҳтингизга таъсир кўрсатолмайди.

Унутманг, онгингиз ташки кучлар назоратида бўлмаса, сиз катта океанда гўё сомон каби чўкмай суза оласиз. Баъзан тақдир бизни кулдиради, баъзан йиглатади, баъзан бизни севади, баъзан эса қийинчиликларга рўбарў қиласи. Шундай пайтларда юқоридаги маслаҳатларимизга бир бор назар солинг; уларни ҳаётингизда қўллаб кўринг. Агар сизга илингандўстона маслаҳатларимиз ҳаётда ўз ўрнингизни топишга, баҳтли бўлишингиз учун олдинга бир қадам ташлашингизга ёрдам берса, биз факат сиз учун хурсанд бўламиз, мақсадимизга эришган ҳисобланамиз.

Бахт ҳақида иқтибослар

- ◆ Бахт – бу ақлнинг ҳолати бўлиб, у жой ёки объектга боғлиқ эмас.
- ◆ Ўзингдан ўзга сени баҳтли қила олмайди.
- ◆ Бойлик сизга баҳтдан ўзга ҳамма нарсани бера олади.
- ◆ Баҳт сотиб олинмайди, у бошдан ўтказилади.
- ◆ Дунё устидан ҳукмронлик қилиш ва бутун хазиналарга эгалик қилиш баҳтни кафолатламайди.
- ◆ Баҳт бу – сизнинг табиатингизда. Уни фақат ичингиздан ҳис қилишингиз мумкин.
- ◆ Стресс сизнинг фикрингизда туғилади. Фикрни англамай ва назорат қилмай, стрессдан қутилиб бўлмайди.
- ◆ Баҳт – бу сизнинг асосий хазинангиз. Уни арзимас ҳолатлар ва ҳаётий муаммолар сабаб ўғирлаб қўйишларига изн берманг.
- ◆ Баҳт сизнинг муаммоларингиз билан учрашадиган кайфият билан ўлчанади.
- ◆ Баҳт манбаи биз қилаётган ишларда эмас. Баҳт – бу қилаётган ишларинизни севишимизда.

- ◆ Бахт кичик нарсаларда: гүдак кулгисида, дўстингиз хати, қушлар сайраши, Қуёш нуридадир.
- ◆ Бахт атрофдагилар билан бўлган меҳр, сабр, ўзаро бир-бирини тушуниш, севги-муҳаббат билан йўғрилган баркамол муносабатлардадир.
- ◆ Биз ўзимизга қанчалик имкон берганимиз дара-жаси қадар баҳтиёрмиз.
- ◆ Бошқаларга ёрдам берганингизда баҳт ўз-ўзи-дан келаверади. «Дўстингизга қайиқни қирғоққа олиб чиқишига ёрдам беринг, сиз ҳам ўша қирғоққа етиб оласиз».
- ◆ Инсонлар ўзгаларга баҳтсизлик тилаш ўрнига, ўзларига баҳт тилаганларида эди, Ер юзида жаннат қарор топган бўларди.



Оммабоп нашр

МРИНАЛ КУМАР ГУПТА

БАХТЛИ БЎЛИШ СИРЛАРИ

Муҳаррир
Зебинисо ҲАЙТОВА

Бадиий муҳаррир
Дилфузा САЛИХАДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 27.10.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табоғи 5,5. Шартли босма табоғи 9,24.

Гарнитура «Virtec Peterburg Uz». Офсет қофоз.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 180.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (99) 891-03-24.

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Миңал Құмар Гүлтә

**БАХТЛИ
БҮЛИШ**
СИРЛАРИ



Маңнан етукликка етмаган онғына ҳаётни қулай ва муаммосиз бўлиши керак, деб ўйлаши мумкин. Ҳаётда ҳамиша парвозлар ва қулашлар, кутилмаган ҳодисалар содир бўлади. Ҳамма нарсага тайёр турмоқ керак. Муаммолар билан яшашни ўрганайлик. Қачонки, муаммолар хотиржам қарши олинар экан, улар ўз кучини йўқотиб, инсонга бўйсuna бошлайди.



ISBN 978-9943-20-858-2

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-20-858-2.



www.book.uz